

Сулаймон Иноятов, Анвар Қандахоров

Шайх Худойдод Вали-Кармана фарзанди



**Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Вали
(1461-1532)**

Тошкент -2008

Маъсул муҳаррир: Тарих фанлари доктори. Қ. Ражабов

Тақризчи: Тарих фанлари доктори, профессор М.Олтинов,
Филология фанлари доктори, профессор Б.Ўринбоев,
Техника фанлари доктори, профессор С.Раззоков,
Тарих фанлари номзоди, доцент О.Ҳайитова

Китобда Буюк Ипак йўли устида жойлашган, қадимий маскан
Карманада туғилиб, вояга етган, Бухоро, Самарқанд ва Ғиждувон
мадрасаларида таҳсил олган буюк шайх Худойдод Вали ҳаёти,
фаолияти ва кароматлари ҳақида фикр юритилади.

Худойдод Вали темурий ва шайбонийлар даврида яшаб,
Шайбонийхон ва Бобур билан учрашган, туркий ва форсий
тилларда шеърлар битган тарихий шахслардан биридир.

Китоб кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Сўз боши

Мустақиллигимиз туфайли халқимизнинг кўп асрлик тарихи, улув аждодларимиз ва уларнинг бой меросларини чуқур ўрганиш имкониятига эга бўлдик. Кейинги вақтларда жамиятимизнинг барча соҳаларида чуқур ўзгаришлар юз бермоқда. Тарихимизга тўғри кўз билан қараш, маънавий қадриятларимизга бўлган эътиборнинг жонланиши, халқимиз тарихий хотирасининг янада тиклана бошлиши ҳамда инсонпарварлик ғояларининг ҳаётимизга тобора кенг тадбиқ этилиши истиқлолнинг ғоявий рамзи сифатида ўз аксини топмоқда. Кейинги йилларда Республикализнинг турли худудларида жойлашган, совет хокимияти даврида қаровсиз қолиб, ҳаробазорларга айлантирилган кўплаб меъморий обидалар, аллома-ю уламоларимизнинг ҳоки пойлари жойлашган муборак қадамжолар обод қилиниб, зиёратгоҳларга айлантирилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “**Биз ўз тарихимизни ҳолисона ва ҳаққоний баҳолаб, маънавий меросимизни бойитиш ва ривожлантиришга ўз ҳиссамизни қўшишимиз, шу асосда бугунги жаҳон илму фани ва маданиятининг юксак чўққиларини эгаллашдек буюк вазифага ҳар тамонлама муносиб ва қодир бўлишимиз лозим**”¹-деб таъкидлашлари бежиз эмас, албата. Ҳеч шубҳа йўқки, бу каби ҳайрли ишлар халқимизнинг ва асосан, ўсиб келаётган ёш авлоднинг дунёқарасида, ижобий шаклланишида ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1998 йил ноябрь ойида Халқ депутатлари Навоий вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида иштирок этиш арафасида вилоят тарихий обидалари билан танишар экан, айниқса Кармана ва унинг тарихий ёдгорликларига алоҳида эътибор билан қаради. Президентимиз бу йиғилишда навоийликларга мурожаат қилиб, вилоят тарихи, Карманада жойлашган тарихий обидалар ва бу заминда туғилиб вояга етган машҳур алломаларимизнинг адабий меросларини ўрганиш, зиёратгоҳларини обод қилиш тўғрисидаги долзарб вазифани қўйган эди.

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч.Т.: “Маънавият” 2008, 52-бет.

Дарҳақиқат Кармана замини қутлуғ ва муқаддас заминдир. Бу ердан кўплаб машхур алломалар, шайхлар етишиб чиққанлиги хеч кимга сир эмас. Кармана тупроғига Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг қадамлари текканлиги, Ватанини босқинчилардан озод қилишда ўз жасоратини кўрсатган Маҳмуд Торобий ҳам шу заминда жон фидо қилгани, темурий шахзодалардан Муҳаммад Жаҳонгир, Мирзо Улуғбек, Захириддин Муҳаммад Бобур каби буюк алломалар бу замин тупроғига қадам қўйғанликлари кейинги тадқиқотларда ўз исботини топмоқда.¹ Машхур дин пешволаридан карманалик Қосим Шайх Азизонинг муриди, шайбонийлар сулоласининг забардаст вакили Абдуллахон II ҳам Карманада вояга етди.

Ислом динининг қуввати бўлган Бухоро каби Карманадан ҳам кўплаб шайхлар, дин пешволари етишиб чиққан. Қосим Шайх Азизон, Мавлоно Ориф Деггароний, Мир Саид Баҳром, Темуршайх Азизон, Шайх устод Сулаймон ал-Карминий ва яна шу каби кўплаб алломалар жаҳон тарихи сахифаларидан жой олган.

Шундай буюк инсонлардан бири XV асрнинг иккинчи ярмида Карманада туғилиб, вояга етган машхур аллома Шайх Худойдод Валидир.

Ул зотнинг XV-XVI асрларда тасаввуфдаги яссавия-жахрия тариқатининг ривожланишида қўшган хиссаси, адабий мероси, тариқатдаги силсилалари, авлодлари шажараси, пиру муридлари каби масалаларни ўрганиб, уни замондошларимизга ҳавола этиш бугунги ва келажак авлодлар учун муҳим маънавий озуқадир.

Маълумки, XVI аср бошида Мовароуннахрда темурийлар давлати инқирозга учради. Муҳаммад Шайбонийхон 1488-1504 йиллар давомида Ўтрор, Яssi, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона каби вилоятларни қўлга киритади. Мирзо Бобурга қарши жанг қилиб, уни мағлуб этади. Муҳаммад Шайбонийхон 1504-1509 йиллар давомида тинимсиз курашлар олиб бориб, улкан империяни ташкил этади. Бироқ 1510 йил Марв яқинида у сафавийлар давлатининг асосчиси Шоҳ Исмоил Сафавий билан бўлган жангда мағлубиятга учрайди ва ҳалок бўлади. Мирзо

¹ Каранг: Иноятов С. Соҳибқирон ва темурийлар назари тушган диёр. Т.: “Шарқ”, 2002, 4-бет.

Бобур 1512 йилда Шох Исмоил Сафавий билан тил бириктириб ва ундан мадад олиб, Самарқандни эгаллайди. Бу ерда у саккиз ойгина хукмронлик қиласи. Маҳаллий аҳоли уни қўллаб-қувватламайди. Чунки Самарқанднинг сунний мазҳабидаги аҳолиси назарида Бобур ўз динидан қайтган, шиалар хизматкорига айланган бўлиб кўринган эди. Натижада Бобур 1512 йил шайбонийлардан бўлган Убайдуллахондан енгилиб, Ҳиндистонга йўл олади.¹

Муҳаммад Шайбонийхон вафотидан сўнг унинг амакиси Кўчкинчихон (1510-1530) хукмдор деб эълон қилинади. Унинг вафотидан сўнг тахтга ўғли Абу Саъидхон (1530-1533) ва Шайбонийхоннинг жияни Убайдуллахон(1533-1540) ўтиради. Бу даврда Мовароуннаҳр учун қуролли қураш жараёнида шайбонийлар бутун темурий хукмдорлар ва улар билан боғлиқ бўлган олий руҳонийлар ҳамда заминдорлар қатлами вакилларини амалда йўқ қилиш учун тинимсиз қурашадилар.

Аҳоли солик ва ўлпонлар тўлашдан ташқари мажбурий меҳнат каби мажбуриятларни ҳам бажариши керак эди. Конуний ва ноқонуний, доимий ва муваққат солиқларнинг олинавериши мамлакат иқтисодий – сиёсий ҳаётига ҳалокатли таъсир кўрсатди ҳамда ҳалқни хонавайрон бўлишига олиб келди. Меҳнаткашлар ўз маконларидан оммавий қочишни нажот йўли деб билардилар.

Ана шундай мураккаб бир вазиятда вояга етган Шайх Худойдод Валининг маънавий фаолиятида ҳаётдан безиб, умидсизланган ҳалқ оммаси, адолатсиз хукмдорлардан жабр кўрган меҳнаткаш ҳалқнинг ҳаёти ўз аксини топган. Шайх Худойдод замона беклари, оксуяклар, аскар бошлиқлари қаторида бўлмади, аксинча мазлум синфнинг орасида, улар билан ҳамнафас яшади. Меҳнаткашларнинг қайғулари билан йиғлашга мажбур бўлди. Шайбоний хукмдорлар Шайх Худойдодга ўзлари учун мадад сўраб, кўплаб совға ва инъомлар юборсалар ҳам, ўз саройларига таклиф қилсалар ҳам Ҳазрат Худойдод уларни қайтариб, айримларини эса бева-бечораларга тарқатар эди. Шайх

¹ Қаранг; Иноятов С., Ҳайитова О. Кармана тарих кўзгусида. Т.: “Шарқ”, 2006, 68-70- бетлар; Ражабов Қ. Убайдуллахоннинг икки жанги// Бухоро мавжлари, 2006, №3. 34-36-бетлар.

Худойдод “Ал-факрун фахрун” яъни, “фақиригим фахримдир”, деган нақлга доимо амал қилас эди.

Худойдод Вали ҳақида кўплаб тарихий асарларда қимматли маълумотлар келтириб ўтилади. Ўша давр ва кейинги даврлар муаррихлари асарларида Шайх Худойдод Вали, у кишининг ажойиб кароматлари ҳақида лавҳалар ёзиб қолдирилган. Улардан айримлари чоп этилиб, айримлари эса тадқиқотчилар томонидан ўрганилмоқда. Ҳазрат ҳақида олимларимиз томонидан рисолалар ёзилиб, илмий анжуманлар ўтказилмоқда. Жумладан, 1997, 2001, 2006 йилларда Шайх Худойдоднинг муборак мозорлари жойлашган Газирада Ўзбекистон Фанлар Академиясининг Самарқанд бўлими томонидан Республика илмий анжуманлари бўлиб ўтганлигини эслаш жоиздир.¹ Шайх Худойдод ҳақида қимматли маълумотлар берувчи Олим Шайх Азизоннинг “Ламаҳот”,² Муҳаммад Шариф ал-Хусайний ал-Алавий Бухорийнинг “Ҳужжат уз-зокирин”,³ “Маноқиби Шайх Худойдоди Вали” номи билан икки қўлёзма китоб бизгача етиб келган.⁴ Б.Ўринбоев, Б.Валихўжаев,⁵ С. Иноятов, О. Ҳайитова⁶ ҳамда катта илмий ходим К.Каттаев⁷ томонидан олиб борилган илмий тадқиқотлар Шайх Худойдод Вали ҳаётининг маълум қирраларини ёритишга бағишиланган. Шу билан бир қаторда Шайх Худойдод Вали ҳаёти ва фаолиятига бағишиланган Самарқандда бир неча илмий анжуманлар ўтказилиб, уларнинг материаллари мақолалар тўплами сифатида Ҳазратнинг авлодларидан профессор С. Раззоқовнинг саъй- ҳаракатлари билан нашр этилган.⁸

¹ Қаранг: Шайх Худойдод Вали ижодининг маънавий-маърифий қадриятларни юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти. Самарқанд, 2006, 106-бет.

² Муҳаммадал-Олим ас-Содик ал-Алавий- Олимшайх томонидан ҳижрий 1034, милодий 1625 йилда ёзилган асар. Ўз ФА ШИ, инв.Н 495.

³ Муҳаммад Шариф ал-Хусайний ал-Алавий Бухорий томонидан ҳижрий 1077, милодий 1666-1667 йилларда ёзилган қўлёзма. Котиб Қўзи Муҳаммад Бухорий томонидан Газирада ҳижрий 1214-1225, милодий 1790-1810 йилларда китобат қилинган.

⁴ Муҳаммад Ашур Нурмуҳаммад томонидан ҳижрий 1331, милодий 1913 йилда кўчирилган. Зайнiddин-Мамаризо ибн Назарқосимда сақланган қўлёзма, 248 бетдан иборат. “Маноқиби Шайх Худойдод Вали” (XVI аср). Ушбу 288 бетлик қўлёзма Шайхнинг авлодларидан бири Абдувакил Солиевнинг шахсий кутубхонасида сақланмоқда. Қаранг: Б. Валихўжаев. Шайх Худойдод Вали// Мулокот, 1998, 4-сон, 54-56-бетлар.

⁵ Валихўжаев Б., Ўринбоев Б. Худойдод Вали. Самарқанд, 1995.

⁶ Ҳайитова О. Карманалик буюк сиймолар ва муқаддас қадамжолар. Тошкент, “Янги аср авлоди” 2004; Иноятов С., Ҳайитова О. Кармана тарихи кўзгусида. Тошкент, “Шарқ” 2006.

⁷ Каттаев К. Худойдод Вали тарихи. Самарқанд, 1995.

⁸ “Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоди Вали-Яссавия тариқатининг машхур намояндаси” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари (1997 йил 2 май). Самарқанд, 2000, 147 бет; Шайх Худойдоди Вали

Бу изланишлар машхур аллома Шайх Худойдод Валининг киндик қони тўкилган Кармана аҳли ва бу юрт олимларини ҳам у кишининг тарихий, адабий, илмий меросини ўрганишга киришмоғи ва ҳайрли ишга ўз ҳиссаларини қўшишларига даъват этади.

Бу изланишларимиздан мақсадимиз Ҳазратнинг туғилиб, вояга етган Кармана заминидаги юртдошларига ва кишининг фаолияти билан қизиқувчиларга у киши ҳақида маълумот бериб, Шайхнинг ҳаёти, фаолияти, халққа қолдирган юксак мероси борасида маънавий озуқа беришдан иборатдир. Ҳазрат Худойдод Кармана заминида туғилган ўнлаб валиуллоҳлардан, машхур паҳлавон ва олижаноб инсонлардан биридирки, кўплаб тарихий манбалар, қўлёзма китоблар бу зотни мадҳ этган. Ул зот тарихий Бухоро ва Самарқанд вилоятларининг ўзига хос боғловчи чорраҳаси бўлмиш Кармана юлдузларидан бири сифатида ўз буюклиги билан ҳамон порлаб турибди.

I Боб. Шайх Ҳудойдод Вали-Кармана фарзанди

1. Шайх таваллуд топган маскан

Мустақиллик шарофати туфайли халқимизнинг ўтмишига, миллий-маънавий меросига, ота-боболаримизнинг хотирасига, муқаддас урф-одатлар, миллий анъаналарга катта ҳурмат кўрсатилиб, бизга маълум бўлмаган тарих зарвараклари қаторида пинхона ётган қадриятларимиз, ноёб қўлёзма асарларимиз, қадимиј ёдгорликларимиз тадқиқотчи олимларимиз томонидан теран ўрганилмоқда.

Кейинги йилларда буюк алломаларимиз хотираларига бағишланган бир неча халқаро анжуманлар ўтказилиб келинмоқда. Жумладан, Имом ал-Бухорий, Мирзо Улуғбек, Хожа Аҳрор Вали, Бурҳониддин Марғиноний, Аҳмад Фарғоний, Абдухолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд каби улуғ зотларнинг мерослари кенг кўламда ўрганилмоқда ва уларнинг ҳоки пойлари ётган жойлар обод қилиниб, зиёратгоҳларга айлантирилиб борилмоқда.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Қарши, Марғилон каби қадимиј шаҳарлар қаторида Навоий вилояти ҳам бу заминдаги тарихий обидалар, машҳур алломалари билан фаҳрланса арзиди. Ибтидоий одам аждодларининг қадимиј излари топилган Учтут ва Сармишсой дараси, бутун дунёга машҳур Нурота чашмаси, Чўли Малиқдаги работ ва Сардобалар ҳамда Хўжа Ҳасан Андоқий, Мавлоно Ориф Деггароний, Шайх Ёдгор Консуруний, Мавлоно Алоуддин Консуруний, Қосим Шайх Азизон, Темур Шайх, Ҳазрат Шайх Гадой Селкин, Хожа Сулаймон ал-Карминий каби алломалар етишиб чиқсан қадимиј ва буюк заминдир.

Президент И.А.Каримов ҳам вилоятимиз тўғрисида қуйидаги фикрларни айтиб ўтган эди: “Гарчи Навоий вилоят сифатида нисбатан ёш бўлса-да, ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, бу воҳа ўзининг узоқ тарихига, кўхна илдиз-томирларига эга. Бунинг исботи шу заминда азалдан мавжуд бўлиб келган Кармана шахри, Работи Малиқ, Нурота каби қадимиј манзиллар, Оқмасжид, Чилустун, Кўкгумбаз каби обидалар, Қосим Шайх, Мавлоно

Ориф Деггароний каби азиз авлиёларнинг муқаддас қадамжолари мисолида кўришимиз мумкин".¹

Шу ўринда кўхна Кармана шахрининг табиий жойлашуви, географияси ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсак.

Наршахий “Бухоро тарихи” асарида Карманани Бухоронинг “шоир ва адиблари кўп бўлган”² таркибий қисми тариқасида Нурота, Зандана, Пойканд, Тавоис маъмурий бирликлари баробарида санаса, ундан бимунча кейинроқ асарлар яратган Абдулкарим Самъоний ҳамда Абдул Исҳоқ Истаҳрий каби тарихчи ва сайёҳларбу масканни “Карминия вилояти” дея зикр этиб ўтишади.³

Агар, Миёнқол вилояти Оқдарё ва Қорадарёга айрилган Зарафшонни шакллантирган ўзига хос каттакон дарё ороли сифатида теваракдаги худудларни камрагани назарда тутилса, Кармана вилояти моҳиятан ҳозирги Мирбозор яқинидаги Чоҳарминор мавзеидаги Дабусия қалъасидан то Ғиждувон музофотининг дарё устидаги Эшонқўприк, яъни Қизилтепа билан Ғиждувон туманларини ажратиб турувчи чегарасигача бўлган каттакон суформа маданий худудни теваракдаги тоғлар ва даштлар билан, яъни ҳозирги Пахтачи, Хатирчи, Навбаҳор, Навоий, Қизилтепа, Конимех туманларини тўлиқ, Нуробод тумани, Карноб даштини қисман ўз бағрига жамлаган маъмурий бирлик бўлган.

XII аср муаррихи Абдулкарим Самъонийнинг таъкидлашича, Кармана худудидан оқиб ўтган Зарафшон дарёсининг икки соҳиллари бўйлаб Арфуд ва Варқуд, Мизйамажкас, Харамкас ёки Харгонкас ва Харжанкас ҳамда Худиманкан каби катта-кичик шаҳарча ва кишлоқлар жойлашган. Аҳоли яшаган бу қадимги географик пунктлар орасида энг гавжуми Кармана шахри ҳисобланиб, унда адиблар ва шоирлар кўп бўлган.⁴

Ана шундай улуғ алломаларимиздан бири, қадимиј Кармана заминида туғилиб, вояга етган, шу ерда таълим олиб, ўзининг илк ижодий фаолиятини

¹ Каримов И.А. Одамлар ҳақида ғамхўрлик, истиқболини ўйлаб иш тутиш-хар бир раҳбарнинг бурчидир//Хавфислизик ва тинчлик учун курашмок қерак. Т. 10-Т.: “Ўзбекистон”, 2002, 371-бет.

² Наршахий. Бухоро тарихи. Тошкент, 1991, 166-бет.

³ Қаранг: Абулкарим ас-Самъоний. Насабнома (Ал-Ансоб). “Бухоро” нашриёти – 2003, 94-бет.

⁴ Ҳайитова О. Карманалик буюк сиймолар ва муқаддас қадамжолар. Т.: “Янги аср авлоди”, 2004, 4-5 бетлар.

бошлаган машхур Яссавий шайхларидан ҳазрати **Шайх Худойдоди Вали** (1461-1532) дир.

Мавлоно Мұхаммад Шариф Ҳусайний ал-Алавий ал- Бухорийнинг “Хужжат ул-зоҳирин” тазкирасида қайд қилинишича, Шайх Худойдоддинг отаси ҳазрати Азизон Ортиқ Шайх асли Хоразмдан бўлиб, укалари Азизон Зикриё шайх, оила аъзолари ва содиқ муридлари билан аввал Бухорога, ундан сўнг эса Карманага келиб, Карманадан икки фарсах (15-16 км) масофада бўлган тоғ яқинидаги қишлоқда турғун бўлиб қолганлар. Ана шу манзилда хижрий 866, милодий 1461-62 йили бир ўғил кўрадилар ва унга *Худойберди* деб ном қўядилар.¹ Бу ҳақда Мұхаммад Ҳусайнийнинг “Хужжат ул-зоҳирин” қўлёзма асарида шундай дейилади: “Ҳазрат Азизоннинг улуғ ота-боболари Хоразм вилоятидан ташриф буюрганлар. У вилоят хосу омининг ул ҳазратга (Оллоҳ қабрларини мунаввар қиласин) кўнгли қаттиқ боғлиқ эди... Ҳазрати Азизоннинг падарбузрукворлари (Оллоҳ уларнинг сирларини муқаддас қиласин)нинг муборак исм-шарифлари Ҳазрат Азизон Ортиқ Шайх бўлиб, Ҳазрати олами Асрор ул кишини ботин сифати билан тарбиялаган эдики, ҳоли вақтини рўзғор (дунё) юмушлари билан аралаштириб, зоеъ қилмасин деб, бир куни укалари Зикриё Шайхга:

- Агар бир гўша (чекка жой) топсак эди, халқ билан мулоқотимиз камаяр эди.

Биродарлари дедики:

-Хотирингиздан неки ўткан бўлса савоб ўтадур

Шундан сўнг ул зот ўзларига қарашли кишиларни олиб, Бухоро томонга равона бўлдилар.

Бухорога ташриф буюргач, кўнгиллари одамлар билан камроқ ихтилот қиласиган жойни яна истаб қолганлигидан Кармана ва Миёнқол томонга юзландилар. Ул зотнинг мулозимлари Карманадан икки фарсах юқорида туркларнинг бир жамоаси яшашидан дарак бердилар. У жамоа яшайдиган жой Илғор даштак деб аталиб, аҳолисининг авзо ва атфори фақирликка мойил экан. (Ҳазрат Эшон) ана шу қавм орасида яшашни қасд қилдилар ва ўша ерда ватан тутиб қолдилар.

¹ Валихўжаев Б, Ўринбоев Б. Худойдоди Вали. Самарқанд, 1995. 8-б.

Ҳазрат Азизоннинг (қаддаса сирруху) валодатлари мазкур мавзеда воқе бўлди. Ул саодат буржининг юлдози иноят уфқидан пайдо бўлган вақтда падарбузрукворларининг вақтлари хуш бўлиб, ул зотга Худойберди номини муносиб кўрдилар”¹.

Манбаларда келтирилишича, кўп саргардонлик ва оғатлардан омон қолганлари учун ҳам Оллоҳдан саодатманлик тилаб, фарзандларига Худойберди деб ном қўйишади. Худойберди туғилган кечадан бошлаб қирқ кун давомида кечалари вилоят осмони мусаффо ва чароғон бўлгани ул зот тўғрисидаги китобларда келтирилган. Илмли киши бўлган Ортиқ Шайх туғилганидан валийлик сир-асори зохир бўла бошлаган ўз фарзандига илк таълимни бера бошлади.

Худойдоди Вали темурийлардан Захриддин Муҳаммад Бобурнинг бобоси Султон Абу Саъд (1441-1469) хукмронлиги даврида Карманадан кунчиқар томонда икки фарсах масофада бўлган қишлоқда истиқомат қиласди. Аммо бу жой Кармананинг қайси томонида эканлиги аниқ бўлмасада, бўлажак шайх бошидан ўтган кийинги воқеалар ул зот шаҳардан кунчиқар томонда халқ қўнглини шод этиш инояти билан дунёга келганлигига кўпгина манбаларда ишора қилинади. Мабодо тош ўлчов бирлиги 5 км дан 7 км гача тебраниб туриши инобатга олинса, Шайх Худойдод Вали XVIII асрда бузилиб кетган Хомработ яқинидаги бирор аҳоли манзилида, Работи Маликка етмасдан, Зиёвуддин тизмаси яқинидаги Тириқбобо яқинида ёки Зарафшоннинг нариги қирғоғидаги Конимехга кетадиган йўл устидаги қишлоқлардан бирида туғилганлиги маълум бўлади. Хомработ шайбонийлардан Убайдуллахон хукмронлиги даврида тикланган бўлиб, унгача бу мавзеда одамлар яшамаган.²

Бу ҳақда “Кармана тарих қўзгусида” китобида қўйидагича фикр юритилади: “Кунчиқар эҳтимоли масаласига келсақ, таркибидан 12 ёки 14 км масофа

¹ Муҳаммад Шариф Ҳусайн; Ҳужжот ул- зохирин . Исомиддин Салохий, Ахмадхон Облакуловлар таржимаси// Зарафшон ; 1997, 9-12 сентябр, 1999, 13 май.

Яна қаранг: Салохий И, Облакулов А, Раззоков С. Ботиний ва зоҳирий илмда аср ягонаси эрди. // “Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоди Вали-Яссавия тарикатининг машҳур намоёндаси” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари(1997й, 2 май). Самарқанд. 2000, 56-57- бетлар.

²Иноятов С.Ҳайитова О. Кармана тарих қўзгусида. Т.: “Шарқ”, 2006,150- бет.

Навбаҳор тумани Олчин қишлоқ кенгаши ҳамда Навоий туманидаги Жалойир қишлоқ кенгаши ёки Паҳтачи тумани Султонобод қишлоқ кенгаши ҳудудидаги қишлоқлардан бирига ишора қиласи. Водий Кармана теварагида ниҳоятда торлиги жануб ёки шимол йўналишидаги эҳтимолни йўққа чиқаради. “Нарпай” ҳўжалигининг тоққа яқин қишлоқлари эса канал бўйлаб Карманадан шарққа томон Туркман, Чуйитқора, Лангар, Гурд, Буғ, Тама, Дақмон, Валижа, Ойдин деб номланган. Бинобарин, Бобо Худойдод Вали айнан Гурд қишлоғида туғилгани, қора қушхонасида қадамжо Қизий қояси теварагида қўй боққани ҳақидаги ривоятлар ҳозиргacha чўпонлар орасида сақланган. Далил ўрнида ўтмайдиган халқона бу маълумот келажакда манбалар асосида тасдиқланса ажаб эмас. Бинобарин, Гурд сўғдчада “баҳодир, паҳлавон” маъносини англатади.¹

Ота-онасидан жуда ёш етим қолган Худойберди мактабхонада илм олишни қийинчиликлар билан бўлсада давом эттиради. Шайх Худойдоди Вали ўзининг бу ахволини шундай хикоя қиласи: “Бирорларнинг кўйларини боқиб чўпонлик қиласидим. Очлик, кийимсизликдан шундай аҳволга тушардимки, баъзан хушсиз бўлиб ўзимдан кетиб қолардим. Бир қанча вақт ўтгандан сўнг бир мард кишининг менга раҳми келиб ўғил қилиб олди, у мени мактабга олиб борди. Ҳаддан ташқари озғинлигим ва юпун кийинганимдан мактабдагилар мендан ор қиласиди. Аҳволим шу даражада бўлсада, таҳсилни тарқ этмадим”.² Демак, Ортиқ Шайх Азизон хонадони Кармана атрофига қўчиш асосида моддий қийинчиликларни бошидан кечирган, ҳатто уларнинг қўлловчилари ҳам бўлмаган.

Шайх хонадонининг Бухоро томон силжишидаги ўзгаришлар асосан икки сабабга боғлиқдир. Биринчидан, Султон Абу Саъд саъии- ҳаракати билан Мовароуннахр ва Хурросон мулклари бирлаштирилиб Темурийлар давлати марказлаштирилган бўлсада, Абулхайрхон (1411/ 1428-1468) асос солган Даشتி Қипчоқ ўзбек давлатининг Хоразмга даъвоси амалда барқарор, қолаверса Хоразм раъияти ҳам Темурийлар давлати таркибида бўлмаслик тарафдори эди. Икки ўт орасида қолган мулқда нотинчлик дастидан кўчган бўлиши табиий. Демак,

¹ Иноятов С., Ҳайитова О. Кармана тарих кўзгусида. Т.: “Шарқ”, 2006, 151- бет.

² Валихўжаев Б., Ўринбоев Б. Худойдоди Вали. Самарқанд. 1995, 8-бет.

Хоразм диёридаги бекарорлик сабабли Шайх хонадони бирмунча осойишта Бухорога кўчиб ўтган. Иккинчидан, Бухоро шахри муҳитида, фаразимизча, Яссавия тариқати намояндадалири унчалик кўп ўтмаганлиги назарда тутилса, Ортиқ Шайх Азизоннинг Карманага кўчиши одатдаги ҳол эди. Айни маҳалда ҳозирда ҳам Навбаҳор, Кармана туманлари ҳудудида (Олчин ва Жалойирда) хоразмликлар авлодлари яшаб келишадики, улар Шайх Худойдод Азизоннинг қариндошлари, авлодлари бўлиши ҳам эҳтимолдан ҳоли эмас.¹ Абу Тоҳирхўжа Самарқандийнинг “Самария” асаридан шу нарса сезиладики, Яссавия тариқати намояндадалири асосан Самарқанд шахри теварагида, Алиободда яшаб ўтишган. Демак, Ортиқ Шайх Азизон ўз қариндошлари ёки пири томон интилган деган эҳтимолга ҳам боришимиз мумкин. Шайх Худойдоди Вали ўзини фарзандликка олган кишини Мавлоно Халил Қорақумий тарзида эсларкан, бу етимпарвар инсон ҳам ёш Худойбердини кийинтиришга қодир эмаслиги манбаларда таъкидланган. Мавлоно Халил Қорақумий исмига ҳам этибор қаратиш керак. Чунки “Қоракум” географик атамаси XVIII аср охирларида пайдо бўлган, унгача биз билган сахро бошқача ва турлича юритилган. Қизбий чўққиси яқинида қорақўтон, қорақуш, қорақум ва қорақудук қушхоналари борлигидан чўпонлик қилиб юрган Худойбердига мадад қўлинни чўзган киши эса чорвачилик ишларига аралашиб турганлиги ойдинлашади. Умуман, пайғамбарлик ва авлиёлик чўпонлик билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бўлажак авлиёуллоҳ болалигига ёқ пири комил билан чўпонлик босқичидан ўтган. Ёш Худойберди мактаб таълимидан сўнг Самарқандга келиб, Жавзония мадрасасида шариат илмларидан сабоқ ола бошлайди. Ушбу мадрасада ўқиётган кунларидан бирида Худойбердининг асл она юрти бўлган Карманадан бир неча дўстлари меҳмон бўлиб келадилар. Шунда бир таниш қассоб гўшт ва ёғ келтириб уларни зиёфат қиласди. Қассоб бу ишларни бир неча бор қайтариб, Худойбердини сийлагач, у қассобнинг тайёр масаллиқларини ейишни ўзига ор билиб, мадраса ҳужрасидан бутунлай бош олиб чиқиб кетади. Бу

¹ Иноятов С., Ҳайитова О. Кармана тарих кўзгусида. Т.: “Шарқ”, 2006, 151- бет.

воқеа ҳали жуда ёш йигит бўлган Худойбердининг тариқат сулукига жуда эрта кириб келганидан далолат бериб турибди.

Кейинчалик Шайх Худойдод Вали яна киндик қони тўкилган Кармана вилоятига қайтиб, шаҳарда тариқат соҳасидаги риёзатини давом эттиради. Карманада ҳам фақирона яшаш ва тасарруфидаги бор нарсаларини бевабечораларга улашиш фазилати Ҳазратнинг шухратига шуҳрат қўшган.

Накл қилишларича, бир куни Шайх Худойдод Вали Қарнаб даштига боради. Қарнаб бегининг халққа адолатсизлигини қўриб, жуда ғазабланади, қишлоқ оқсоқоллари билан кенгашиб, ҳокимга арз қилиш мақсадида Бухорои Шарифга боради. Ҳукмдор уюштирган сайлга қатнашиб, мамлакат полвонлари билан курашиб, барчасини енгади ва ҳокимнинг эътиборини қозонади. Шунда ҳоким Шайх Худойдод Азизонни қабул қилиб, орзу- тилагини сўрайди. Ҳазрат Қарнаб бегининг адолатсизлигини айтиб, халқни ундан халос қилишини сўрайди. Илтимосни қондирган ҳоким Қарнаб бегини жазолайди ва у ерда адолат ўрнатади.¹

Шунга ўхшаш воқеа яна бир манбада келтирилади: Азизон Шайх Худойдод Вали 1490 йиллар атрофида Бухоро шаҳрида Гулисурҳ мусобақасида Мовароуннухрнинг майдонга даъвогар жами эллик олти полвонини йикитади. Шунда темурий ҳукмдор Муҳаммад Боқий Мирзо Шайх Худойдоддан тилак сўраганларида ҳозирги Нуробод тумани ўрнидаги Улус элатининг адолатсиз бегини вазифасидан озод этишни сўраган экан.²

Келтирилган ҳасби ҳолдан уч жиҳати муҳим, яъни биринчидан, Шайх Худойдод Азизон чўпонлар ҳаётидан йироққа кетмаган, иккинчидан, кураш билан шуғулланган, 1480-1490 йилларда ҳам етук аллома ҳали жисмоний жиҳатдан кучли бўлган, учинчидан, обрў- эътибори ошиши ҳам адолатпешанинг назарини тўсмаган.

¹ Валихўжаев Б., Ўринбоев Б. Худойдоди Вали. Самарқанд, 1995, 10- бет:
Қаранг: Иноятов С., Ҳайитова О. Кармана тарих кўзгусида. Т."Шарқ". 2006, 156 - бет.

² Бўлдиева С. Нурова. Эссе. Т.: "Шарқ" 2003, 122-бет.

Шайх Худойдод Вали 1500 йиллар бошларида Карманадан Самарқанднинг Газира масканига равона бўлади, бунда Шайхнинг ботиний истаклари асосий сабаб бўлган. Демак, болалиги Кармана теваракларида ўтган Шайх Худойдод қолган умрини Газирада ўтказади. Қирқ ёшгача Карманада яшаган Ҳазрат Худойдод Газирада ҳам ўттиз йил яшаш асносида ўз меҳнати билан кун кўриб, ҳалол ва пок луқма, покиза иймон ва кучли эътиқод билан умргузаронлик қилиб, ўз сухбатдошлари-ю муридларини ҳам шунга даъват этади.

2. Бир номдаги икки аллома ёхуд

Шайх Худойдодлар тўғрисида

Кейинги йилларда маънавий меросимизга янгича ёндашиш ва янгича фикрлаш тақозоси туфайли бизга номаълум бўлган кўпгина тасаввуф алломалари бўлган юртдошларимизни янгидан кашф этдик. Уларнинг хаёти ва фаолиятлари ҳақидаги турли қўллўзма асарлар олимларимиз томонидан ўрганилиб, куплаб рисолалар чоп этилмоқда. Кейинги вақтларда Самарқанд ва Бухорода чоп этилаётган азиз авлиёларимизга бағишлиланган рисола ва мақолаларда Шайх Худойдод номли тасаввуф алломаси ҳақидаги фикрларни ўқишимиз мумкин. Аслида эса тарихимизда бу ном билан аталувчи икки буюк шахс ўтган. Буларни ўхшашлигини қарангки, иккаласининг ҳам келиб чиқиши асли Хоразмдан бўлиб, иккаласи ҳам тасаввуфдаги Яссавия тариқатининг давомчиларидан, машҳур шайхларидан бўлишган. Шунинг учун ҳам айрим тарихчилар ва китобхонлар томонидан бу иккала буюк зотни бир-бири билан чалкаштириш ҳоллари учраб туради. Лекин тарихий манбалар шуни кўрсатадики уларнинг бири Карманада туғилган бўлса, иккинчиси Бухорода туғилган. Биз ушбу чалкашликларга бир оз бўлсада ойдинлик киритиш мақсадида ушбу зотлар тўғрисида қисқача маълумот бериб ўтмоқчимиз.

Бухоролик Шайх Худойдод (вафоти 1801йил июнь). Асл исми Шайх Худойдод ибн Мулло Тошмуҳаммад Азизон ал-Бухорий бўлиб, Халифа Худойдод деб ҳам аталади. “Тухфат уз-зоирин”да ёзилишича, бу аллома Хоразм

вилояти шайхларидан хисобланадилар. Халифа Худойдод Хоразмдан Бухорога келиб, Мир Араб мадрасасида тахсил оладилар.¹ Зоҳирий илмларни ўргангандаридан сўнг бу зот улуг пир Ҳазрат Азизон Лутфуллоҳ Шайхга мурид бўладилар. Тариқат одоби ҳамда тасаввуф сабогини ўрганадилар. Пирмаст туманига бориб хонақо ташкил қиласидар. Ҳазрат Халифа Худойдод XVIII асрнинг сўнгги чорагида, манғитлардан амир Шоҳмурод хукмронлиги йилларида Пирмастдан Бухоро шаҳрига келадилар. Халифа Худойдод Бухоро шаҳридан ўн икки таноб ер сотиб олиб, у ерда тошдан хонақоҳ, унинг ёнида қирқ хужрали мадраса, сардоба ва таҳоратхона қурдирадилар.²

Манбаларда келтирилишича, Халифа Худойдоднинг вафотлари амири кабир, яъни амир Шоҳмуроднинг марҳум бўлганидан олти ой ўтганидан сўнг хижрий 1215, милодий 1800 йилда содир бўлган. Жаназаларида амир Ҳайдар ҳам иштирок этадилар. У кишининг муборак қабрлари ўз мадрасалари яқинидадир. Диний ва тарихий манбаларга қараганда, Халифа Худойдод ва Эшони Имло бир даврда яшаганлар. Халифа Худойдод мозори билан ёнма-ён Эшони Имло қабри ва мозори бўлиб, каттагина гузар ҳам шу ном билан аталган. Бу мозорда манғит амирлари ва уларнинг айрим оила аъзолари дафн қилинган. Шунинг учун амирлик даврида бу мозорда ҳар доим сарбозлар қоровул турганлар. Эшони Имлони “авлиёйи охир замон” деб хисоблаганлар, ундан кейин авлиё бўлмаган деган ривоятни Бухоро руҳонийлари айтадилар.³

Халифа Худойдод қабрлари яқинида Сўфи Ҳожа, Домло Омонулло, Ҳожа Охунд қабрлари ҳам бўлган. Халифа Худойдод тўғрисида шу пайтгача кўпчилик тарихчиларимиз томонидан мунозарали фикрлар ҳам айтиб ўтилади. Жумладан, О.Сухарева айрим маҳаллий аҳолининг фикридан келиб чиқиб, Халифа Худойдод “Лутфи Бузург” қўлёзмасида келтирилган Шайх Худойдоднинг ўзи деган хulosага келади. Унинг фикрича, икки шайхнинг ҳаёти ва фаолияти бир-бирига ўхшайди. Ҳатто уларнинг исмлари ҳам тожик тилидаги Худойдод сўзи, ўзбек

¹ Ражабов Қ., Исмоилов М. Шайх Худойдод// Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 9. Т. : ЎзМЭ. 2005, 680-681-бетлар.

² Тухфат аз-заирин. Мухаммад Насридин ал-Ҳанафи ал-Ҳасани ал-Бухари. Перевод. Ҳ.Тураев. Т.: 2003. Каранг: Садриддин Салим Бухорий, Икки юз етмиш ётти пир. Бухоро, 2006, 276-б.

³ Йўлдошев Н. Бухоро авлиёлари тарихи. Бухоро. 1988, 112-бет.

тилидаги Худойберди деган сўз ҳам бир хил маънони билдиради, деб ёзади. Шунинг учун Сухарева бу икки шахсни бир киши деб хисоблайди.¹

Халифа Худойдод ҳаёти ҳақидаги манбаларда жуда кам маълумот қайд қилинган. У Яссавия ва Нақшбандия шайхларидан иршод олган. Бу кемтикликни яқинда тадқиқотчи М. Исмоилов ўзининг “Шайх Худойдоднинг “Баҳр ал-улум” асари Марказий Осиёда тасаввуф тарихига оид муҳим манба (XVIIасрнинг иккинчи ярми)” мавзусидаги номзодлик диссертациясида маълум аниқликлар киритиб тўлдирди. Ҳазрат Худойдоднинг “Баҳр ул-улум” номли асарида тасаввуф илмларига оид “Жомиъ ал-бахрайн”, “Фирдавс ал-уламо”, “Уйун ал -масоил”, “Танбех аз-золин”, “Бўстон ал- муҳибин”, “Тариқаи вусул”каби рисолалар ёзганлиги қайд қилинган. Булардан “Баҳр ул-улум”, “Бўстон ал- муҳибин”, “Фирдавс ал-уламо” ҳамда “Писанди зикри жаҳр” асарлари бизгача етиб келган. Шайх Худойдод ибн Тошмуҳаммад ўз даврида Яссавия тариқати таълимотини кенг тарғиб қилган. Унинг рисолалари ўша даврда ёзилган бошқа асарларга нисбатан илмийлиги билан ажralиб туради.

Тадқиқотчи М. Исмоиловнинг манбаларга таяниб, таъкидлашича Шайх Худойдод “Баҳр ал-улум”да Яссавия ва нақшбандия тариқатларининг тарихини қисман ёритган. Унинг ёзишича, XV-XVI асрларда нақшбандия ва яссавия тариқати ўртасида зикр тартиби масаласида низолар бўлмаган, балки улар ўзаро учрашиб, фикрлашиб туришган. Бу ҳолатни нақшбандия пирлари Муҳаммад Қози, Маҳдуми Аъзам, Жалолиддин Косоний (1462-1541), хожа Ислом Жўйборий (ваф. 1563й.) ва яссавия тариқати пешвоси Шайх Худойдод Вали фаолиятларида кузатиш мумкин. Масалан, “Ламаҳот”асарининг муаллифи Муҳаммад Олимнинг сўзларига қараганда Шайх Худойдод Вали нақшбандия пешволари билан бир неча бор учрашиб, сұхбатлашган, ҳатто бир гал улар сұхбатига Самарқанд кубровийларининг шайхи Хусайн Хоразмий (ваф. 1551й.) ҳам қатнашган экан. Шайхлар бир-бирларига ўз тариқатларида қўлланиладиган зикрларни амалда бажариб кўрсатишган: кубровийлар най жўрлигида зикри самоъ қилганда, Маҳдуми Аъзам ҳам самоъ рақсини бажарган. Шайх Худойдод Вали эса, улардан

¹ Ўша китоб.

кейин зикри аррани ижро қилган. Бир шайх зикрга тушганда бошқалари жим туриб уни тинглашган, ҳеч қандай мунозарага боришмаган.¹ Яна бир мисол: Маҳдуми Аъзам “Маъориж ас-соликин” (“Соликларнинг юқорига кўтарилиши”) рисоласини ёзиб тугатгач, Шайх Худойдод Валига ўқиб берган ва унинг асари Шайх Худойдод Вали томонидан юқори баҳолангандан².

Бошқа бир манбада хабар берилишича, нақшбандий хожа Ислом Жўйборий яссавия тариқати вакили бўлмиш Шайх Худойдод Вали ҳар сафар Бухорога келганида у билан узоқ сухбат қургани, сухбат охирида Шайх Худойдод Вали яссавийларнинг жаҳрий зикридан хожа Ислом Жўйборийга таълим бергани айтилган³. Хожагон тариқатининг илк намояндадалири жаҳрий зикр қилишгани “Рашаҳот”, “Ламаҳот” каби манбаларга таянган баъзи тадқиқотларда ҳам ёритилган⁴.

Демак, юқорида айтиб ўтилган маълумотлардан шундай хулоса келиб чиқадики, ушбу бир номдаги икки алломанинг ҳаёти сахифаларида айрим ўхшашликлар бўлгани билан, лекин бошқа-бошқа инсонлар хисобланади. Уларнинг бири карманалик Шайх Худойдод Вали бўлиб, унинг қабри Самарқанд вилоятида бўлса, иккинчиси бухоролик бўлиб, қабри ҳам Бухорода жойлашган. Биз карманалик Шайх Худойдод Вали тўғрисидаги фикр мулоҳазаларимизни баён этамиз

3. Қадимий қўлёзма асарлар ва тарихий хужжатларда Шайх Худойдод Вали тавсифи

Шайх Худойдод Вали ҳаёти, фаолияти ва Яссавия тариқатидаги хизматлари замондошлари ва ундан кейин яшаган тарихчи муаррихларнинг қўлёзма асарларида ва тарихий хужжатларида маълум даражада ўз аксини топган.

¹ Ламаҳот, ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №495 раками нусха.-101 б-102 а вараклар.

² Дўст Муҳаммад ибн Фахруддин ибн Қадр ибн Наврӯз ал Кеший (ал-Косоний). Силсилат ус-садиқин ва анис ал-ошиқин. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, №622.-106а-107б вараклар.

³ Қосим ибн Муҳаммад Шаҳр Сафоий. Анис ат-толибин. ЎзР ФА ШИ қўлёзмаси, № 1337, -80б-81б вараклар.

⁴ Қаранг: Исмоилов М. Шайх Худойдоднинг “Баҳр ал-улум” асари Марказий Осиёда тасаввуф тарихига оид мухим манба(XVIII асрнинг иккинчи ярми). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёкланган диссертациясининг автореферати. Т.: 2006, 18-19-бетлар.

Ушбу қўлёзма асарларнинг айримлари чоп этилган, айримлари эса мамлакатимиз ва ҳорижий давлатларнинг кутубхоналарида сақланмоқда. Масалан, Шайх Худойдод Валининг содиқ муридларидан ҳисобланмиш Ҳазрати Олим Шайх қаламига мансуб “Ламаҳот мин нафаҳот ул-кудс”(форсча, ЎзФА Шарқшунослик институтида уч нусхада сақланмоқда), Ҳофиз Таниш ал-Бухорий қаламига мансуб “Абдулланома”тарихий асари(“Шарқ ”нашириётида 1999-2000 йилларда тўлиқ нашр этилди), “Маноқиби Шайх Худойдод Вали”(форсча,ҳозирги кунда Ҳазратнинг Ғазирадаги авлодлари қўлида сақланмоқда), Абу Тоҳирхўжа Самарқандийнинг “Самария” асари (1991 йилда нашр этилган), Ҳасанхўжа Нисорийнинг “Музаккир ул-ахбоб” қўлёзмаси(форсчадан Исломил Бекжон таржимаси, 1993 йилда Тошкентда нашр қилинган), Абдулғани Кашмирийнинг “Ривзат ул-ризвон” асари (XII асрда ёзиб тугатилган,асарнинг турли нусҳалари мавжуд), Қози Мир Муҳаммад Вафо Карминагийнинг “Тухфаи ал-Хоний” тарихий асари (бу асар 395 бетдан иборат бўлиб, ЎзФА Шарқшунослик институтида 1359/ рақами билан сақланади), Муҳаммад Шариф Ҳусайнин ал-Алавий ал-Бухорийнинг (XIX асрда яшаган) “Хужжат ул-зокирин” тазкираси (Самарқанд шаҳридаги музейда сақланади), Абдул Бақо ибн Ҳожа Баҳовуддин томонидан 1617 йилда ёзилган “Жомеъ ул-мақомот” асари (ЎзФА Шарқшунослик институтида сақланади), Фитратнинг асарлари асарлари ва бошқа шунга ўхшаш қўплаб рисола ва хужжатларда Ҳазрат Худойдод Вали шахсиятлари, ҳаёти ва фаолияти хақида маълумотлар келтирилади.¹

Азизон Шайх Худойдод Вали ҳаёти, Яссавий тариқатидаги хизматлари ва авлодлари шажараси хақида қимматли маълумотлар берувчи қадимий қўлёзма асарлардан бири у кишининг энг яқин ҳалифларидан бўлган, тўлиқ исми Муҳаммад Олим Шайх ас-Сиддиқий ал – Алавийнинг “Ламоҳот мин нафаҳот ул қудс” (“Муқаддас хушбўйликлардан ёрлиқлар”) асари бўлиб, ҳозирда бу асар олимларимиз томонидан ўрганилмоқда. Олим Шайхнинг ота томонидан бобоси Дарвеш Шайх (вафоти 1551-52) Яссавий шайхларидан Худойдоднинг саҳобаларидан бўлиб, Тошкент ва Самарқанддаги даврийлар орасида машхур

¹ Каранг: Иноятов С., Ҳайитова О. Кармана тарих кўзгусида. Т. “Шарқ”. 2006, 148-бет.

бўлган. Олим Шайхнинг тариқатдаги силсиласи қуидагича бўлган: Олим Шайх-Пирим Шайх-Қосим Шайх Азизон Карманагий-Мавлоно Вали Азизон-Шайх Худойдод Вали. Олим Шайхнинг “Ламахот” асаридаги ўзининг сўзларига қараганда, у Шайх Худойдод Валининг набираларига уйланган.¹

“Ламахот” асарда Ҳазрат Худойдод ҳақида шундай маълумот келтирилган: “...Нақл қилибдурларки, қачонким Азизон Шайх Жамолиддин Ҳирот шаҳрига кўчиб бориб, у ерда муқим туриб қолгач, бир мажлисда ул зотга савол берибдилар: “Тариқатингиздаги суфийлар ва дарвешлар орасида фано мақомига (яъни тасаввуфда ўзликни йўқотиб, бутун борликдан кечиш) етганлар ҳозирда борму?”- деб сўраганларида Шайх Жамолиддин дебдилар: “Бу ерда йўқ, аммо Мовароуннахрда Мавлоно Худойдод номлик бир дўстим (шогирдим) бор, ул киши фано мақоми даражасига етгандурлар”. Байт;

Ҳар ки, дар ў ишқи содик омадаст,
Бар санаш маъшуқи содик омадаст.

Яъни: Ҳар кимдаки, содик ишқ пайдо бўлган экан,
Тақиқим, боши узра содик ошиқ келгандир.²

“Ламахот” тазкирасида Шайх Худойдоднинг авлодлари шажараси, кароматлари ва насаблари ҳақида ишонарли ва аниқ манбалар асосида қимматли маълумотлар берилган, жумладан: “...Хожагон тариқатининг пирларидан бўлмиш Амиршоҳнинг отаси, Шайх Худойдоднинг яқин муридларидан эди. Бир куни Ҳазрати Шайх ул Сайднинг уйига ташриф буюрди. Қайтиш вақтида мезбон Шайх Худойдодга бир тияни ниёзмандлик учун тухфа қилдилар. Шайх ул тияга мина туриб, шундай дедилар: “Сайдда яхши от ҳам бор эди, уни ҳам ниёз қилиш ниятида эди, лекин ўзларини тариқат акобирлари ҳисоблаганлар, яхши от-уловни ниёз қилишни ўзларига эп кўрмайдилар, бу уларга оғир ботади”. Неча кундан сўнг Ул сайднинг отхонасига ўт тушиб, у отни куйдирди ва ул хонадонга азим ва

¹ Ҳасанов Н., Султонов У. Мухаммад Олим Сиддикий ва унинг “Ламахот” асари ҳақида // “Ином ал-Бухорий сабоклари”, 2006, 3-сон, 194-196 бетлар.

² Каттаев К. Худойдоди Вали тарихи. Самарқанд, 1995, 51-бет

вабо тарқалиб, Сайдид вафот этди. Сайдинг бундай қисматидан таъсирланган Шайх Худойдод унинг уйига яна ташриф буюриб, ўғли Амир Шоҳни ўзларига қуёв қилиб, қизлари Биби Маҳзунани унга никоҳлайдилар”.¹

Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаккир ул- аҳбоб” асарида Шайх Худойдод хақида қуйидаги маълумотларни учратамиз:

“...Ва Ҳазрати Шайх Худойдод Харсанг элидандин. Факру фаноликда ҳаёт кечириш билан улуғ шухрат топган. Бир куни бир соил(савол берувчи) Ҳазрат Жамолиддин Шайхдан фано мазмуни хусусида сўрабди. Дебдики, “тўла қонли жавоб эшиитмоқчи бўлсанг, эртага пешинга кел”. Ваъда қилинган вақт яқинлашганида Мавлоно Худойдод хизматлариким, Мовароуннаҳрдан Шайх Жамолиддин хузурига етиб келибдилар, эгниларида фано нишонаси кўриниб турган либос экан. Мажлис ахли тарқагач, халиги соил ўрнидан туриб, саволига жавоб талаб қилибди. Шайх Жамолиддин дебдики: “Мен сенга фанони намойиш этдим-ку, сен мендан ҳалиям шуни сўраяпсанми?” -дебди.

Шайх Худойдод кўп мужоҳадалар тортиб, мушоҳада давлатига эришганлар. Ҳеч ким алар камолотига қарши бирон сўз айта олмади. У киши Жаҳрия силсиласининг бошида турганлардан хисобланадилар. Уларнинг олийҳимматлилиги шу даражада эдиким, баён этишга тил ожиз, ҳар йили ўзининг бор-йўғини тарожга берардилар. Бир куни саҳийликда машҳур Қози Олнинг уйига келиб тушибдилар. Қози Шофиркон ўлчов тоши билан минг ман буғдойни уларга нарзу-ниёз қилибди. Шайх Худойдод дебдилар: “Марҳаматли Қози жаноблари изҳори ҳиммат қилмоқдалар”. Аммо, ўzlари бул матоҳ сари қиё ҳам боқмайдилар ва истиғно (тасаввуфда ўзини барча нарсадан тўқ тутиш қоидаси) водийсига қадам қўйиб, буғдойнинг барчасини битта камбағал кампирга баҳшида қилибдилар. Байт:

Икки олам нақтига энмас Бақоийнинг боши,
Боракалло ҳиммати олию истиғносига ”.²

¹ Каттаев К. Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Вали авлодларининг насаб шажараси хусусида. // “Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоди Вали- Яссавия тарикатининг машҳур намоёндаси” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари (1997й, 2 май). Самарқанд, 2000, 95-бет.

² Каранг: Каттаев К. Худойдоди Вали тарихи. Самарқанд, 1995, 52-бет.

Шайх Худойдод Валининг ҳаёти ва фаолиятига бағишилаб ёзилган нодир манбалардан бири “Маноқиби Шайх Худойдод Вали” асари бўлиб, бу китобнинг хижрий 1331, милодий 1910 йилларда кўчирилган қўлёзма нусҳасида Ҳазратнинг юрт фаровонлиги, ободончилиги, инсонларга меҳр-муруват қўрсатишлари ҳақида шундай маълумотлар мавжуд: “Кўп жойларни очдик ... У жойларни ишлаш, қўриқлаш ва назорат қилишда худованда одамлари ва менинг хизматчиларим ҳеч қандай тасарруф қилишмади, уларга меҳр билан қаардим, биргаликда таваккул қиласдик”.

Ҳазрат одамларга қўрсатган меҳр-муруватлари ҳақида гапириб; “ Кармана вилоятида дўстларимиздан бири қарздор бўлиб қолибди. Қарзи минг шакедан(пул) ортиқ экан. Ўзи уни тўлашни ўйлаб адойи тамом бўлибди. Ёрдам бериб бу ҳолдан қутқаздик”. Асарда келтирилишича, бир куни Шайх Худойдод Карманадаги устозига ўзи ёзган асарларидан парчалар ўқиб беради. Лекин у устоз Худойдоднинг бу ҳаракатларини яхши кутиб олмайди. Бу хақда Ҳазратнинг ўзи шундай дейди: “Карманада (баъзилар) таарруз (қаршилик) кўрсата бошладилар ... Албатта мен сиздан сабоқ олганман. Лекин нима қилай, илмим сиздан ошиб кетибди”, дейдилар(74 варак). Шундан сўнг Карманадан яна Ғазирага келадилар ва шу ерда сокин топадилар”.¹

Худойдод Вали ҳақларида замондошларининг хотиротларида жуда кўп ривоятлар келтирилиб, у кишининг меҳнаткаш, ҳокисор инсон эканликлари қайд этилган. Масалан: Мақсад ибн мир Насриддин ал-Ҳусайн ан-Нақшбандийнинг “Равоийхул-кудс” китобида: “Ул зотнинг (Шайх Худойдоднинг) лақаби Ҳожа Азизон бўлиб, Шайх Жамолиддин саҳобаларидан эди: Султон ул-орифин Ҳазрати Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг сұхбатларига етишгандир. Бир куни Мавлоно Муҳаммад Қози түя устидаги муҳофада ўтириб, ўз ҳодимлари билан Бухородан Самарқандга келар эдилар. Йўлда уларга Азизон Шайх Худойдод учраб қоладилар ва у киши: “туюда ўтирган киши кимдур?”- деб сўрайди. Ҳодимлар айтадилар: “Ҳазрати Муҳаммад Қозидирлар, Бухородан Самарқандга ташриф

¹ Абдуҳамидов А. Ҳазрат Шайх Худойдод Вали маноқибининг таржимаси ҳақида // “Шайх Худойдод Вали ижодининг маънавий-маърифий қадриятларини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари(2006й, 17 ноябрь). Самарқанд, 2006, 20- бет.

буорадурлар.” Буни эшитган Шайх Худойдод дарҳол тяяниг арқонини қўлларига олиб йўлга тушибдилар. Туя устида ўтирган Мавлоно Муҳаммад Қози сўрабдилар: “Тяяниг арқони кимнинг қўлида?” Шайх Худойдод дедилар: “Фақир Худойдоддинг қўлидадир ва туя арқонини бўйнимга боғлаб чунон тортадурманким, қиёмат куни ҳам Ҳазратнинг тяялари арқонини ушлаш умидидадурман.” Мавлоно Қози иноят қилиб дедилар: “Туя ва унинг соҳиби сизнинг ниёзингиз бўлғай.” Ва яна Ҳазрати Шайх Худойдод Вали ҳамда Ҳазрати Ҳожа Махдуми Аъзам Даҳбедий бир замонда яшаганлар ҳамда самоъи зикрини дўст тутардилар. Тафрид ва тажрима(яъни, ортиқча нарсалардан четлашиш, ўзини ёлғизликка олиш) замонларида пешво эдилар ва бу тажриднинг нишонаси эди”.¹

Шайбоний ҳукмдорларидан Абдуллахон II саройи тарихчиси Ҳофиз Таниш ал-Бухорий ҳам ўзининг Абдуллахонга бағишлаб ёзган “Абдулланома” ёки “Шарафномаи Шоҳий” деб аталган асарида Абдуллахон II нинг Самарқанд шаҳри зиёратгоҳларига сайири тўғрисидаги маълумотларида Шайх Худойдод Азизон мозори зиёрати ҳақида шундай дейди: “Он ҳазрат Абдуллахон ибн Искандархон Самарқанддан чиқиб, атрофни зиёрат қилиш мақсадида йўлга тушти. Шаҳар теварагидаги Чоршанба мавзеъси (Самарқанд атрофида, Корасув (Сиёб) бўйида жойлашган қишлоқ)даги Мавлоно Ҳожаги Косонийнинг мозорини зиёрат қилди. Андин сўнг отни жиловини Ипор (Чўпонотада, унинг жанубий ёнбағрида, Конигил ва Бедана қўриги оралиғида) тамонга қараб бурди... Ойнинг ўн учинчиси, шанба куни (зулхижжа 987 / 1580 йил, 3 феврал) Абдуллахон Азизон Мулла Худойдод мозорини зиёрат қилиш мақсадида Ғазира томон бурилди. Соф ихлос юзасидан ул Ҳазрат мозорини зиёрат қилганидан сўнг, садақа тариқасида камбағалларга бир қанча зарлар улашди.”²

Тарихчи Абу Тоҳирхўжа Самарқандийнинг “Самария” асарида Самарқанд шаҳри теварагидаги қадамжолар тавсифи келтирилар экан, муаллиф Шайх Худойдод Вали ҳақида жумладан, шундай дейди: “Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Мозори Шероз туманида, Ғазира деган ўриндадир. У Шайх Ходимнинг

¹ Каттаев К. Худойдод Вали тарихи. Самарқанд, 1995, 53-бет.

² Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланома Т. 2.Т. “Шарқ”, 2000, 16-бет.

муриди бўлган, у эса (Шайх Ходим) Шайх Жамолиддиннинг муриди эди. Шайх Ходимнинг қабри Самарқанд шаҳрининг ташқарисида. У киши вилоят мартабасида ғоятда юқори эдилар, балки туғаси “Увайсий” эканлиги мозорига зиёрат қилганда қабри сочган нурдан билинади. Азизон Шайх Худойдоднинг ўлими 939 (1532) дадир. “Бирафт қутби олам” вафотининг тарихидир. Жаноб сайидлар паноҳи, ҳушёрлик ила тўғри йўл кўрсатувчи Абдулхайхожа судур у кишининг азиз авлодидандир. Ҳижрий 1232 (1826) йили Абдулхайхожа судур Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоднинг мозорлари устига олий хонақоҳ бино қилдирдилар. Улуг боболарининг мозорларига мутаваллилик ва Газира шаҳарчасининг хукумати Абдулхайхожага тегишлидир. Самарқанддан Ғазирагача икки тош(16 чақирим)лик йўл. Ҳазрат Худойдод мозорининг зиёрати қалбларга нур бағишлийди. Бу сатрлар роқими у кишининг мозори зиёратига бориб барокот топди. Ҳижрий 1270 (1851) йили хайри сафар ойининг сўнгги кунлари яна у кишининг мозори зиёратига мушарраф бўлдим...”¹

Фитратнинг “Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар” номли мақоласида ҳам Ҳазрат Худойдод ҳақида қуйидаги маълумотларни учратиши мумкин: “Милодий 1532 йилда ўлуб, Самарқанд шаҳридан уч тошлиқ масофада кўмилган. Мутасаввуф шоирлардан бўлиб, таҳаллуси Худойдоддир. Форсий шеърларидан бир ози “Ламаҳот” китобида бордир. Бизнинг фикримизга кўра туркий ҳикматлар ёзган Худойдод ҳам шунинг ўзидир.”-деб айтади. Муаллифнинг фикрига кўра Худойдод зуллисонайн шоир бўлиб, унинг туркий ҳикматлари “Боқирғон” китобида акс этган бўлса, форс тилидаги шеърларидан намуналар Ҳазрат Олим Шайх Азизоннинг “Ламаҳот” ида берилган.²

Шу билан бир қаторда ул зот номига ёзилган ўша давр тарихий хужжатлари – “Вақфнома”да, “Хатти иршодий”да, “Насабнома”да, “Васиқнома” ва бошқаларида Ҳазрат Худойдодга боғлиқ маълумотлар, тарихий воқеалар, мулкий муносабатлар таърифи берилган. Юқорида келтирилган тарихий манбалар у зотнинг нафақат тасаввуф таълимоти, мақомати, балки валилиқ куч-қудратига, фазилатларию-

¹ Абу Тоҳирхўжа. Самария. Т: “Камалак”, 1991, 59-бет.

² Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. II жилд. Илмий асарлар. Т.: “Маънавият”, 2000, 36-бет.

инсонийлик хислатларига ҳам атрофлича таҳлил, таъриф берилган. Бу улуғ зот турмушнинг ҳамма оғир-енгилини, жабр ва зулмини, муҳтожлик азобу-уқубатларини ўз ҳаётида бошидан кечирганлиги сабабли ҳар доим ўзининг амалий фаолиятида жабрланган кишилар, оддий меҳнаткаш дехқонлар манфаатини ҳимоя қилган. Шайх Худойдод Азизон ўзининг ёшлик йилларидағи ночор аҳволини ҳикоя қиласар экан, жумладан, шундай дейди: “Бир куни қор қалин ёғиб, ҳаво жуда совук бўлганидан яланг оёқларим совук қотди ва шунда кўйлагимни ечдим-да йиртдим ва икки оёғимга ўрадим-у мактабга бордим. Аҳволим шу даражада бўлса-да, ўқишни тарқ этмадим”-деб ёзиб қолдиради. “Мен Ғиждувонда илм ўрганиш учун машғулот ўтказар эканман, уч йил битта пўстинни қишин-ёзин кияр эдим. Ички кийимларим ва ҳатто кўйлагим ҳам йўқ эди”¹, - деб ёзганлари хозирги ёшларимиз учун зарур сабоқ бўлиб, қанчалик турмуш оғир бўлмасин ўқишни унутмасликка, илм ўрганишга бардош бериб, таҳсил олишга чақириқдир.

Шайхнинг ҳаёти ва фаолиятига доир ҳали ўрганилмаган, тадқиқотчилар қўлига тушмаган асарлар ҳам талайгина эканлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Шунга қарамасдан, қатор асарлар таҳлили ва қимматли маълумотлар ҳамда Ҳазрат Худойдодга нисбатан берилган таърифлардан кўриниб турибдики, Ҳазрат Шайх Худойдод нафақат ўз даврида, балки, кейинги замонларда ҳам халқнинг юксак хурматига, хукмдорлар назарига тушган, обрў-эътибори баланд алломалардан хисобланган. Ул зотнинг юксак қадр-қимматини биз келажак авлодлар ҳам ўз ўрнига қўйиб, муборак қадамжоларини янада ободонлаштиришда, илмий меросини чуқурроқ ўрганиб, халқимизга етказишида баҳоли құдрат ҳисса қўшмоғимиз лозимдир.

¹ Аҳадов Ш. Йирик олим, етук тасаввуфчи аллома. Шайх Худойдод Вали ижодининг маънавий-маърифий қадриятларини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари(2006 й 17 ноябрь), Самарқанд 2006, 41- бет.

4. Шайх Худойдод Валининг ҳаёти ва фаолияти

Кейинги пайтларгача суфийликни реакцион моҳиятга эга бўлган таълимот санаб, уни ўрганиш тақиқланган эди. Сўфийликда тариқатлар турлича бўлиб, уларнинг энг кўп тарқалгани қодирия, рифоия, тайфурия, мавлавия, чиштия, бектошия, сафавия, нақшбандия, кубровия ва яссавияликдир. Ушбу тариқатларда орифлик устувор мақомат ҳисобланади. Орифлик- сўфийлик мақоматларидан бири бўлиб, у фақат Ҳақ моҳиятига етиб, унинг жамолига мушарраф бўлган зотларга насиб этади. Ўтмишда бундай шарафли мақом- даражага етган зотлар талай бўлиб, шуларнинг ичидаги бизнинг ҳам ватандошларимиз борлигини фахр билан эътироф этамиз.

Нажмиддин Кубро, Абдуҳолик Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Ҳожа Убайдуллоҳ Ахрор, Маҳдуми Аъзам, Амир Кулол, Қосим Шайх ва Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Вали шулар жумласидандир.

Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Вали падари бузрукворлари ва волидаи муҳтарамаларидан жуда ёшлиқда ажralгандар. Шу даврда уларнинг аҳволидан хабар олиб турувчи яқин киши бўлмаган. Ҳазрати Ҳақ Субҳоноҳу ва таоло замон солиҳларидан бирига бу солих фарзанднинг тарбиясидан ғофил бўлмасликни башорат қиласиди. Бу ҳақда манбалардан бирида шундай фикр келтирилади: “ Сенинг дунёвий ва ухровий саодатинг ундаидир ”. Ул соҳиб давлат – Мавлоно Ҳалил Қорақумий ул зотнинг хизматларига бел боғладилар. Ёшлари мактаб ёшига етгач, мактабга олиб борадилар. Саодатманд мактабдор муллога ҳам гойибдан бир овоз зоҳир бўлган эканким, “ бу ёш гўдакни яхши тарбия қилгинким, қиёмат куни сенинг шарафингга кўмак бергувчидир”¹.

Мактабга борган биринчи кундан Худойбердини муаллим ўзларига яқин жойга ўтқазиб, “бу ўғлон бир гуруҳнинг муршиди бўлғай ва олам аҳли унга мойил қолгусидир,” деган эканлар.

¹ Раззоков С., Ўринбоев Б. Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Вали ҳаёт йўли, илмий ва адабий мероси. (Қисқа лавҳалар). Самарқанд. 2001, 7-8 бетлар.

Кейинги пайтларда Ҳазратнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда. СамДУ профессори, филология фанлари доктори Бозорбой Ўринбоев билан қилган сұхбатларимиздан бирида у киши шундай фактларни келтиради: “Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Вали ҳаёти ва фаолияти билан қизиқиш 1991 йил 9 майда Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги 11-ўрта мактаб ўқитувчиси Зайниддин Мамаризаев шахсий кутубхонасида сакланып жаткан 248 сахифали “Маноқиби Шайх Худойдоди Вали” қўлёзмаси билан танишишдан бошланди”.¹

Кейинги тадқиқотлар натижасида у кишининг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ кўплаб маълумотлар аниқланди. Ҳазратнинг ҳислатлари, ҳаёти, фаолиятига бағищланган фикр ва мулоҳазалар бошқа қўлёзма асарларда баён этилганлигининг гувоҳи бўлдик.

Бу манбаларда ҳам Шайх Худойдоди Вали 1461 йил Кармана яқинидаги Саранж(Шаранж) тоғи мавзесида туғилиб, илк мактаб таълимими шу ерда олганлиги, мактабни тугатгач Самарқанд шаҳрида Жавзония ва Улуғбек мадрасаларида (1477-1482), сўнgra Фиждувонда таълим олиб, ундан кейин Бухородаги Мулло Мухаммад мадрасаларида яшаб, бу ерда ҳам таълим олишни давом эттирганлиги ҳақида маълумотлар учрайди.

Шайх Худойдоди Валининг талабалик йиллари ҳақидаги фикрлар “Ламоҳот” китобида келтирилган: “Бир куни мен Самарқанддаги Мирзо Улуғбек мадрасасида толиби илмларнинг фалакиёт фани соҳасидаги мунозараларини ҳавас билан кузатдим. Уларни бир-бирларига мухолиф топдим ва ўзим учун риёзатчилигим туфайли самовий сирларни кашф этдим”.²

Бундан кўриниб турибдики, Шайх Худойдоди Вали тасаввуф аҳлидан бўлиши билан бир қаторда фалакиёт соҳасига ҳам қизиқиши кучли бўлган. Яна шуниси ҳам эътиборга лойиқки, бу даврда ҳам Мирзо Улуғбек мадрасасида илоҳиёт илми ўрганилиши давом этган.

¹ Ўринбоев Бозорбой билан қилинган сұхбат матни муаллифлар шахсий архивида сакланмоқда.
² Каттаев К. Худойдоди Вали тарихи. Самарқанд, 1995, 8-бет.

Илм ва риёзатчилик бобида юқори мартабаларга эришган Шайх Худойдоди Вали ўзларига маънавий пир ахтариб 889 ҳижрий, 1484 милодий иили 23 ёшларида Жаҳрия тариқатининг машҳур арбоби Шайх Жамолиддин Азизоннинг ҳузурларига, Бухоронинг Калити мавзеъига борадилар ва у кишига қўл бериб иродатларига кирадилар. Ҳазрати Азизон Шайх Жамолиддин пайғамбар Муҳаммад Мустафо (с.а.в) дан бошланиб, учинчи халқада саналган султон ул-орифин Ҳазрати Азизон Ҳожа Аҳмад Яссавий асос солган тариқатининг ўн саккизинчи халқасидаги қутб ул-ақтоби ҳисобланиб, ўз асрининг ягона рахнамоси саналганлар. Учрашув чоғида Ҳазрати Азизондан Шайх Жамолиддин: “Номингиз нима?”-деб сўраганларида, “Номим Худойберди ”-деб жавоб берганлар. Шунда Ҳазрати Азизон: ул Ҳазратдаги фазилатларни кўриб,- “Шуморо бамо Худо дод”(менга сизни Худо етказди), энди сизнинг номингиз Худойдод бўлғусидир”, деган эканлар. Шу кундан эътиборан, у зот Худойдод номи билан машҳур бўлиб, “Вали” деган улуғ унвонга сазовор бўлганлар.¹

Шайх Худойдоди Вали 1484-1488 йилларда туғилиб ўсган маскани-Карманага қайтиб, тариқат соҳасидаги фаолиятини давом эттиради. 1488-92 йилларда қарнобликлар хизматида бўлади. 1492-96 йиллар давомида Самарқанд шаҳридаги Абу Лайс маҳалласидаги ҳонақоҳ мадрасаларида дарс берадилар. Бу даврларда Ҳазрат тариқат ривожи учун энг самарали фаолият кўрсатган, илм ва риёзатчиликдан юксак мартабага эришадилар. Бу йиллар у кишининг фаолиятида кўплаб нуфузли мурид ва муршидларни тайёрлаш даврининг бошланиши бўлиб, Ҳазратнинг камбағалпарварлиги, саҳийлик фазилатлари ва илм ахлига эътибори халқ орасида машхуру манзур бўлиб, обрў-эътиборлари тобора юксала борган.

Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Вали 1496 иили Самарқанднинг ўша даврдаги Шероз туманидаги обод мавзеълардан бўлган Ғазира мавзеъсига келиб ҳонақоҳ қурадилар ва умрининг охирларигача ушбу масканда фаолият

¹ Ўринбоев Б. Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоди Валининг ҳаёти ва фаолияти // “Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоди Вали- Яссавия тариқатининг машҳур намоёндаси” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари (1997 й, 2 май). Самарқанд. 2000, 32-бет.

кўрсатадилар. Бу даврларда ҳам Ҳазратнинг Самарқанддаги ўз номлари билан аталган маҳаллаларда жойлашган хонақоҳларида илм-маърифат тарғиботи ул зот ва муридлари томонидан давом эттирилади. Ҳазратнинг мадрасаларида ўқиш даврларига эътибор қаратар эканмиз, дарс тинглаб юрган вақтларида ул зотга ажиб ҳолатлар ва гаройиб воқеалар юз берар ва ҳазрат ўз ботиний ҳолатларини англашга ҳаракат қилас, бу ҳолатдан хабардор аҳоли эса хизматларга отланиб, ул зотни кўп безовта қилас ва натижада бошқа мадрасага ўтиб ўқишга мажбур бўлар ҳамда бир жойда тинч қўним топа олмас эдилар. Ўзларига қаратилаётган ҳалқнинг эътиборидан, уларнинг қўрсатишлари мумкин бўлган моддий ёрдамларидан, машаққатли сўфиёна риёзатлар билан машҳур бўлишни афзал билиб, айтар эканларким: “Ҳақ субҳона ва таоло мени умримнинг бошидан охиригача фақирлар либосида ва фақирлар даврасида бўлишимни буюрдилар. Менинг ҳаётим пайғамбар алайҳиссаломнинг ҳадисларига мувофик кечар эди”, –деб таъкидлаган эканлар.¹

Кўпчилик тасаввуф арбоблари сингари Шайх Худойдод Вали ҳам ўз фаолиятини сўфийлик ва одобу ахлоқни тарғиб этувчи мутафаккирлик билан чегаралаб қўймай, айни дамда шеърият бобида ҳам қалам тебратганлар. Ул зот туркий ва форсий тилларда ўзининг ақл дурларини назм ипига териб турганлар. Ҳикматлар ҳам Шайх Худойдод Вали ижодий фаолиятининг асосини ташкил этади. Бунда Шайхнинг руҳониятли пирлари- Хожа Аҳмад Яссавий ҳамда Сулаймон Боқирғонийларнинг таъсири катта бўлганлигини кўрамиз.

Шайх Худойдод Фазирада яшаб, худди Карманадаги каби жаҳрия-султония яъни, Шайх Аҳмад Яссавий тариқатини давом эттирди. Ҳам туркий, ҳам форсий шеърлар битиб, олий ҳимматлилиги ва камтарона турмуш тарзи билан шухрат таратди. Бухорога ташрифларидан бирида Хожа Аҳрор Валининг энг яқин сафдоши ва содик муриди, муршиди ҳақида “

¹ Рассоқов С., Ўринбоев Б. Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоди Вали ҳаёт йўли, илмий ва адабий мероси.(Қисқа лавҳалар). Самарқанд. 2001, 10- бет.

Силсилатул- орифин” китобини ёзган Мавлоно Мухаммад Қози билан учрашади, сұхбатидан баҳраманд бўлади. Маҳдуми Аъзам Даҳбедий дея шарафланган Ҳожаи Аҳмад Косоний билан ҳам сұхбатда бўлиб, ул ҳазратни ҳам Ғазирада бир неча бор меҳмон қиласидилар.¹

Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод ўзининг бутун фаолияти давомида бева-бечораларни, меҳнаткаш оддий аҳолини доимо ҳимоя қилган. У киши бойлик тўплашда кенг имкониятларга эга бўлган бўлсада, аммо ўзи камтарона оддий турмуш кечириб, бойлигини камбағаллар билан бўлишиб, факирона ҳаёт кечирган..

Шайх Худойдод Вали умрининг охирларида касалликка чалиниб, бирорнинг ёрдамисиз тура олмаган, аммо тоат-ибодат вақти етгач, шундай бир ғайрат билан ўриниларидан туриб, Аллоҳнинг инояти билан ҳатто самоль ва рақсга тушиб кетар эканлар. Шу тариқа 1496 йилдан Карманадан Ғазирага келиб яшаган Ҳазрат Худойдод 1532 йил 12 августда абадият оламига риҳлат қиласидилр.

Таъбир жоиз бўлса, шуни айтиб ўтиш керакки, ҳар қандай иш, ҳар қандай кичик ёки катта тадбир ҳам ўз-ўзидан амалга ошмайди. Уни амалга ошириш, ташкиллаштириш учун кимларнингдир тинимсиз меҳнати, жонкуярлиги ва қолаверса, фидойиликлари зарур бўлади. Шайх Худойдод Вали ҳаёти ва фаолиятларининг ўрганилишида, унинг муносиб авлодларидан бири, ЎзФА Самарқанд бўлимининг бош илмий ходими, техника фанлари доктори, профессор Сайдмақсуд Абдураҳмон ўғли Раззоқовнинг хизматлари алоҳида таҳсинга лойикдир. У киши буюк бобокалонлари тарихига оид насабнома, вакфнома ва васиқаномалар каби тарихий ҳужжатларни кўплаб йиғиб, мутахассис олимларнинг бевосита иштирокида ўрганиб чиққан. Булардан ташқари Сайдмақсуд домла Республикализнинг таниқли олим ва журналистлари, жумладан - ЎзФА мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, профессор Ботирхон

¹ Иноятов С., Ҳайитова О. Кармана тарих кўзгусида. Т.: “Шарқ”, 2006, 156- бет.

Валихўжаев, филология фанлари доктори, профессор Бозорбай Ўринбоев, тарихчи олим Комилхон Каттаев, шоир Ориф Хожи ва бошқалар билан ҳамкорликда изланишларни давом эттироқда. Натижада, Ҳазрат Шайх Худойдод Валининг шахсиятлари, ҳаётий фаолиятлари, қароматлари, адабий мероси ва авлодлари шажарасига оид маълумотлар тўпланиб, Самарқандда Ҳазратга бағишиланган илмий-амалий анжуманлар ўтказилиб, у киши тўғрисида рисола ва тўпламлар чоп этилиб, кенг жамоатчиликка ҳавола қилинмоқда.¹

5. Худойдод Вали фаолиятида диний бағрикенглик муносабатлари

Тасаввуф-ислом оламида кенг тарқалган Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатлари маданияти тарихида чукур из қолдирган фалсафий-диний ва маърифий оқимдир. У ўз даври учун янги оламни – Аллоҳ, инсон ва барча махлуқот уйғунылиги рамзи бўлган олий ҳақиқат ва гўзаллик дунёсини кашф қилган таълимотдир. Оллоҳ таолони таниш бутун оламнинг моҳиятини англашга ҳаракат қилиш демакдир. Бундай интилишлар эса ҳар бир шахснинг ахлоқий ва маърифий камолотига ижобий таъсир кўрсатиши ўз-ўзидан равшан.

Ўрта асрларда Марказий Осиёда тасаввуф илмини юксак даражага кўтаришда, янги тариқатларнинг пайдо бўлишида Ахмад Яссавий(вафоти 1166), Яхъё Сухравардий(1155-1191), Нажмиддин Кубро(1145-1221), Баҳовуддин Нақшбанд (1318-1389) каби улуғлар алоҳида хизмат қилиб, уни янги фикрлар, қарашлар билан бойитдилар, янги оқим, силсилаарини вужудга келтирдилар. Улар тасаввуф ҳақида рисола ва китоблар ёзил, унда инсон тафаккури учун янги қирраларни баён этадилар, уни амалга оширишга бош-қош бўладилар.

¹ Муаллифлар бир неча марта С.А. Раззоков билан учрашиш шарафига муюссар бўлдилар. У киши билан сұхбат жараёнлари марокли ўтганлигини таъкидламоқчимиз.

Тасаввуфдаги Аҳмад Яссавий асос солган Яссавия- Жаҳрия тариқатининг XVI асрдаги давомчиси Шайх Худойдод Вали ўз фаолияти давомида юксак мартабаларга эришди. Ҳазрат Худойдод бошқа тариқатлар билан ҳам дўстона муносабатда бўлиб, катта хурматга сазовор бўлган инсондир. Шайх Худойдод Валининг нуфузи ҳукмдорлар наздида ҳам баланд эди. Шайхни жуда кўпчилик ўзларига пир билишар, маслаҳатларига қулоқ солишар эдилар. Жумладан, Мухаммад Шайбонийхон, Бобур Мирзо, Абу Саъидхон, Убайдуллахон каби ҳукмдорлар у кишига алоҳида ихлос қўйган эдилар.

Ҳазрат яшаган даврда (XV-XVI асрлар) машҳур тариқатлар муршиidlари орасидаги муносабатлар йўлга қўйилган бўлиб, жумладан, нақшбандия-хожагон тариқатининг етук намояндаси Ҳазрат Маҳдуми Аъзам ва Кубровия тариқатининг машҳур намояндаси Шайх Маҳдуми Хоразмий билан дўстона муносабатлар ҳам ўрнатилган эди.

Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоди Вали даврида ушбу тариқатлар вакиллари бир-бирларини иршод усулларига эҳтиром билан қарашганлар ва зарур пайтларда тажриба алмашганлар. Аҳмад Маҳмуд Ҳазинийнинг эътирофига кўра, авваламбор, нақшбандия тариқатининг йирик вакили ва Ҳазрат Баҳовуддин Нақшбандийнинг муршиди бўлмиш Ҳазрати Амир Кулол зикрининг Яссавия ва Нақшбандия турларини уйғунлаштиришга муваффақ бўлган эканлар.

Ушбу тариқатлар ўртасидаги муносабатларининг ривожини Яссавия тариқатининг давомчиларидан Ҳазрати Азизон Шайх Жамолиддин Ҳиротга келгач, Нақшбандия тариқатининг қўзга кўринган намояндаси Мавлоно Абдулғафур ва давлат арбоблари томонидан кўрсатилган илтифотларида ҳам кузатиш мумкин.

Яссавия, Нақшбандия ва Кубровия тариқатлари вакиллари билан бирга фаолият кўрсатган Ҳазрат Шайх Худойдод , Ҳазрати Маҳдуми Аъзам ва Ҳазрати Шайх Маҳдуми Хоразмийлар бир давр фарзандларирилар. Ўзаро дўстлик муносабатида бўлган учала бу буюк зотлар тасаввуфий мунозаралар

ва баҳс олиб боришганликлари туфайли бу тариқатларни маълум даражада бир-бирларини бойитган ҳолда ривожлантирганлар. Айниқса, ҳазрати Маҳдуми Аъзам Даҳбедий ва Ҳазрат Шайх Худойдод Вали ўрталаридағи дўстона муносабатлар, тарихий мулоқотлар ушбу икки тариқат намояндалари учун ибратли характерга эга бўлган.¹

Академик Б.Валихўжаевнинг ёзишича: “...Хожаги Маҳдуми Аъзам Ғазирага етганда , шу даврнинг танилган шайхларидан Бобо Худойдод Вали билан учрашиб, бир-бирларининг сұхбатидан баҳраманд бўладилар. Маълумки, Бобо Худойдод Вали, Яссавия- Жаҳрия-Султония тариқатларининг етуқ муршидларидан бўлиб, Шайбонийхон, темурийзода Бобур Мирзо ва бошқа подшоҳ, султонлар хурматига сазовор бўлган эди. Маҳдуми Аъзам Даҳбедий Бобо Худойдод Валида шундай катта таассурот қолдирганки, натижада Бобо Худойдод Вали тужунидан ўзларига тўқилган тўнни мамнуният билан Маҳдуми Аъзамга тухфа қиласидар. Бу ҳол тасаввуп тариқатида эътироф этиш ва юксак даражада қадрлаш рамзи сифатида тушунилади...”².

Академик Б. Валихўжаевнинг мақоласида келтирилган бу далилларни биз К.Каттаевнинг мақолаларидан бирида ҳам янада мукаммалроқ баёнини учратдик. Унда: “Жомеъул-мақомот” китобида қўйидаги воқеа келтирилади: “Нақл қилибдиларки, қачонким, Ҳазрати Маҳдуми Аъзам Ахсикат вилоятидан Самарқандга келаётгандаридан ҳазрати Шайх Худойдод Валининг манзилларига (Ғазирага, хозирги Жомбой туманига) ташриф буюрадилар. Улар орасида ошночилик ва дўстлик мулоқотлари ўша вақтларда бошланган эди. Ҳазратнинг ташрифларидан хурсанд бўлган жаноби Шайх ҳазратлари меҳмонга ўзлари хизматда бўладилар. Он ҳазрат Маҳдуми Аъзам айтар эдилар: “Сиз ёнимда туринг, токи бир-биrimiz билан сұхбатда бўлайлик ”. Ҳазрат Шайх дедилар: “Агар туриб қолсан, қўрқаманки, мулозимлар хизматида камчилик бўлиб қолиши мумкин, шу жиҳатдан ўзим меҳмонга

¹ Қаранг: Иноятов С., Ҳайитова О. Кармана тарих кўзгусида. Т.: “Шарқ”, 2006, 148-160-б.

² “Зарафшон”, (Самарқанд), 1993, 11-сентябрь.

хизмат қилмоқдаман.” Қачонким аср намозининг вақти киргач , муаззин аzon айтди ва такбир келтирди. Он ҳазрат Маҳдуми Аъзам ҳазрат Шайхга дедилар: “Сиз намоз имоматлигига ўтинг ” Ҳазрати Шайх кутиб индамай турдилар. Иккинчи бора илтимос қилингач , ҳазрати Шайх дедилар: “Ҳазрат Маҳдуми Аъзам! Аввалги бора имоматликка ўтишимни сўраганингизда, узроҳлик тариқи юзасидан индамай кутиб турдим ва шунинг учунким, охирги вақтларда шу ҳолга тушиб қолганманки , тўрт ракаатлик намозларни икки ракаат қилиб ўқийман. Ва бу каби эсдан чиқишилар менинг ҳолатимда бўлиб келгандир.” Бунга жавобан он ҳазрат Маҳдуми Аъзам дедилар: “Сиз бу мартаба ва мақоматдан янада юқори ўтибсиз ва энди бу даражада туриб қолишингиз жоиз эмасдир, яъни янада юқорироқ мартабага эришганлигингиҳни хис этишингиз лозимдур”- дедилар ва ушбу байтни ўқидилар:

Эй, бародар, бениҳоят дар қаҳист,
Хар кужо , ки мероси, бигзар , моист.

(Яъни: Эй дўст, , ушбу бениҳоят улуғ сулук йўлининг ҳар қайси даражасига етсанг ҳам, тўхтамай ўтиб кет.)

Икки бузруквор ўз сухбатларининг адосидан сўнг икки тариқат (Нақшбандия-Хожагон ва Жаҳрия-Султония) раҳбарлари кўп йиғлашиб хайрлашдилар. Ҳазрати Шайх ўз қўллари билан тужунидан тўқилган чакмонларини ниёз тариқасида меҳмоннинг елкаларига ташладилар. Он ҳазрат Маҳдуми Аъзам ҳам ўз фаражи-рўмол ёпингичларини ул зотга кийгиздилар”. (“Жомеъ ул – мақомат” китобидан айнан таржима қилинган).¹

Бу икки тариқат намоёндаларининг учрашувлари тўғрисида жуда кўп манбаларда маълумотлар берилган. Шулардан бири “Ламаҳот” китобидир. Унда: “...Бозор айёмида Мавлоно Хожаги Косоний (яъни, Маҳдуми Аъзам Даҳбедий) Самарқанднинг Даҳбед мавзеъсидан Фарғона водийсининг

¹ Каттаев К. Шайх Худойдод Вали ва тариқатлар // “Самарқанд”, 2006, 17 ноябрь, 48-сон.

Ахсикат мавзеъси томон жами ёронлари билан бораётиб, Шайх Худойдод Вали яшайдиган Ғазира яқинида тўхтайдилар. Шайх Худойдод Вали ул зотнинг келганларини эшишиб, учрашувга чиқадилар ва ўз манзиллари Газирага таклиф этадилар. Лекин Маҳдуми Аъзам ҳамроҳларининг ва от-уловларининг кўплигини айтиб, Шайх Худойдодни ташвишга қўймаслик учун маъзулат қилиб узр сўрайдилар. Ночор Шайх Худойдод уйларига равона бўладилар. Ул зот йўлда ўз ҳамроҳларига дейдилар: “Мавлоно Хожаги –Маҳдуми Аъзамни зўрлик ила ўз уйимизга келтирамиз. Кеч кириб оқшом пайти ёға бошлади ва Маҳдуми Аъзамнинг чодирларидан сув ўта бошлади. Ўшанда Маҳдуми Аъзам ўз ҳамроҳларига жилмайиб дедилар: “Мавлоно Худойдод бизни ўз уйларига олиб бормагунча қўймайди”. Ва жами ёронлари билан Шайх Худойдод Валининг манзилларига отландилар. Ўша кеча Шайх Худойдод Вали меҳмонлар шарафига меҳмондорчилик буюриб, эртаси бомдод намозидан сўнг катта маърифий мажлис уюштириб, меҳмонлар билан сидқидилдан мулоқот-суҳбат ўтказадилар..

Бу мажлисда мезбон меҳмонларга ўз тариқати юзасидан мушоҳадалар билдиради. Меҳмон бўлиб келган Маҳдуми Аъзам ва шериклари эса бу мушоҳадаларни тинч ўтириб эшишиб борадилар. Бу тоифадаги зоҳид кишилар шу одатни қабул қилишганки, мезбон тариқа баёнини сўзласа, меҳмон жим ўтириб, эшишиб бориши керак”.¹

Шу маънода “Ламоҳот” китобида келтирилишича, Накшбандия тариқати пешвоси Ҳазрати Хожа Мухаммад Порсо Ҳирот шахрига келиб, Шайх Зайниддин ал-Хавофийнинг уйларига ташриф буорганларида, мезбон сўзлаган, меҳмон эса куни билан эшитган. Ва аксинча, қачонким бошқа кунида Шайх Зайниддин Порсоникига меҳмон бўлиб келганларида меҳмон сўзлаб, мезбон эса эшишиб борган. Миёнқолда яшайдиган Мавлоно Иброҳим Садрнинг отаси уйига Маҳдуми Аъзам, Шайх Худойдод ва Шайх Ҳусайн Хоразмий (Кубравия тариқати пешвоси (1465-1551) каби уч тариқатнинг,

¹ Каттаев К. Ҳазрат Шайх Худойдод Валининг Накшбандия ва Кубровия тариқати етук намояндалари билан муносабатлари // “Шайх Худойдод Вали ижодининг маънавий-маърифий қадриятларини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари(2006 й, 17 ноябрь). Самарқанд, 2006, 17- бет.

яъни нақшбандия, жаҳрия, самоъия тариқатининг буюк намояндалари меҳмон бўлиб келишади. Анча вақт бир-бирлари билан мулоқот қилғанларидан сўнг, Шайх Ҳусайн Хоразмий машшоқни чақириб, най чалишни бујоради. Най чалина бошлагач, ул зот ўз тариқалари бўйича самоъия зикрига тушиб кетадилар. Маҳдуми Аъзам ва Шайх Худойдод Вали ҳам ўз навбатида ўз тариқатлари зикрларини қилишади. Қолган иккаласи тик туриб эшитишади.¹ Ушбу уч улуг шайхнинг бир-бирларининг тариқатларига бундай ҳурматда бўлишлари диний бағрикенглик нишонасиdir. Бу ҳол бугунги бизнинг давримизда ҳам дин аҳллари учун ибрат намунасиdir.

Шундай қилиб, қирқ ёшгача Карманада яшаган Шайх Худойдод Вали Фазирада ҳам ўттиз йил яшаш жараёнида ўз меҳнати билан кун кўриб, ҳалол ва пок луқма, покиза иймон ва кучли эътиқод билан умргузаронлик қилиб, ўз сухбатдошлари-ю, муридларини ҳам шунга даъват этган. Зотан, нақшбандия авлиёлари мамлакат сиёсий ҳаётига фаол аралашар, катта ерларга эгалик қилас, эканлар, раиятга қарши қаратилган ҳолларни улар иқтисодиёт ёрдамида ҳал қилишга уринган эдилар. Шайх Худойдод Вали эса ҳар ким ўз насибасини ўзи меҳнат қилиб топиши керак, деган ақидага содик туриб, замонасининг буюк ва юксак инсонига айланган. Аслида нақшбандия ва яссавия ўртасида катта тафовут йўқлиги Шайх Худойдод Вали ва Маҳдуми Аъзам дўстлигига яққол ўз намунасини топган десак жуда тўғри бўлади.

Биз юкорида келтирган далиллар нафақат диний бағрикенгликдан, балки инсонлар ўртасида асрлар давомида сайқал топиб келаётган меҳмоннавозликдан, меҳмону мезбон муносабатларининг ўзига хос қадрият эканлигидан далолат бериб, буюк шайхлар фаолиятида бу ахлоқий фазилат муҳим ўрин тутганлигининг ўзига хос намунасиdir.

¹ Қаранг: “Самарқанд” газетаси, 2006, 17 ноябрь.

6. Ҳазратнинг Яссавия тариқатидаги силсиласи

Тасаввуфдаги Яссавия-Жаҳрия тариқатининг асосчиси Хожа Аҳмад Ясси (Туркистон) шаҳрида туғилган. Ўрта Осиё тасаввуфининг устунларидан бири Ҳазрати Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг вафотидан сўнг Аҳмад Яссавий Бухорода унинг ўрнига шайхлик қиласи. Кейинчалик Аҳмад Яссавий Туркистонга кайтгач, Юсуф Ҳамадонийнинг тўртинчи ҳалифаси Абдухолик Фиждувоний шайхликни давом эттиради.¹ Ҳазрат Ҳамадоний тўрт ҳалифани тарбиялаганлар. Булар: Хожа Абдулло Барқий(вафоти 1160), Хожа Ҳасан Андокий (вафоти 1157), Хожа Аҳмад Яссавий ва Хожа Абдухолик Фиждувоний(вафоти 1179) лардир. Нажмиддин ан-Насафийнинг “Қандия” ва Ҳусайн Воиз ал- Кошифийнинг “Рашоҳат ул айн ул-хаёт” китобларида келтирилишича, Ҳазрат Ҳамадонийнинг вафотларидан сўнг шогирдлари биринкетин иршод маснадида ўтирадилар. Қачонким, Хожа Аҳмад Яссавийга навбат етгач, Бухоро халқини даъват этиш билан машғул бўладилар.

Хожа Аҳмад Яссавий хақидаги ривоятлардан бирида у киши 63 ёшга, яъни пайғамбар ёшига етгач, ертўлага кириб, умрларини тоат-ибодат, худо йўлига риёзатда ўтказиб, 125 ёки 133 ёшда, 1166-67 йиллар орасида вафот этган дейилади. Шарқда ўтган аксарит художўй, Ҳақ йўлида фидоий сўфи донишмандларнинг 100-120 йил умр кўришларини инобатга олсак, Яссавийни шунча йил умр кўришлари ҳам айни ҳақиқатдир.²

Хожа Аҳмад Яссавий тариқати хонадонидан ўттиз машойих бузругворлар этишиб чиқадилар. Лекин Ҳазратнинг тўрт машхур ҳалифалари бўлиб, улар: Мансур Ота, Абдумалик Хожа, Тожи Хожа, Сайд Ота, Сулаймон Ота, Сўфи Муҳаммад Донишманд ва Ҳаким Ота эдилар.

Ҳаким Ота - (вафоти 1191 йил). У кишининг яна бир номлари Сулаймон Боқирғоний бўлиб, Ҳазрат Хожа Аҳмад Яссавийнинг тўртинчи ҳалифаларидандир. Олим Шайхнинг “Ламаҳот” китобида келтирилишича,

¹ Дўсткораев Б. Яссавий ким эди. Т.: А. Қодирий номидаги Халқ мероси нашриёти, 1994, 19-бет.

² Ҳамидjon Хомидий. Тасаввуф алломалари. Т.: “Шарқ” 2004, 156-бет.

Ҳазрат Ҳаким Ота шариат илмида уч минг ҳикмат, тариқат борасида уч минг ва ҳақиқат борасида ҳам уч минг ҳикмат айтган эканлар. Алишер Навоийнинг “Насойим ул –муҳаббат” асарида келтирилишича: “Ҳаким ота–оти Сулаймондур. Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг муриди дур. Ҳамонки, бир кун Ҳожа табхе(овқат пишириш)бу юргондурки, матбахий(ошпаз)ўтин етмайдур деб келгандир. Алар азҳабға дегандурларки, ёзидин ўтун терибдурлар, матбахга(ошхонага) келгунча ёғин жихатидан ўтунлар хўл бўлғондур. Ҳаким ота терган ўтунларни тўниға чирмаб, қуруқ келтиргандилар. Ҳожа Ҳазратлари дегандирларки, эй фарзанд, ҳакимона иш қилдинг ва аларға бу лақаб андин қолғондир ва Ҳаким Отаға ҳикмат тили гўё бўлубтур.”¹

Сулаймон Боқирғоний Ҳожа Аҳмад Яссавий ишоратлари билан Хоразм вилоятига бориб, у ерда халқни тариқат йўлида такомиллаштирганлар ва шу ердаги Оққўрғон мавзеъида вафот этганлар.

Занги Ота - Туркистонлик машҳур авлиё, илоҳиёт олими, чўпонлар пири. У киши ҳозирги Тошкент вилояти Янгийўл тумани худудида туғилган ва 1258 йилда шу ерда вафот этади. Занги ота Ҳожа Аҳмад Яссавийнинг устозлари бўлган Арслонбоб эшоннинг эвараси эдилар. У киши ўта қора танли бўлганлиги учун Занги(Занжи) деб аталган. Занги отанинг тўрт халифаси бўлиб, улар: Узун Ҳасан ота, Сайд ота, Садр ота ва Бадр ота эдилар. Ҳазратнинг қабри Тошкентдан 16 чақирим жанубда жойлашган ҳозирги Занги ота қишлоғидадир.²

Занги Ота тўғрисида Фахруддин Али Сафийнинг “Рашоҳот” асарида келтирилишича: “Олар (яъни, Занги Ота) Орслонбобнинг набираси Тожи Ҳожанинг фарзандлари туурлар ва йиллар волиди шарифларининг тарбияти зилли ҳимоятида бўлдилар... Ва Ҳаким Ота вафот тобғонидан сўнг Анбар Ано отлиғ завжасиниким, Бароқхоннинг³ қизи эрди, ҳуболайи аҳдлариға келтурдилар... Ойтурларким, Ҳаким Ото сиёҳрангда эрканлар. Бир куни Анбар Анонинг хотирлариға келдиким, “не бўлур эрди Ҳаким Ото сиёҳрангда бўлмасалар”. Ҳаким Отога онинг ҳавотириға ишроқе бўлуб, ойтурубдилар: “Тез

¹ Сулаймон Бозирғоний. Бокирғон китоби. Т. “Ёзувчи” 1991, 3-бет.

² Ҳожа Исламатуллоҳ Абдуллоҳ, Марказий Осиёда Ислом маданияти. Т. “Шарқ” 2000 , 84-бет.

³ “Маноқиби Сулаймон Ото” да ёзилишича, асли исми “Бўғроҳон”, у Хоразм вилояти ҳокими бўлган ва ўз қизи Анбаройимни Ҳаким Отога никоҳлаб берган. Сўнг ўзи ва яқинлари билан Ҳаким Отога мурид бўлган.

бўлгайким, мандин ҳам сиёхроқға мусохид булурсан”¹ Манбаларда кўрсатилишича, Занги отанинг шогирдларидан бири Сайд отанинг фаолиятлари Хатирчи билан боғлиқдир. У кишининг муборак рамзий мозорлари хозирги Боғчакалон ширкат хўжалигидаги Оқмасжид худудида. Бу жой 2002 йилда қайта таъмирланиб, зиёратгоҳга айлантирилди.

Ямин ота - (“Тухфат уз-зоирин” асарида Оламинбобо, “Музаккир ул-ахбоб”да Эломон ота деб аталган). Ушбу бузругвор Садр отанинг ҳалифаси бўлиб, вафот этган устозининг ўрнига иршод маснадида ўтириб, толиблар илмини Ҳақ йўлига даъват қилган. Ямин бобо қадимги Суғд Хурд(яъни, Офаринкент) туманидаги(ҳозирги Оқдарё тумани) Кумушкент мавзеида вафот этади. Бу мавзеъда жойлашган Имом Али Суғдий мозоридаги даҳмада Ямин бобо, Шайх Мавдуд ва Шайх Али қабрлари жойлашган.²

Шайх Алишайх – Ямин бобонинг ҳалифаси бўлиб, пиридан сўнг унинг тариқатини давом эттиради ва ҳалқни Ҳақ йўлига даъват этади. Қабри Оқдарё туманидаги Кумушкент мавзеъида.“Имом Али Суғдий” мозоридаги даҳмада жойлашган Яминбобо, Мавдуд Шайх қабрлари ёнида.

Шайх Мавдуд – Алишайхнинг ҳалифаси бўлиб, устозидан сўнг пирлик ва иршод бериш хуқуқига эга бўлади. Ул зотнинг машҳур ҳалифаларидан бири, Иқоний таҳаллуси билан шеърлар ва ҳикматлар ёзган Камол Шайх ҳақида ёзувчи Фитрат ҳам ўз асарларида қайд қилиб ўтади. Жумладан: “Иқоний таҳаллусидан бу кишининг Фарғонадаги Иқондан экани англашилади. Яссавий шайхлари орасидан машҳур Мавдуд шайхнинг муриди Камол Шайх деган одам бор. “Рашоҳот” да у ҳақида “Аз кибор асҳоби Мавдуд турғонин билдирадир. Ҳижрий 1093 (милодий 1680)да бухороли муфти Зинда Али томонидан ёзилган “Самарат ул-машойиз” отли китобда ҳам “Ламаҳот” да бу Камол шайхнинг таржимаи холи ёзилғонда “Лақаби эшони Иқоний аст салҳо дар қаръиз

¹ Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айн ил-ҳаёт. Т.: “Абу Али Ибн Сино” нашриёти. 2004, 25-26-бетлар.

² Каттаев К. Шайх Худойдод Вали тарихи. Самарканд. 1995, 18-бет.

Алиободи Самарқанд буданд, вафот ва мадфуни шарифи эшон оншо аст” дейдилар,¹

Яна: Мавдуд Шайхнинг асхоби набираларидан эрди. Шош вилояида мақом тутибдилар. Ҳазрати Эшон (Убайдуллоҳ Ахрор) ойдиларким: “Камол Шайх муриди Мавдуд Шайх эрди ва Ходим Шайхнинг биродари тариқати эрди. Вақтеким, бизлар Ҳурросон сафаридан мурожаат қилдук ва Тошканда иқомат этдук, ул бизларнинг сухбатимизга кўб келур эрди”².

Шайх Ходим – Бу бузрукувор Шайх Мавдуднинг халифаси. Ўз фаолиятининг юқори чўққиси даврида Мовароуннаҳдаги қўпчилик унинг иродатида бўлган. Шайх Ходим аввал бошида Кубровия силсиласига мойиллик билдиради. Сўнгра ўша силсила намояндаларидан бирининг маслаҳати билан Шайх Мавдуд билан сухбат қуриб, унга мурид тушади. “Ламаҳот” ва “Рашоҳот” китобларида Ходим Шайх билан Нақшбандия тариқати пешвоси Хожа Ахрор Вали мулоқотларига кенг ўрин берилган. Хожа Ахрор Вали Шайх Ходимни ўз устозларидан бири деб ҳисоблаганлар. Мовароуннаҳр хукмдори бўлган темурий Султон Аҳмад Мирзо(1469- 1494 йиллар хукмронлик қилган) ҳам ул зотни жуда хурмат қилиб, эъзозлаганлар.³

Шайх Жамолиддин – Бу зот Шайх Ходимнинг кибор ҳалифаларидан бўлиб, Бухорода туғилган. “Ламаҳот”да келтирилишича, Муҳаммад Шайбонийхон ҳам хокимиятга келишидан олдин Шайх Жамолиддинни пир билиб, мурид тушган. Шайх Худойдод Вали зоҳидона кўтаринкиларни устозлари Шайх Жамолиддиндан олган. Бу зот ҳам ўз замонасида ҳалқ ва ҳукмдорлар хурматига сазовор бўлган эдилар.

Яссавия – Жаҳрия силсиласининг мана шу ердаги бўғинида, яъни XV аср охири ва XVI аср бошларида Шайх Жамолиддиндан сўнг иршод маснадида ўтирган Ҳазрат Шайх Худойдод Вали ва бу тариқатнинг кейинги давомчилари – Қосим Шайх Азизон, Пирим Шайх, Хожа Муллои Нурий, Қамбар Шайх, Бобои

¹ Фитрат. Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар // Танланган асарлар. 2- жилд. Т.: Маънавият. 2000, 33-бет

² Фахруддин Али Сафий. Рашаҳоту айнил-хаёт. Т.: “Абу Али Ибн Сино” нашриёти. 2004,32-бет.

³ Каттаев К. Шайх Худойдод Вали тарихи. Самарқанд. 1995, 21-бет.

Тиркаш, Шайх Дарвеш, Ориф Сўфи, Олим Шайх, Азизон Мавлоно Вали, Шайх Обид ва бошқалар кейинги даврларда тасаввуфий ғояларни тарғиб қилдилар.¹

Шайх Худойдод Валининг яқин ҳалифаларидан бири Олим Шайх Азизоннинг “Ламаҳот” асарида келтирилишича: “Олим Шайхнинг ота томонидан бобоси Дарвеш Шайх(вафоти 1551-52) яссавий шайхларидан Шайх Худойдод Валининг муриди бўлиб, Тошкент ва Самарқанддаги тариқат аҳли орасида машҳур бўлган. Бухоро хони Пирмуҳаммадхоннинг мажлисларида иштирок этган. Дарвеш Шайх Алиободда иршод маснадида бўлиб, Тошкентда катта жомеъ масжид, Шайх Худойдод мозорида ҳовуз ва боғ барпо қилган. Шайх Худойдод Валининг тариқатдаги ҳалифалари қўйидагича: Олим Шайх-Пирим Шайх- Қосим Шайх Карманагий- Шайх Худойдод Вали.”²

Сўзимиз хулосасида Шайх Худойдод Валининг “Тухфат уз-зоирин” китобида келтирилган, тарихчи олим Комилхон Каттаев томонидан ўрганилиб, нашр этилган Ҳожагон-Нақшбандия силсиласининг Яссавия – Жаҳрия-Султония силсиласи билан узвий боғлиқлиги ҳақидаги жадвални келтирамиз:

Пайғамбар(а.с)	
Абу Бакр Сиддик	
Қосим ибн Муҳаммад ибн Абу Бакр Сиддик	
Имом Жаъфар Содик	
Боязид Бистомий	
Абул Хасан Ҳароқоний	
Абул Қосим Гургоний-Тусий	
Абу Али Фармадий	
Абу Юсуф Ҳамадоний	
Ҳожагон -Нақшбандия	Яссавия-Жаҳрия-Султония

¹ Каттаев К. Шайх Худойдод Вали тарихи. Самарқанд. 1995, 23-бет.

² Ҳасанов Н., Султонов У. Муҳаммад Олим Сиддикий ва унинг “Ламаҳот” асари ҳақида // “Имом ал-Бухорий сабоклари”. 2006, 3-сон, 195-бет.

Хожа Абдухолиқ Ғиждувоний	Хожа Ахмад Яссавий
Хожа Ориф Ревгарий	Хаким ота
Хожа Мухаммад Фағнавий	Занги ота
Хожа Муҳаммад Бобои Самосий	Ямин ота
Амир Сайид Кулол	Шайх Алишайх
Али Рометаний	
Хожа Баҳовуддин Нақшбанд	Мавдуд Шайх
Мавлоно Яқуб Чархий	Шайх Ходим
Хожа Аҳрори Вали	Шайх Жамолиддин
Мавлоно Муҳаммад Қози	Шайх Ҳудойдод Вали
Маҳдуми Аъзам Даҳбедий	Али Шайх
	Қосим Шайх
	Пирим Шайх
	Олим Шайх

II боб. Шайх Худойдод Вали мероси ва авлодлари шажараси

1. Шайх Худойдод Валининг адабий меросида тасаввуф ғояларининг ёритилиши

Қадимий ва ўрта асрлар даврида Мовароуннаҳр нафакат Шарқ балки жаҳонга машҳур олим-у уламоларни тарбиялаб, вояга етказган. Улар серқирра ижоди туфайли маданий меросимиз тарихида катта мерос қолдирғанлар. Ана шундай маънавият арбобларидан бири Шайх Худойдод Вали номи билан машҳур бўлган буюк алломадир.

Ул зот ўз даврининг йирик олими,ислом тасаввуф илмий таълимотидаги яссавия-жахрия-султония тариқатининг таниқли намояндаси бўлган. Шайх Худойдод Вали Карманада илк саводини чиқариб, кейинчалик Самарқанд ва Бухоро мадрасаларида таҳсил олиб,тасаввуф таълимотининг йирик намояндаси даражасига кўтарилиб, каромат қилиш қувватига эга бўлади. Бундай қудратли фазилатларга ўтмишда камдан-кам кишилар эришган ва ҳамма ҳам бундай юксак қудратга, нуфузга муносиб бўлавермаган.

Шайх Худойдод Валининг илмий-тасаввуф таълимотининг асосида инсонийлик, инсонпарварлик ғояси ётади. У зулмни, адолатсизлик-ҳақсизликни қоралаб, адолат, ҳақиқат, ҳақ йўлида фидоий бўлишликни улуғлар эди. Ҳазратнинг ўзи бу ғояга қатъий риоя қилган,шогирдларини ҳам шунга содик бўлишга даъват этган. Умри давомида Мовароуннаҳрда катта обрў-эътиборга эга бўлиб,хатто унга хукмдорлар итоатда бўлсада,ўз меҳнати эвазига кун кечиришни умр бўйи афзал кўрган.

Тасаввуфнинг яссавия-жахрия-султония тариқатига доир ғоявий таълимотининг асосий йўналишлари,мазмун моҳиятини очиб беришга уринган. Бу ҳол ўзбек, форс тилларида ёзилган шеърлари, хикматли сўзлари

ва ғазалларида, умуман у муборак зотнинг шеърий мероси мавжуд ёзма манбаларида, амалий ҳаракатларида ўз ифодасини топган.

Маълумки, сultonул-орифин Ҳазрати хожа Аҳмад Яссавий тариқатидаги “Жаҳрия-Султония” силсиласи сулукининг ўз замонасидаги пешвоси ҳисобланган Шайх Худойдод Вали фаолияти ва маънавий мерослари ҳақида кўплаб мақомат ва рисолалар ёзилган ҳамда баъзи қўлёзма китобларда ул зот ҳақида алоҳида боблар келтирилган. Булар сирасига “Ламаҳот мин нафоҳатул-кудс”, “Хужжотул-зоҳирин”, “Маноқиби Шайх Худойдод Вали”, “Тухфатул-зоъирин”, “Жоме ул-мақомот”, “Равойи ул-кудс”, “Самария”, “Музаккир ул-аҳбоб” каби қўлёзма асарлар ва бошқа манбаларни киритиш мумкин. Юқорида номлари келтирилган асарлардан маълум бўлишича, Ислом дунёсининг йирик алломаси Ҳожа Аҳмад Яссавий ислом ақидаларини туркий тилда шарҳлашга эҳтиёж сезиб, қудратли тариқатга асос солдилар. Бу анъанани XV аср охири - XVI аср бошларида Соҳиби каромат, мақомат йўлига кирган, кибру ҳавои нафсдан парҳезда бўлган, сабру – қаноат ва риёзатчиликлари туфайли фано даражасига етиб, “Вали” деган унвонга сазовор бўлган Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Вали давом эттирганлар.

Шайх Худойдод Вали ҳақида халқ орасида сақланиб қолган кўплаб ривоятлар мавжуд. Бу ривоятларнинг бирида келтирилишича Бухоро ва Самарқанд мадрасаларини тамомлаб, қадимги Шероз туманининг Газира деган мавзесидаги масжид ҳонақоҳда фаолият кўрсатганлардан бири Шайх Азизон Худойдод Вали бўлганлар. Ҳазрат масжидга келган кишиларга қўлларидан келган ёрдамини аямаганлар. Бева-бечораларга, етим-есирларга ўз муруватларини кўрсатганлар. Абдулмаликхон ўғли Солиҳхон амакининг (1909-1989) айтишларига қараганда, Шайх Худойдод Валининг олдига кўплаб кишилар келиб турганлар, назр- ниёзлар келтирсанлар. Айниқса, жувонлар боласизликдан нолиётганларида ул ҳазрат келган жувонларга ҳалол, покиза яшашликни, беш вақт намоз ўқишни, тоат-ибодат қилмоқни насиҳат қилганлар. Уларга оқ фотиха берганларидан сўнг, натижада,

илтижолари инобатга олиниб, сал вақт ўтмасдан фарзандли бўлганлар. Яна бир ривоятда Шайх Худойдод Вали ўзлари ҳақида ҳикоя қиласидар: “ Устоз ва пири Шайх Жамолиддин Хуресонга – Ҳиротга келганларидан сўнг Муҳаммад Шайбонийхон мен билан ошнолик қилиш мақсадида бир неча маротаба уриниб кўрди. Аммо мен унга яқинлашмадим, кўриниш ҳам бермадим ”.¹

Ҳазратнинг бу мушоҳадалари тарихий қадриятларимизга хосдир.

Зеро, Пайғамбар Алайҳиссалом шундай дебдурлар: Факирларни зиёрат қилгувчи амир энг яхши инсондир. Молу- дунё мақсадида амирларни зиёрат қилгувчи факир эса энг ёмон одамдир.

Тасаввуфда Аллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлган ҳар бир инсон икки тамойилга амал қилиши лозим:

- 1) Тариқат йўлига кириш;
- 2) Аллоҳ ишқи билан бўлиш;

Сўфийлик тариқати йўлига кирган ҳар бир киши унинг қирқ мақомини бажариши даркор. Қирқ мақомдан ўн мақоми шариатда, ўн мақом тариқатда, ўн мақом маърифатда, ўн мақом ҳақиқатда мавжуддир.

Ҳазрат Худойдод тариқат мақомларига амал қилиб, ростлик билан азизлар йўлига кириб, иштиёқ билан Аҳмад Яссавийнинг ғойибона таълимини олгач, шариатда орифи билим бўлган, тариқатда воқифи асрор бўлган, ҳақиқатда комили мукаммал, маърифатда дарё-ю уммон бўлган. Шайх Жамолиддиндан қўл олиб, пир айтганини ушлаб, ҳақиқатга ошиқона талпинувчи муҳлис сифатида ўз мақомида қотиб қолмай, аксинча, доимий равишда илмини мукаммаллаштириб борган.

Сабру қаноат ва риёзатчиликлари туфайли фано даражасига етган Ҳазрат Худойдод бир хикматида шундай ёзади;

Жонима юз жон киур, ишқинг фаносида ажаб,

Оҳ, сенинг дардинг тақи, бу дардима дармон бўлур.

¹ Каттаев К. Ривоят ва ҳақиқат // “ Жомбой тонги ”. 2006 йил 15 ноябрь, №32-сон.

Ҳазрат фикрича, тариқат йўлига кирмоқчи бўлган ҳар бир суфий ҳалол луқма билан тановвул қилса, нафсини тийса, ўзлигидан узилиб , ўз моҳиятини бўйсундирсагина фано мақомига эришади.

Чун ўларсен, эй Ҳудойдод ўлгин ўлмасдин бурун,
Давлати боқи керак бўлса, қўй ушбу фанони !

Ҳудойдод Валининг бу хикматида Аллоҳ мени севади, мен уни севишим йўлида минг жон керак бўлса тайёрман, ҳар қандай боқий давлатдан кечиб, фанони танлаши тасвирланган. Тасаввуфда “фано-ўзликни йўқотиб, бутун борлиқдан кечиб, илоҳиятга сифиниш “ дегани. Ҳудойдод ижодида фанодан, асосан, такаббурликка қарши хокисорлик фалсафаси сифатида фойдаланилган ва уни шу мазмунда ёритган. Такаббурлик-адолатнинг ёви-деган хулосага келади у.¹

Ҳазрат ўzlари эришган билимларни ажойиб ҳикматларида мерос қолдирганлар. Ҳазратнинг ҳикматларидаи марказий образ-Аллоҳ. Ўзбек адабиётида Яссавийдан сўнг полефоник(оҳангдорлик) тафаккурни Ҳудойдод Вали давом эттирганлар. Ҳазратнинг ижодидиаги мазкур кўп оханглилик, кўп маънолилик эса, Қуръони Карим таъсирида юзага келган.

Ўзбек тасаввуф адабиётида худди Қуръондагидек хилма-хил тушунчалар, хадисларга рамзий ишоралар, қайтаришувчи ва етакчи мавзу ҳамда сюжетлар бараварига келиб, улар ўқувчини билим ва таҳайюл оламига етаклайди. Аллоҳ йўлида Валилик даражасига етишган ҳазрат Ҳудойдод Вали Муҳаммад пайғамбарга қуидагиларни изҳор этганлар:

Ошиқонаш то би банд ҳар замон аз вай хабар,
Дини Аҳмадро ба кулли раҳбармон сохта.

¹ Ўринбоев Б. Ҳазрати Шайх Ҳудойдоди Вали маънавияти // Шайх Ҳудойдод Вали ижодининг маънавий-маърифий қадриятларини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари (2006, 17 ноябрь). Самарқанд, 2006, 9-10-бетлар.

Бироқ булар ўтмиш, нимаики ўтган бўлса, у тарих. Тарихни эса ўзгартириб бўлмайди. Уни тушуниш керак. Худойдод Вали худога сифинишга чақирганлар. Унга ишқ қўйишга унданганлар.

Бандаким ул иноят бирла Ҳақ сўйди ани.

Ложарам Ҳақни суйиб ўзга суюнгуликдан қочар.

Ҳаётга муҳаббат ва қувноқлик, худо-ёр ва диёр севгиси, хижрон ва ғурбат дарди, бадбинлик ва таркидунёчилик, яхши хулқ ва одоб, тақдирдан нолиш ва унга тобе бўлмаслик, афсус ва надомат-Худойдод ғазаллари ва ҳикматларининг мавзу доираси ана шулардан иборат. Ҳазратнинг ўзи уларнинг марказий қаҳрамонидир. Инсоннинг илоҳиёт билан бирлашуви ишқдир. Илоҳий рух суфий қалбига йўл топиб, сўз ва аъмолларига раҳбарлик қиласди.Худойдод Вали ҳикматларида бу фикр шундай тасдиқланади:

Мен сенинг ишқингда девона бўлсан не ажаб,
Хону-монимдан кечиб, бегона бўлсан не ажаб!
Ишқинг шаробини ичиб, ақлу-хушим барча кетиб,
Хону-монимдан кечиб, девона бўлсан не ажаб,
Эй Худойдод, неча куйдинг бу фироқ ўтида сен,
Оқибат васлига мен ҳамсоя бўлсан не ажаб.

Ошиқ шоир худо ва ёрни бутун қалби билан севади. Уларга самимий эҳтиром кўрсатади ва камтарлик билан ўзини ишқ бобида ҳамсоя бўлсан бас- деб юпатади. Ҳазрат ишқقا бир ҳавас деб эмас, балки, комил инсон ҳаётининг ажралмас йўлдоши, қалб ва ироданинг амри, шарафли ва масъулиятли бурчи деб қарайди.¹

Хуллас, Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Валининг илмий ва адабий мероси асосида унинг маънавият-маърифатга доир баъзи мулоҳазаларини

¹ Ўринбоев Б. Шайх Худойдод Вали маънавияти // Шайх Худойдод Вали ижодининг маънавий-маърифий қадриятларини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари (2006, 17 ноябрь). Самарқанд, 2006, 13-бет.

баён этдик. Унинг илмий-адабий мероси кишиларнинг комил инсонни шакллантиришга, маърифий ва диний қадриятларимизни тиклашга беминнат хизмат қиласди.

Кейинги йилларда Шайх Худойдод Вали қолдирган бой маънавий ва адабий меросни ўрганишга янгича қарашлар шаклланиб, қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Хусусан, халқимиз маънавиятида ўчмас из қолдирган улуғ адибнинг асарларини асл манбалардан ўқиб, ўрганиш, уларнинг ижодига холисона баҳо бериш ва тарғиботу- ташвиқ этиш ишларига катта эътибор берилмоқда. Жумладан, бу йўлдаги саъй- ҳаракатлар жараёнида бобокалонимиз ҳақидаги 25 дан зиёд нодир қўлёзмалар, чоп қилинган китоблар ва тарихий хужжатларни топишга ва уларни жамлашга эришилди. Жамланган бу қўлёзма манбаларда Ҳазрат Худойдоднинг туркий ва форсий тилларда ёзилган шеърлари, ҳикматли сўзлари ва Ҳазратнинг ҳаёти, фаолияти билан боғлик маълумотлар берилган. Ундан бизгача туркий тилда ёзилган ўттизга яқин ғазаллар, ҳикматлар ва қасидалар етиб келган. Масалан, Худойдод Валининг “ Қилсан бўлур ” радифли ғазали анъанавий етти байтли бўлиб, қуйидаги матлаъ билан бошланади:

Ой юзунгни кўрубон жоним фидо қилсан бўлур,
Хоки пойингни кўзима тўтиё қилсан бўлур.

Келтирилган байтда “ой юзунг”, “жоним фидо”, “хоки пой”, “кўзума тўтиё” сингари бирикмалар халқ тилига яқинлиги, мусиқий оҳангиги билан ғазал оҳангдорлигини, самимийлигини таъминлашга восита бўлган.¹

Умуман олганда, Худойдод Вали адабий меросини келгусида синчиклаб ўрганиш, унинг серқирра хусусиятларини тадқиқ этиш, улуғ

¹ Йўлдошев Б. Ҳам орифона, ҳам ибратона // “Зарафшон”, 2006, 15 ноябрь.

аллома бадиий ижодини ҳозирги ёшлар онгига янада чуқурроқ етиб бориши учун хизмат қилишига шубҳа йўқ.

2.Шайх Худойдод Валининг адабий меъроси тарбия мактабидир

Туркий адабиётнинг исломдан кейинги мактаблари орасида Яссавий мактаби жуда нуфузли бўлиб, асрлар давомида тасаввуф адабиётини яратиб, улар адабиётдаги комил инсон тушунчаси ва инсонийлик ғояларини мукаммал ва олий даражаси бўлган одамларни оламни бутунликда, уйғунликда қўриш орзу-ҳаёллари, камолот машаъли бўлишини аниқ сиймоларда кўрадилар. Тасаввуф адабиёти тарафдорлари Аҳмад Яссавийдан ўрнак олиб, хақиқий бойлик-маънавий бойлик деб ҳисоблаб, инсонларни реал ҳаётнинг ноз-неъматларидан фойдаланишга ундиндилар ва меҳнат қилишга, билим олишга даъват этдилар. Шу билан сўфизмнинг ўзига хос образлари орқали Шарқнинг илғор мутафаккирлари, шоирлари ўз ғояларини тарғиб қиласидилар. Сулаймон Боқирғоний, Иқоний, Машраб, Кул Шароф, Фақирий, Хуббий, Гадоий, Шайх Худойдоди Вали, Олим Шайх, каби ижодкорлар Яссавий мактабининг етук вакиллариидир.

Ҳазрат Азизон Шайх Худойдоди Вали туркий тасаввуф шеъриятининг иирик вакилларидан бири бўлиб, у Яссавия-Жаҳрия тариқатидаги фаолияти билан бир қаторда шеъриятда ҳам қобилият соҳиби сифатида туркий ва форс-тожик тилларида ғазал, ҳикмат ҳамда фардлар битди. Ҳазрат Худойдоднинг бу соҳалардаги кўп қиррали фаолиятлари “Маноқиби Шайх Худойдоди Вали” деб номланиб, XVI асрда ёзилган китобда баён қилинган. Ушбу китобда Шайх Худойдоди Валининг ўз адабий мерослари-шеъриятлари ҳақидаги мулоҳазалари қуйидаги тарзда келтирилган: “Мен йигирма уч ёшимда Ҳазрати Азизон Жамолиддинга кўл бериб, ул муршиднинг фотиҳаларига-оқ йўл тилашга муюссар бўлганимдан бошлаб ҳозиргача, яъни эллик йил давомида халқни Ҳақ томон чорладим, факру

фано водийсини кезиб чиқдим. Мен бу вақтга қадар шеър айтишга ва рисоланинг ёзилишига бунчалик ғайрат қилмаган эдим. Ҳозирда бунга алоҳида аҳамият беришимнинг сабаби шуки, истайманки, мендан сизга бир эсдалик қолса, токи менинг шеърларим ва рисоламни ўқиганлар ўзлари учун сабоқ олгайлар”.¹

Бу фикрдан шундай хулосага келиш мумкинки, Шайх Худойдод Вали ўз фаолиятлари давомида шеърият билан ҳам шугулланиб, унинг қонун-қоидаларини ўзлаштириб, ўтмиш ва ўзларига замондош шоирлар асарларини мутола қилганлар. Ҳазрат ўз таълимий қарашларини назм шаклида баён қилганлар. Шайхнинг шеърий мероси алоҳида девон шаклига келтирилгани хақида маълумот учрамайди. Ҳазратнинг шеърлари маноқиб таркибиға киритилганидан ҳабардормиз. Бу манбада келтирилган шеърлар туркий ва форсий тилларда ёзилган бўлиб, улар Шайх Худойдоди Валининг ҳар икки тилда эркин ижод ва тарғибот қилиш маҳоратидан гувоҳлик беради. Шоир ва ёзувчи Фитратни кейинчалик Шайх Худойдоди Вали зуллисонайн шоир бўлиб, форсий шеърларининг бир қисми “Ламаҳот” китобида берилганлигини қайд этиши ҳам бежиз эмас. Ҳазрат яшаган ва фаолият кўрсатган муҳит зуллисонайликни тақозо этарди. “Маноқиби Шайх Худойдод Вали” ҳам форсий тилда ёзилганлиги фикримиз далилидир. Хуллас Шайх Худойдоди Валининг бизга маълум бўлган шеърий мерослари асосан ғазал жанридадир. Газалларнинг аксарияти аruz вазнида ёзилган бўлиб, уларнинг етакчи мавзуи илоҳий ишқдир. Маълумки, Алишер Навоий ўзининг “Мезон ул- авзон” ида бундай ғазалларни туркий ғазаллар деб атаган эди. Шундай экан Шайх Худойдод Валининг ўзбек тилидаги кўпчилик ғазаллари ҳам ана шундай туркий ғазал жанрига мансубдир. Ҳазратнинг ғазаллари сўфий шоирларнинг поэтик мушоҳадалари сифатида ўз ифодасини топган. У жаннат ва равзо тушунчаларини афзал билади. Бу

¹ Валихўжаев Б. Ҳазрат Азизон Шайх Худойдод Валининг адабий мероси хақида// “Ҳазрат Азизон Шайх Худойдод Вали-Яссавия тарикатининг машҳур намояндаси” мавзусидаги илмий –амалий анжуман материаллари (1997, 2 май). Самарканд, 2000, 20-бет.

тараққийпарварликни қамраган журъатли фикрлар шоир бутун лирикаси асосини ташкил этади:

Сенсиз жаннатни қилсам, хушоги ҳам меҳнатул,
Сен билан дўзах ичинда ҳам токи куйса бўлур.
Мен висолингдин умид тутқон учун ҳажр илкида,
Пок тутиб васл учун ҳажр ўтига кирса бўлур.
Эй Худойдод жаҳл айла, менда васл топмоқ учун,
Менда кўрган ваъдадур, дорил бақо бўлса бўлур.

Ҳаётга муҳаббат ва қувноқлик, ёр ва диёр севгиси, ҳижрон ва ғурбат дарди, бадбинлик ва тарки дунёлик, тақдирдан нолиш ва унга тобе бўлиш, афсус ва надомат - Шайх Худойдод Вали ғазалларининг асосий мавзусини ташкил этади.¹

Шайх Худойдод Вали севги, шодлик ва баҳт куйчисидир. Реал ҳаётни эътироф қилган шоир ҳаётни ғам – алам ва қайғу, ҳасрат билан эмас, балки баҳт-саодат, шодлик ва қувноқлик билан ўтишини истайди ва унинг лирикасида бу асосий ғоя ҳисобланади.

Шайх Худойдод Вали туркий халқларнинг оғзаки ижодида учрайдиган қўшиқлар хусусиятини чуқур ўрганиб, уларнинг ғазал хусусияти билан қоришувидан ҳосил бўлганлигини изоҳлайди. Улар баён услуби ва тилининг равонлиги, оҳангдорлиги билан ажралиб туради. Бу эса ўз навбатида жаҳрия-султония услубидаги тариқат сулукларининг зикр халқалари жараёнида ва ёки якка тарзда ишлатишга унғайлиги билан характерлидир. Шоирдаги бу хислатларни Б. Валихўжаев ва Б. Ўринбоев ўрганиб, таҳлил қилдилар:

Халқим севди Мани, ман нега севмасман ани,
Икки олам дўстлигин ташлаб, чу севдирди мани.
Ман сани сендин тиларман ўзлугимдин узулиб,
Ўзлугимдин узмайин ҳаргиз топа олмон сани. ²

¹ Ўринбоев Б. Яссавий мактаби шоирларидан бири. //“Жомбой тонги”, Самарқанд, 2006, №32-сон.

² Валихўжаев Б., Ўринбоев Б. Худойдод Вали. Самарқанд, 1995, 20-бет.

Шайх Худойдод Вали ғазалларида зуллисонайнлик анъанасида учрайдиган ширу шакар санъатидан фойдаланиб, ўзбек тилида ёзилган ғазалларнинг мисраларида тожикча иборалар ҳам ўрин олганлигини қайд этадилар:

Кўп вафо топдим сенинг лутфингдин, эй шоҳи жаҳон,
Бевафолик мандин ўлди авф фармо жони жон.

Шайх шеърларида баъзиларида арабча иборалар ҳам қўлланилган:
“Фақру фахри” давлатин бердинг анга, бергил мангам.

Ҳазратнинг тожик тилидаги шеърлари ҳам ўзига хослиги, соддалиги ва форсий мумтоз адабиёт вакиллари асарларидан баҳраманд бўлганлигининг ёрқин кўриниши сифатида жилодорлиги билан кишини ўзига тортади:

Сўзи жон аз ҳад гузашту ҳасратам бисёр шуд,
Дарди дил аз ҳад буруну ҳам жигар афгор шуд,
Мо суйи Оллоҳ, эй ажаб, тар доманад дар мулки дил,
Хуш гар даҳ аз карам к-андар дилам ағёр шуд.
Эй Худойдод, ин худи аз сари худ авора соз,
То тавони чу замоне маҳраме он ёр шуд.

Яъни:

Жоннинг ёниши, кувиши ҳаддан ортиқ бўлди-ю, менинг ҳасратларим ҳам кўпайди: Кўнгил дарди ҳам ҳаддан ташқари кўп, жигарим эса лахта-лахта бўлди. Биз Оллоҳ йўлидамиз, шуниси ажабланарлики, қўнгил мулкида ҳали ҳам хириклар учраб туради. Шунинг учун сен Оллоҳ карам қилгинда, кўнгилни хириклардан покла-тоза қил. Эй Худойдод, сен “ман”ликни ўз бошингдан узоклаштир, шундагина сен ёр (Оллоҳ) нинг маҳрами бўла олишинг мумкин.¹

¹ Валихўжаев Б. Шайх Худойдод Вали. // “Мулокот”, 1998, 4- сон.

Шайх Худойдод Валининг шеъриятдаги фаолиятлари тўғрисида ўз даврининг мутафаккирларидан бири Ҳасанхожа Нисорий “Музаккирул-аҳбоб” (“Дўстлар ёдномаси”) асарида эслатиб ўтади. Жумладан, бу асарда шундай келтирилган: “Шайх Худойдод Вали гохида фикрига келган дурларни назм ипига терибдилар. Бу матлаъ уларнинг шариф мақолатларидандир. Матлаъ:

Ҳар банда, ки дар субҳ аз жон кашид оҳе,
Бикушод сўи Ҳақаш аз оҳ шоҳроҳе”.

Мазмуни:

Тонг маҳал жон дилидан оҳ чеккан ҳар бандада,
Ўша оҳ туфайли ўз Худоси томон катта йўл очади.

Шайх Худойдод Валининг бу матлаъсидан шу маъно англашиладики, ҳар киши ҳар тонг яхши, эзгу ишларни ният қилиб уйғонса, ул киши ҳақиқат йўлида катта қадам қўйган бўлар экан.¹

Шайх Худойдод Вали ижодиётига назар ташлар экансиз, уларда хикматлар ижодининг асосини ташкил этишини ва бунда Шайхнинг рухониятли пирлари Ҳожа Аҳмад Яссавий ҳамда Сулаймон Боқирғонийларнинг таъсири катта бўлганлигини кўрасиз. Шайх Худойдод Вали ўз ижодида халқни сабру қаноатга, ибодатга, меҳру муҳаббатга, дўстликка ва осойишталикка чақирган бўлса, хукмдорларни эса адолатга, шафқатга, тинчликка даъват этганлар. Шайх ўзларининг ижтимоий фаолиятларини ижодий фаолиятлари билан уйғунлаштириб, жамият манфаати учун унумли фойда келтиришга уриниб келганлар ва буни ўзлари амалга оширганлар.

Шайх Худойдод Валининг қўпгина ғазаллари ишқ мавзусида бўлса-да, аммо бу мавзунинг қирралари беҳисоб бўлиб, ишқ муносабати билан

¹ Қаранг: Ҳасанхожа Нисорий. Музаккир ул-аҳбоб. Т. 1993, 36-37- бетлар.

садоқат ва вафо, адолат ва одиллик ҳам куйланган ва айрим ҳолларда таъмин қилингандар:

Неча ким, таъриф этармен, бор сен моҳим тақи,
Ҳуснингиз оламни тутди, адл ила шоҳим тақи.

Худойдод Вали ишқ муаммосини ҳал қилишда руҳоният ва ижтимоийликни қўшиб, ҳар икки оламнинг ободлиги ишқ боисидандир, деган фикрга алоҳида эътибор қаратади.

Ҳазратнинг адабий мерослари таркибидаги шеърларининг баъзилари котиб Муҳаммад Ашур Нурмуҳаммад ўғли томонидан кўчирилган “Маноқиб”ларда, Ҳасанхожа Нисорийнинг “Музаккир ул-аҳбоб” асарида, “Боқирғон китоби”да, профессор А.К.Боровков асарларида, аллома Фитратнинг илмий мақолаларида таҳлил қилингандар. Ҳазратнинг барча шеърларини бир тўпламга киритиб, тўлалигича нашр қилиб, ўзбек адабиёти ва тили ривожига қўшган салмоқли ҳиссаларини баҳолаш ҳозирги долзарб масалалардан биридир.

Ҳазратнинг “Маноқиб”ларида келтирилган ана шундай сермазмун шеърларидан бирини эътиборингизга ҳавола қиласиз:

Қўймагил ҳаргиз бу савдо, ҳам бу савдо ишқида,
Қилмагил ҳоли кўнгулни, дардин асло ишқида.
Бўлмоғим ушбу жаҳонда не жиҳат эрди менга,
Икки олам ичра мен, бўлсан Ҳувайдо ишқида.
Мен азалдин ёр учун, туштум бу савдо йўлиға,
То абад бўлсан токи, Ҳайронд пайдо ишқида.
Эй Худойдод сирли дилни очмагил ҳар хироға,
Кўп риёзатлар керакдур, кўп фаноё ишқида.

Шайх Худойдоди Валининг адабий мероси Ҳазратнинг тариқат пешвоси бўлиши билан бир қаторда, бадиий ижод аҳилларидан бўлғанликларидан ҳам далолат беради. Шайх Худойдоди Вали шеърияти XV аср охири-XVI аср биринчи ярми адабий жараёнидаги услубий ранг-барангликни ўрганиш учун ҳизмат қила олади. Шайх Худойдоди Валининг илмий-адабий мерослари ва фаолиятлари кишиларнинг маънавиятларини бойитишга, комил инсонни шакллантиришга, маърифий ва диний қадриятларимизни тиклашга beminnat ҳизмат қилади.

3. Каромат кўрсатишига даҳлдорлик

Шайх Худодойдод Вали Соҳибкаромат инсон бўлиб, ғайб асрорларидан огоҳ ва хабардор бўлғанлар. Лекин буни жуда эҳтиёткорона ишлатиб, ўзларини камтариш тутганлар. Бу маълумотлар кўпгина тасаввуф аҳлининг мақоматларида келтирилган ҳамда мутахассис олимлар томонидан таъкидланган. Комил инсонларга хос бу хусусият Шайх Худодойдод Вали ҳазратларида ўта сезиларли бўлиб, нуфузли муршид, муридлари ва минглаб одамлар кўз олдиларида тез-тез юз берган. Шайх Худодойдод Валида бу хол Мухаммад Шайбонийхон, Абу Саъидхон, Маҳдуми Аъзам Ҳазратлари ва бошқалар билан бўлган учрашув ва муносабатлар чоғида аниқ каромат сифатида юз бергани кўпгина манбаларда таъкидланган.

“Ламаҳот” китобида келтирилишича, муҳлислардан бири бўлмиш Мавлоно Ошубийнинг отаси Шайх Худодойдод Валига шундай савол беради: “Устозингиз Шайх Жамолиддиндан кўп кароматлар содир бўлар эди, лекин негадир сиздан ҳеч бир каромат содир бўлғанлигини кўрмаётибмиз?!” Шунда Шайх Худодойдод Вали шундай жавоб берибдилар: “Сен ўзингни сўфилардан деб билсангда лекин ҳаром луқмани еб олдимга келгансан” У киши сўради: “Қанақа ҳаром нарсани еб келибман?” Ҳазрати Шайх дедилар: “Зикрдан сўнг уйинга бориб: “нон келтир!”- дединг. Хотининг нон пишириш учун ўтин йўқ деди. Сўнгра ўғлинг Ошубийга ғазаб қилиб, нега ўтин келтирмадинг, деб уни сўқдинг. Шундан сўнг Ошубий уйдан чиқиб, фалон

кишининг боғига эгасининг рухсатисиз кириб, бир банд ток ўтинини ўғирлаб, келтириб, тандирга солди. Сўнг хотининг нон пиширди. Сен эса ўша ўғирланган ўтиндан пишган нонни еб олдимга келдинг ва мендан каромат талаб қилаётисан”. Шайх Худодойдод Валининг бу кароматларини ул киши эшитиб, ниҳоятда таъсирланибди ва тезда уйига бориб, ўғли Ошубийдан сўраб-суриштиrsаки, воқеа Ҳазрати Шайх Худодойдод айтганларидек бўлган экан. Шунда ота-бала бир катта кўчкорни тухфа учун ниёзмандликка олишиб, Шайх Худойдоднинг ҳузурларига келишибди. Ўшанда Ҳазрати Шайхнинг муборак лафзларидан ушбу сўзлар жорий бўлган экан:

Агар каромат гўям, чинан микунанд,

Ва агар на кунем, чунан меғуянд.

Яъни:

Агар каромат қилсак, чунон(тухфа) келтирадилар,

Агар қилмасак, чунон гаплар тарқатадилар.¹

Бу воқеадан билинайтики, Шайх Ҳазратлари каромат илмини етук эгаллаган инсон бўлиб, у кишига кўп нарса олдиндан огоҳ бўлиб турган.

Муҳаммад Шариф ал-Хусайнининг “Ҳужжат уз-зокирин” тазкирасида нақл қилинишича: “Ҳазрати Қосим Шайх Худодойдод Валининг Ғазира мавзеъсидаги серфайз олампаноҳ ҳонақоҳларида хилватда ўтирганларида ул зот, яъни Ҳазрати Қосим Шайх муридларидан бўлган Самарқанд подшоси Муродалихон Абдулхайр Султон ул хилватда, дарвешлар хонасининг оби таҳоратига мутасадди бўлиб, барча фарзандлари, оға-инилари ходиму ҳашамлари билан яланг оёқ сув ташир эдилар. У хилватда Самарқанд аҳолисининг барча валийлари, Миёнқол вилояти ва Самарқанд ноҳиясининг улуғ кичиклари хозир эдилар. Хилватдан фориғ бўлгач хизматда турган

¹ Каранг: Каттаев К. Шайх Худойдод Вали тарихи. Самарқанд. 1995, 10-бет.

ўзбеклар хонақоҳдаги кишиларнинг сонини мингга яқин деб тахмин қилдилар. Бу иш маҳз икки бузуркиворнинг каромати эди”.¹

Ҳазрати Азизон Олим Шайхнинг “Ламаҳот” китобидан Мавлоно Мұхаммад номлик машойихдан шундай нақл келтирилади: “Биз зубдат ул-авлиё Ҳазрати Амир Ҳалил Майдонийнинг мажлисисда сабоқ олар әдик. Ўша мажлисда Ҳазрати Шайх Худойдод Вали хақида сўз бориб, баъзилар: - ул зот қутблиқ² даъвоси қилиб юрибдилар, - деб гапиришди. Шунда Амир Ҳалил деди: “Агар Шайх Худойдод билан учрашиб қолсам адабини бериб қўяр эдимки, ўзининг хамма даъволарини фаромуш қиласр эди”. Неча вақт ўтиб Амир Ҳалил Майдоний сайр учун Карманага борганида Шайх Худодойдоднинг манзилларига ташриф буюради. Мулоқотдан сўнг Шайх Худойдод Амир Ҳалилга унинг ўзи хақидаги айтган сўзларини эсига солади. Шул пайт Амирнинг томоғига бир нарса тиқилгани каби овоз чиқариб гапира олмай қолади. Шундан сўнг Шайх Худойдод ўз уйларига кириб кетадилар. Ўша мажлис аҳилларидан бири савол бериб, бу воқеаларнинг тафсилотини сўраганларида Амир Ҳалил шундай деган: “Шайх Худойдод хақиқатан ҳам Вали экан, хар вақтки мен ул зотга танбех бермоқ учун оғиз очганимда томоғимга бир нарса тиқилиб қолиб сўзимни айта олмасдим”. Шундан сўнг Шайх Худойдод Вали ўз хонадонларидан очиқ чеҳра билан чиқиб келадилар ва унга мурожаат қилиб: “Энди, гумонли ва инкорли ишларингизни кўнглингиздан чиқариб ташланг”³.

Манбаларда таъкидланишича, “баҳор кунларининг бирида Ҳазрати Мавлоно Ҳожагий(Маҳдуми Аъзам) зоҳирий илмларнинг таҳсили ва ботиний илмларни такомиллаштириш учун Ҳазрати Азизон билан суҳбат қуриш мақсадида барча ёронлари ва тобеълари билан Самарқанднинг Даҳбед мавзеъсидан чиқиб, асл ватанлари бўлмиш Аҳси томон сафар қилишни ихтиёр айлаб, Ғазирага Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод манзилларига яқин

¹ Салоҳий И, Облақулов А, Раззоқов С. Ботиний ва зоҳирий илмда аср ягонаси эрди.// “Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоди Вали-Яссавия тариқатининг машҳур намояндаси” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари (1997, 2 май). Самарқанд, 2000, 73- бет.

² “қутб”-“авлиёлар пешвоси” маъносида

³ Каттаев К. Шайх Худойдод Вали тарихи. Самарқанд. 1995, 11-бет

бўлган бир манзилга ташриф буюрдилар. Ҳазрат Азизон ул зотнинг зиёратгоҳлариға бориб, манзиллариға таклиф қиласидилар. Ҳазрати Мавлоно Хожаги “Бу ер анча кенг, маркаблар(от-улов) учун серўт жой экан,”-деб Ҳазрати Азизондан узр сўрадилар. Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод ул зотдан ажралиб, ўз манзиллари тамон йўл олдилар. Бориб заковатли, парҳезкор сўфиларга “Ҳазрат Мавлонони зорлику-зўрлик билан уйимизга келтиурмиз. Тезда хонақоҳ, таҳоратхона ва бошқа жойларни супуриб тозаланглар”.-деб хизматга буюрдилар. Кеч кириши билан қаттиқ ёмғир ёғиб, Мавлоно Хожагийнинг ўтовларидан ўта бошлади. Ҳазрат Эшон айтдилар: “Мавлоно Худойдод бизнинг бу ерда туришимизга қўймай, зўрлик билан уйига олиб кетмоқчидурлар”.- деб барча асҳобалари билан Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод манзиллариға қўчиб ўтдилар. Ҳазрат уларга меҳмондорлик қилиб, эртаси куни намози бомдодни ўқиганларидан сўнг илоҳий маърифатга машғул бўлдилар. Шу мажлисда Ҳазрати Азизондан олий, жозибали сўзлар зоҳир бўлади. Ҳазрати Мавлоно унинг сўзлариға эҳтиром билан қулоқ солдилар. Сўнгра бу икки Азиз бир-бирларидан ажралдилар”¹.

Ҳазратнинг мақомотларда келтирилишича айрим мушкулотларни ҳал қилишда ўша давр уламоларининг улуғлари Шайх Худойдодга мурожаат қилишиб, bemорлар ўзларига ул зотнинг маънавий шифохонасидан шифои комил хосил қилишар эди. Ҳазрати иршод мартабат, ҳидоят манзалат, катта ва кичиклар маржиъи, Хожагонлар улуғи Ҳазрати Хожа Калон Жуйборий² айтур эдиларки: “Менда тариқатда Оллоҳнинг ваҳдонияти хақиқати бобида мушкулот туғилди. Бу мушкилотни ечишда ожизлик қилдим. Қаерда бир азиз авозасини эшитсан хузурига югуриб дардимга даво истадим, ногоҳ қулогимга ғайбдан товуш эшитилдики, айтур эди: “Эй маҳзун толиб, Самарқанд тарафидан фалон дарвоза томон бир азиз келаётир, уни топгин, мушкилотларинг ечими унинг қўлидадир. Бу оғир юкни сендан ул зот

¹ Салоҳий И, Облақулов А, Раззоков С. Ботиний ва зоҳирий илмда аср ягонаси эрди.// “Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоди Вали-Яссавия тариқатининг машхур намояндаси” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари(1997, 2 май). Самарқанд, 2000, 75- бет.

² Асл исмлари Хўжа Саъд, Калон (Катта) таҳаллуси ул зотга Маҳдуми Аъзам Хўжа Косоний тамонидан берилган. Қаранг:Хусайн ас-Сарахсий. Маноқиби Саъдийа. Бухоро, 2002, 16-бет.

кўттарур. Бечораларча Самарқанд дарвозаси томон йўл олдим. Дарвозадан чиқиб, Бухородан узоқлиги бир фарсахи шаръи бўлган Санги Сабз мавзеъига югурдим, бориб етганим замон Ҳазрати Қутб-ул-Оқтоб ва-л-автод Азизон Шайх Худойдод эшакка миниб, бир жамоат пиёда сўфилар билан кириб келдилар. Ўшал он югуриб олдиларига чиқиб, икки зониларини ўпиб, тақсир дебон тавозеъ бирлан адаб сақлаб турдим. Кўришиб бўлгач муроду мақсадимни арз қилдим. Ҳазрати Эшоннинг мулозаматларида ҳар бир қадам қўйганим сари мушкилотларим ечилиб кетаверди. Дарвозага етиб борганимда барча мушкилотларим ҳал бўлди, қалбим қувончга, нурга тўлди.

Жамоли ту жавоби ҳар савол,
Мушкул аз ту халиуд бе қилу қол.

Яъни:

Сенинг жамолинг ҳар бир саволга жавобдур,
Барча мушкул сен томондан ечилур сўзсиз.”¹

Мана шу воқеадан сўнг Хожа Калонга қанақа мушкилотлар туғилса, Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоддан маънавий қўмак, куч олиб, мушкиллари осон бўлар эканлар.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибидики, Ҳазрат Шайх Худойдоднинг тасаввуфдаги нақшбандия тариқати намояндалари бўлмиш Жўйбор шайхлари билан ҳам мустахкам, дўстона муносабатда, бир-бирларига нисбатан самимий бўлганликларини кўришимиз мумкин. Жўйбор шайхларидан Хўжа Ислом Жўйборий ва Ҳазрат Худойдод ўртасидаги мана шундай мулоқотлар тўғрисида Хусайнин ас-Сарахсийнинг “Маноқиби Саъдийа” рисоласида ҳам айтиб ўтилади: “...бир куни Хўжа Ислом Ҳазрат

¹ Салоҳий И, Облақулов А, Раззоқов С. Ботиний ва зоҳирий илмда аср ягонаси эрди. // “Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоди Вали-Яссавия тариқатининг машҳур намоёндаси” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари (1997, 2 май). Самарқанд, 2000, 80- бет.

Шайх Худойдод мажлислариға бордилар. Шунда Шайх Худойдод Онҳазратни ўз тиззалариға ўтқазиб, аҳли мажлисни ҳаяжонга солувчи ҳақоиқ ва маорифдан сўзладилар. Шайх муридларининг ҳаяжони(зикр) тугаб ўз ҳолатлариға келгач Шайх Худойдод дедилар: “Бу қарам ва ҳаяжон шариф Ҳазрат хўжазода (Хўжа Ислом) учун эди”. Ва қўйидаги байтни ўқидилар:

Эй баҳти ту хушки, вақти моҳуш карди.

Наққош буди, хона мунаққаш карди.

Яъни:

Сенинг баҳтинг хушки вақтимизни хуш этдинг.

Наққош экансан, хонамизни безатдинг”.¹

Умуман олганда, Азизон Шайх Худойдод умрлари давомида ислом тасаввуфчилигининг яссавия-жаҳрия-султония тариқатини ривожлантириб, янада мустаҳкамлаш йўлида чексиз фаолият кўрсатиб, ўз меҳнати билан кун кўриб, ҳалол, пок имон ва кучли эътиқод билан ҳаёт кечирган ўз шогирдлари ва сұхбатдошларини, жамики мўмину-мусулмонларни ана шу ғояга муносиб бўлишга чақирган. У улуғ зотнинг бу фаолияти ҳозирги авлодлар, айниқса, ёшларга намуна бўлади.

4.Шайх Худойдод Вали ва замона ҳукмдорлари

Тасаввуф тариқатларидан яссавия, нақшбандия ва кубровия шайхларининг темурий мирзолардан бошлаб, айниқса, шайбоний султонлар ўзларига пир-устоз тутиб, уларнинг маслаҳатларисиз катта бир давлат тартибини сақлашни амалга оширганлар. Давлатда уларнинг мавқеъи, обрў-эътиборининг кучлилиги собиқ шўролар даври адабиётларида ўзбек давлатчилиги “шарқ диспотияси”, “мутлақ монархия” шаклидаги давлатлар эди, деган фикрларнинг умуман ғайри илмий эканлигини кўрсатади.

Маълумки, Ўзбек давлатчилиги тарихида дин арбоблари, айниқса, XIV асрнинг 2-ярмидан бошлаб нақшбандия тасаввуф хожалари кўпгина холларда давлат бошлиқларининг пири, муршиidlари бўлиб, уларга давлатни бошқарув

¹ Ҳусайн ас-Сарахсий. Маноқиби Саъдийа. Бухоро, 2002. 9-бет.

ишларида маслаҳатлар берганлар, тож-тахт талашиб ўзаро курашаётган султонлар орасида элчилик қилиб, уларни яраштириш, маслаҳатлар бериш, мамлакатни одилона бошқаришга унданганлар. Улар давлатни шариат аҳкомлари асосида бошқариш учун назарий асослар яратиб, китоб ва рисолалар ёзиб тақдим қилғанлар. Бу эса мамлакатда тинчлик ўрнатиши, ўзаро қаршилик муносабатларига барҳам беришда мухим ўрин эгаллаган.

Ана шундай диний арбоблардан бири шайбоний ҳукмдорлардан-Мұхаммад Шайбонийхон ва Убайдуллахонлар ўзларига пир тутиб катта ихлос қўйган тасаввуф арбоби, яссавия тариқатининг XVI асрдаги давомчиси Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Вали эдилар. Бу киши ҳам мамлакат подшоларининг тахтга ўтиришларида ва давлат бошқаришларида дин пешвоси сифатида иштироклари билан мухим ўрин эгаллаганлар.

Халқ орасида катта шухрат ва эътибор қозонган тасаввуф арбоби Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Валининг нуфузи ўз замонасидаги кўпгина ҳукмдорларнинг наздида ҳам жуда баланд бўлган. Жумладан, Мұхаммад Шайбонийхон, Мирзо Бобур, Абу Саъидхон, Убайдуллахон ва бошка ҳукмдорлар Ҳазратни ўзларига пир билишиб, катта ихлос қўйишганлар. Шайх Худойдод Валининг замона ҳукмдорларига муносабатлари Ҳазрати пайғамбар (с.а.в.) хадиси шарифларига асосланиб, фақатгина халқнинг осойишталиги ва фаровонлиги учун қаратилган. Бу борада Ҳазратнинг ҳаёти йўллари ва фаолиятлари билан боғлиқ ноёб манбаларда мухим тарихий воқеалар келтирилади. Хусусан, Мовароуннаҳр ҳукмдори бўлган Мұхаммад Шайбонийхон ҳам Шайх Худойдод Валига эътиқод қилиб, ул зотни ўз хузурларига даъват этади. Аммо Ҳазрат бу даъватни эътиборсиз қолдиради. Бу воқеани Ҳазратнинг ўзи шундай ҳикоя қиласи: “Устоз ва пиrim Шайх Жамолиддин Хурросонга, Хиротга кетганидан сўнг Мұхаммад Шайбонийхон мен билан ошночилик қилиш мақсадида бир неча бор уриниб кўрди. Аммо унга яқинлашмасдим, кўриниш ҳам бермасдим. Зоро, Пайғамбар алайхиссалом шундай деганлар: “Фақирларга зиёрат қилгувчи амир энг яхши инсондир, мол дунё мақсадида амирларга зиёрат қилгувчи фақир эса энг

ёмон одамдир”. Шундан кейин Мұхаммад Шайбонийхон ўзи бир юриши асносида Шайх Худойдод Вали яшайдиган хонақохга келиб қўнади ва Ҳазратни яна таклиф қиласди. Бу ҳақда шундай дейди: “Мұхаммад Шайбонийхон таклифини ноилождан қабул қилиб, ҳузурига йўл олдим. Ҳашаматли қароргоҳи, сипоҳийлари дабдабаси кўзимга самон чўпидек бўлиб ҳам кўринмади.”¹

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, оддий ҳалқ орасида жуда катта шухрат қозонган тасаввуф арбоби Шайх Худойдод Вали ўз замонасида кўпгина хукмдорлар назарига тушиб қолган эди. Подшолар қўпинча ул зотнинг ўсиб бораётган нуфузидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлардилар. Лекин Шайх Худойдод Вали ўз таъсирини фақатгина ҳалқ осойишталиги, фаровонлиги йўлида сарфлар эди. У киши хеч қачон хукмдорлар ҳузурига ўз фойдасини кўзлаб бормаган. Мұхаммад Шариф ал-Хусайнининг “Хужжат ул-зокири” тазкирасида Шайх Худойдод Вали ва Мовароуннаҳр хукмдорларидан Мұхаммад Шайбонийхон ўртасидаги муносабатлар тўғрисида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирилган. Масалан: “Билгилки, эй толиб Ҳазрати Азизон Жамолиддин Бухорога ташриф буюрадилар. Шоҳбекхон(Шайбонийхон) Шайх Азизоннинг муриди бўлиб, ўша пайтларда Амир Абдулали тархон Бухоро ва Самарқанд вилоятларининг хокими эди. Бир куни Шоҳбекхоннинг хотирига кўрагоний мирзоларнинг вафот топишлари(хукмронликдан кетиши)тушди. У Амир Абдулали подшоҳ эмас, нега мен подшоҳ бўлолмайман. Ахир мен подшоҳзода-ку!- деб ҳаёл қилди. Ана шу ҳаёллар билан Ҳазрати Азизон Жамолиддиннинг олдиларига келди. Шунда Ҳазрат: “Шоҳбек! сенинг ҳаёлингдан Абдулали шаъран хукмронликдан четланиши туфайли менга ҳеч ким тўсиқ бўлолмайди, мен подшоҳ бўламан, деган гаплар ўтаяпти. (Бу хил ҳаёллар билан) энди менинг олдимга келма.”-дедилар. Шунда Шоҳбекхон Эшоннинг менга хомий бўлаоладиган бошқа пири дастгири йўқми, деб ранжиди. Шоҳбекхон кейин Шайх Зайниддин Ҳавофийнинг муриди Шайх Мансур хизматига келди.

¹ Иноятов С. Ҳайитова О. Кармана тарих кўзгусида. Т. “Шарқ”. 2006, 155-бет.

Унинг маслаҳати билан барча ўзбекларни йигиб, Туркистонга борди. У ерда Султон ул-орифин Хожа Аҳмад Яссавийнинг муборак мозорларидан башорат топиб, ул зотдан иноят бўлиб, Тошкент томонга йўл олди ва Тошкентни фатҳ этди... Шоҳбекхон Бухорога келиб Ҳазрат Азизон Жамолиддининг ўғилларини ул зотнинг муборак кўзлари олдида нарвонга боғлаб азоб беришга амр қилдики, бундан мақсади Ҳазрат Азизонга озор етказиш эди. Ахвол шунга етгач Ҳазрат Худойдод : “Агар рухсат берсангиз таважжух қиласликки, Шоҳбекхон ўз лашкарлари билан нест-нобуд бўлсин.” -деб устози Шайх Жамолиддинга мурожаат қилди. Ҳазрат Жамолиддин : “Гарчанд султони тариқат ва бурхони ҳақиқат Хожа Аҳмад Яссавий унинг подшоҳ бўлишига тарафдор эканлар, унинг нобуд бўлишини тиламоқлик беадабликдир,” –дедилар¹.

Ана шундай воқеалардан бири Олим Шайхнинг “Ламаҳот” китобида ҳам келтирилади: “Амир Набира номи билан машхур бўлган Амир Сунатилло исмлик киши нақл қилибдурким, Шоҳбекхон (Шайбонийхон) нинг 1510 йилда шаҳид бўлганидан сўнг, жамии ўзбек султонлари Мовароуннаҳрни ташлаб, Даشتி Қипчоққа қочадилар. Хокимиятни эса темурийзода Бобур Мирзо эгаллаб олади. Бир неча муддат ўтгач, Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Вали ўз саҳобаларидан бири – Ориф Сўфига хитоб қилиб дейдилар; “Ориф сенга ўзбекин керакму?” Ориф тавозе ила сукут сақлади. Шунда Ҳазрат Шайх: “яна ўзбек подшоҳ бўлғусидир”. Шундан сўнг, Убайдуллахон ибн Маҳмуд султон 1512 йил баҳорида лашкар тортиб, Даشتи Қипчоқдан келади. Қачонким, Убайдуллахоннинг келаётган хабари Бобур Мирзога етгач, у амирлардан бирини Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Валига юбориб, фотиҳа беришни ва тарафдори бўлишни сўради. Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод фотиҳа ўқигач, айтадилар: “Ҳар ким мусулмонроқ бўлса, ўша подшоҳ бўлғусидир”. (Ўша замон пиру муршидларининг Бобур Мирзога қарши чиқишлирага сабаб, Мовароуннаҳр аҳлига кўп жабрлар

¹ Салоҳий И., Облақулов А., Рассоқов С. Ботиний ва зоҳирий илмда аср ягонаси эрди. // “Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоди Вали-Яссавия тариқатининг машхур намояндаси” мавзусидаги илмий-амалий анҷуман материаллари (1997, 2 май). Самарқанд, 2000, 62-63- бетлар.

етказган қизилбошлилар билан Бобур келишган холда ўзбек шайбоний султонларига қарши уруш олиб борган эди). Бу сўз Бобур Мирзога етгач, ул подшоҳи ҳақгўй буни эътироф эътиб шундай деган экан: “Ҳақиқатан, Убайдуллахоннинг мусулмонлиги биздан ортиқроқдир.” Бобурнинг бу эътирофига сабаб, юкорида айтганимиздек у Мовароуннаҳрни қизилбошлар ёрдамида босиб олиб, бироз бўлса ҳам сунний Имоми Аъзам мазҳабига зид ишларни билиб-бilmай қилиб қўйган эди. Шайбоний Убайдуллахон эса ўз вақтида қасам ичиб: “агарда Мовароуннаҳрни қайтариб эгаллаб олсан, кейин бир умр диндор хукмдор бўлиб қоламан”,- деб ваъда берган эди.

Бу воқеалар албатта, Шайх Худойдод Вали каби тасаввуф арбобларини Бобур Мирзодан йироқлаштириб, Шайбоний султонларига яқинлаштириди.¹

Шайбоний Убайдуллахоннинг кейинчалик Яссавий шайхлари билан қаттиқ боғланганлигини ёзуви Фитрат ҳам “Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар” номли мақоласида эслатиб ўтади. Унда жумладан: “Убайдуллахоннинг Яссавийлар билан қаттиқ боғланганига яна бир далил, Убайдуллахон яссавий шайхи, Худойдоднинг муриди Муҳаммадёр Нўғай отага ўз қизини бергандир”². (Нўғай ота 1533 йилда вафот этиб, Самарқанднинг Сўғд деган мавзеъида қўмилган).

Манбаларда келтирилишича, подшолар Шайх Худойдодни саройига таклиф этганларида иштиёқсизлик билан боргандари, тухфалар берганларида қабул қилмаганликлари ҳақида жуда кўп ривоятлар мавжуд. Тарихчи олим Комилхон Каттаев шундай воқеалардан бирини “Ламаҳати” китобидан таржима қилиб чоп эттирганки, бу ҳол бугунги кунимиз учун ҳам қўпчилик ибрат олса арзийдиган ҳолдир. Шунинг учун ҳам биз ибратомуз лавҳани тўлиқроқ беришга ҳаракат қилдик. “Ламаҳот” асарининг муаллифи Олим Шайх Азизонинг пиру устози бўлган Пирим Шайх Азизон ўз отаси Қамбар Шайх номидан ушбу нақлни келтиради: “Қачонким, Шайх Самарқандга келганида ўша замон подшоси Абу Саъидхоннинг саройига ташриф буюради. Ўшанда Абу Саъидхоннинг икки тиззасига оғриқ пайдо бўлиб юролмай ётган экан. У Қамбар Шайхга арз қилиб, неча табобатлар кор қилмагани ва энди биргина умиди Шайх Худойдоддан эканини айтади. Бу ҳабарни Шайх Худойдодга еткизганларида дарҳол Самарқандга етиб келади ва Абу Саъидхонга бутун шаҳар аҳлига ош беришни маслаҳат беради. Шундан сўнг Шайх Худойдод Вали бутун шаҳар аҳли билан биргалиқда Абу Саъидхонга дуои хайр қилади ва ўшал онда Абу Саъидхоннинг оёғи сиҳат топиб юриб кетади. Байт:

Мо табионем шогирдони Ҳақ ,

Ишқи маоз ў гирад сабақ .

¹ Каттаев К. Худойдоди Вали тарихи. Самарқанд, 1995, 30-бет.

² Дўсткораев Б. Яссавий ким эди. Т.: А. Қодирий номидаги ҳалқ меъроси нашриёти, 1994, 37-бет.

Яъни:

Биз Ҳақ таолонинг шогирд-табибларимиз ,

Ишқимиз унинг ишқидан сабоқ олади.

Абу Саъидхон хурсандчилигидан Шайхга катта инъомлар ниёз қилса-да, лекин Шайх Худойдод Вали уларни олмай, шахар аҳлига тақсимлаб беришни буюради”. Сўнгра шаҳарда жойлашган ўзларининг хонақоҳларига бориб, ходимга дейдилар: “менинг қорним оч қолди, бироз егулик олиб кел”. Ходим айтади: “Подшоҳнинг зиёфатидан озроқ егулик олиб келган эдим”. Буни эшитган Шайх Худойдоди Вали ғазаб билан айтади: “Менинг озиқланишим Абу Саъиднинг пулига қараб қолган эмас ва мен подшоҳлар пулидан рўзгор ўтказмайман; ўчоқдаги қозонга сув қуиб, оловни ёқ, бу ёғи бир гап бўлар”. Шу вақтда бир киши бир қуйни етаклаб келиб тўхфа қилади. Ўша қўйни сўйиб, хонақоҳ аҳлига зиёфат беришади. “Ламаҳот” асарида бу келтиришлар тасаввуф моҳиятининг баъзи қирраларини тушунтиришда чукур маъно касб этади. Зероким, тасаввуф таълимоти арбоблари нарзи-ниёз олишни ўзларига эп кўрмай, фақатгина тўхфалар олишган ҳамда луқмаларини ҳалол тутиб Ҳақга етишишган. Чунонким, бу ақида Ҳазрати пайғамбар(с)дан қолган удум бўлиб, накл қилишларича, бир киши Ҳазрати пайғамбар(с)га бир коса таом нарзу ниёз қилганида ул зот ўзлари ҳам емаган ва набираларига ҳам едирмаганлар. Қачонким, ўша киши косани қайтариб олиб кетиб, бошқа косада бошқа таомни келтириб: “бу тўхфадир” деб берганларида Ҳазрати пайғамбар(с) уни “бисмилло” деб набиралари ила танаввул қилган эканлар. Тасаввуф арбобларининг нарзу-ниёз олмай, уни халққа тарқатишлари пайғамбар(с) қоидаларига, ҳадисларига амал қилиниши туфайлидир.¹

Шу тариқа замона хукмдорларининг таклифларини ноиложликдан қабул қилиб, уларнинг ҳузурига ошиқиши ўзига эп билмаган машҳур тасаввуф алломаси Шайх Худойдод Вали бутун борлиги билан меҳнаткаш ҳалқ манфаати йўлида,adolat, поклик ва ҳалоллик учун курашиб келган.

Худо ёрлақаган жавонмард инсонларнинг бундай жасоратли бўлганликлари тарихдан маълум. Ҳадис илмининг сultonи И мом ал-Бухорий Бухоро амири Холид ибн Аҳмад аз-Зухарийнинг саройга келиб фарзандларимга дарс беринг, деган таклиф-фармонига рози бўлмаганлиги, Машрабнинг Балҳ подшоси Маҳмуд Қатағоннинг илтижо қилишига қарамай, унинг таҳтига биргина ўтириб туришини кескин рад этгани; Паҳлавон Маҳмуднинг Хинд рожаси илтифоти эвазига асиrlарни озод этишни сўраганлари кабилар бунинг исботи бўлиб, тарихий ҳақиқатдир. Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Вали ҳам феъл-атворлари ва амаллари билан ана шундай силсилага мансуб зот эканликлари тарих сахифаларида зарҳал ҳарфлар билан ёзилган. Қолаверса,

¹ Қаранг: Каттаев К. Худойдоди Вали тарихи. Самарқанд, 1995, 32-бет.

Бухоро хони уюштирган сайилга қатнашиб, қатор паҳлавонларни курашда енгиб, хондан мукофот эвазига халқقا зулм ўтказаётган Қарноб бегини бўшатишни талаб қилғанлиги у кишини жасоратли инсон бўлғанлигининг яна бир исботидир.

5.Шайх Худойдод Валининг авлодлари шажараси

Шайх Худойдод Вали тўғрисида турли манбаларда турлича маълумотлар келтирилади. Бу маълумотларда Ҳазратнинг Ғазирадаги ва бошқа жойлардаги авлодлари қайси фарзандидан эканлиги талқини ҳам турлича келтирилади. Бу манбалар сирасига “Ламаҳот”, “Ҳужжат уззокирин”, “Маноқиби Шайх Худойдод Вали”, “Тухфат ул-зоирин”, “Самария” асарларини киритишимиз мумкин. Шунингдек, Ҳазратнинг қабристонидаги қабртош ёзувларда ҳам у кишининг фарзандлари, насаб шажаралари ҳақида маълумотлар келтирилган. Бу манбалар ва қабртош ёзувларини тадқиқ қилиб ўрганишда у кишининг авлодлари ҳисобланмиш олимлардан С.Раззоқов, К.Каттаевларнинг хизматлари бекиёсdir.

Ҳазрат Худойдоднинг насаб-шажараси ҳақидаги маълумотларни тадқиқ қиласар экан, К.Каттаев жумладан , шундай фикрларни айтиб ўтади: “Биз асосан Ҳазратнинг насаб шажараси ҳақидаги маълумотларни Олим Шайхнинг “Ламаҳот” асаридан олдик. Негаки, унинг муаллифи Жаҳрия тариқатининг ўз замонасидаги муршиди бўлғанлиги билан бир қаторда, даврининг руҳониятли пирларидан ҳисобланган. Шайх Худойдод Вали фарзандларининг тарихини яхши билган. Бунинг устига у Самарқанд мадрасаларида дарс берган олиму фозил кишилардан бири ҳам эди.Шунинг учун ҳам унинг ёзишмалари ва Ғазира қабристонидаги қабр тошларида ёзилган насабномалар Шайх Худойдод Валининг авлод нисбатини келтиришда энг саҳиҳ манба деб топилди”.¹

¹ Каттаев К. Ҳазрат Азизон Шайх Худойдод Вали авлодларининг насаб шажараси хусусида.// “Ҳазрат Азизон Шайх Худойдод Вали-Яссавия тариқатининг машхур намояндаси” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари (1997, 2 май).Самарқанд, 2000, 92-бет.

Ҳазрат Олим Шайх келтирган маълумотларнинг ишончли эканлигининг яна бир исботи шуки, у Шайх Худойдод Валига қариндошлик иплари билан ҳам боғланган эди. Шу жиҳатдан ҳам “Ламаҳот” асаридаги маълумотлар аниқ ва ишончли деб айта оламиз.

Ушбу асарда Олим Шайхнинг ўз сўзларига қараганда, у Шайх Худойдоднинг набираларига уйланган, лекин унинг бу хотинларидан фарзанд қолган ёки қолмаганлигини аниқлай олмадик¹

Хуллас, Олим Шайхнинг бу асарида Шайх Худойдод Вали авлодлари тўғрисидаги маълумотларга қўра, Ҳазратнинг тўрт фарзандлари- уч қиз ва бир угиллари бўлган. Уларнинг номларини қўйида бирма-бир келтирамиз:

1. Солеҳ- Шайх Худойдод Валининг ягона ўғил фарзанди бўлиб, ўн олти ёшга етгач, уйлантириб қўядилар. Орадан кўп вақт ўтмай у вафот этади.
2. Солиҳа Биби – бу фарзанд Шайх Худойдод Валининг тўнғич фарзандлари бўлиб, унинг бир қизчаси ҳам бўлган ва у ёшлигида вафот этади. Қизчанинг онаси Солиҳа Биби эса Шайх Худойдоднинг ҳаётлик вақтларида вафот этади ва ундан ҳам фарзанд боқий қолмаган.
3. Биби Ҳадия – ушбу қизлари сайидлардан бўлган Амир Тақиддинга никоҳланган. Нисбати маънавиятда Амир Тақиддин ўз бобоси Амир Шамсуддин ибн Амир Иброҳим иродатида бўлиб, унга қўл берган эди. У эса ўз навбатида машҳур шайх Разиддин Алининг муриди эди. Ушбу ҳужжатда ёзилишича, Амир Шамсуддин Темурий ҳукмдорлар Шоҳруҳ Мирзо ва Улугбек замонларида улар таклифлари билан аввал Мадинадан Хурносонга, сўнгра эса Самарқандга келиб, подшоларнинг ҳурматига сазовор бўлган. Биби Ҳадия ҳам манбаларда келтирилишича, Шайх Худойдод Валининг ҳаётлик вақтларида вафот этган. Аммо ундан уч ўғил қолган бўлиб, улар-Хожа Абдулбосит, Хожа Калон ва Хожа Хурдлардир. Хожа Калон ва Хожа Хурдлардан зурриёд қолмаган. Бу ҳақда “Ламаҳот” асарида ҳам келтирилади. Лекин Хожа Абдулбоситдан зурриёд қолган бўлиб, хозирги Ғазирадаги Шайх

¹ Ҳасанов Н., Султонов У. Муҳаммад Олим Сиддиқий ва унинг “Ламаҳот” асари ҳақида.// “Имом ал-Бухорий”, Т.2006, № 3-сон.

Худойдод Валининг авлодлари айнан ушбу Биби Ҳадиянинг Хожа Абдулбосит деб аталган ўғлидан тарқалгандирлар. Буни тасдиқловчи далиллар Шайх Худойдод Вали даҳмалари устидаги қабртошда ёзилган “Насабнома”да ҳам, “Ламаҳот”да ҳам келтирилади. Жумладан, “Ламаҳот”да ёритилишича: “...ўттиз ёшида вафот этган Ҳазрат Хожа Абдулбосит Азизон Қосим Шайхнинг шогирдлари эди”,¹

4. Биби Маҳзуна – “Ламаҳот” китобида Биби Маҳзума деб аталган бу қиз Шайх Худойдод Валининг кенжаси, энг суюкли фарзанди бўлиб, Амиршоҳ номли кишига никоҳлаб берилган. Амиршоҳ Ҳожагон тариқатининг машҳур пирларидан бўлган Амир Сайд Кулолнинг ҳалифалари Амирдош авлодидан бўлиб, у ҳам сайидлардан ҳисобланган. Биби Маҳзунадан фарзанд ва набиралар қолган бўлиб, улар Амир Санъатилло, Хожа Абдуррашид ва Амир Баҳовуддинлар эдилар. Лекин бу фарзандлардан авлод қолганлигини аниқлай олмадик.

Ҳазрат Шайх Худойдод Валининг юқорида номлари келтирилган фарзандларидан битта Солеҳ исмли угилларининг вафот этишлари ҳақида бизга бир ривоятни Ҳазрат Азизоннинг Ғазирадаги ҳозирги авлодларидан, Ҳазратнинг номлари билан аталувчи жомеъ масжидининг имом хатиби Элёрхон ака Норхўжаев сўзлаб берган эди. Унга кўра; “Ҳазрат ўғли Солеҳни 16 ёшга тулгач ўйлантириб кўядилар. Кунлардан бир кун Ҳазратнинг хотинлари “Овқат пиширишга ўтин йўқ, Солеҳга айтсам у парво қилмай кўчада ёш болалар билан сирпанчик ўйнаб юрибди”-дейди. Шунда Ҳазратнинг оғизларидан беҳосдан “гарданад башиканад, яъни ҳали ҳам болалик қилиб юрган бўлса, боши билан йиқилиб ўлсин” деган сўз чиқиб кетган экан ва шу ондаёқ ўғли Солеҳ ўйнаб юрган жойида музга боши билан йиқилиб, бўйни синиб вафот этган”. Шу сабабли ҳам Шайх Худойдод Валида угил фарзанд боқий қолмаган экан.²

¹ Каттаев К. Ҳазрат Азизон Шайх Худойдод Вали авлодларининг насаб шажараси хусусида.// “Ҳазрат Азизон Шайх Худойдод Вали-Яссавия тариқатининг машҳур намояндаси” мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари (1997, 2 май). Самарканд, 2000. 94-бет.

² Ушбу ривоятни биз Ҳазратнинг Ғазирадаги авлодларидан бири Э. Норхўжаевдан ёзиб олдик. 2006 йил, декабрь.

Шайх Худойдод Валининг аксарият авлодлари тариқат йўлидан борган кишилар бўлиб, айниқса уларнинг иккитаси қадимий манбаларда алоҳида боблар билан зикр этилган машҳур зотлар эдилар. Булар орасида Мусоҳожа Шайхулислом ва Абдулҳайхожа судурларҳам эслатилади. Абдулҳайхожа судур тўғрисида Абу Тоҳирхожанинг “Самария” асарида маълумотлар келтирилган. Абдулҳайхожа судур ўз даврида Ғазирадаги авлодининг пешвоси, бошқарувчиси ва раҳнамоси бўлган. У кишининг қабртош ёзувлари топилиб, олимларимиз томонидан тадқиқ этилган. Бу қабртош ёзувларда келтирилишича, Абдулҳайхожа судурнинг вафоти хижрий 1256, милодий 1839 йил санаси айтилади. “Самария”да эса Абдулҳайхожа судур хижрий 1232, милодий 1815 йили Шайх Худойдод Вали мозори устига олий хонақоҳ қурдиргани эслатилади. Демак, Абдулҳайхожа судур ҳам узоқ умр кўрган бўлиб, олий хонақоҳ қургандан сўнг яна 25 йил яшаган.

Ҳазрат Азизон Шайх Худойдод Валининг яна бир машҳур авлодларидан Ҳазрати Ҳалифа Мусахожаи шайхулислом булиб, бу зот ҳақида Носириддин Ҳусайнин ал-Бухорийнинг “Тухфат уз-зоирин” асарида алоҳида боб ажратилган.

Мусахожа асли Нур қалъси яқинидаги Саримеҳда туғилган. У ўша давр Мовароуннаҳр Нақшбандия тариқати муршиди Эшони Пири дастиги Даҳбедий (даҳбедлик қўл оловчи пир) лақабли Муҳаммад Аминга пир тушади. Мусоҳожанинг юксак ном ва ҳизматларини инобатта олган Бухоро амири уни Бухоро давлатининг шайхулисломи этиб тайинлайди. Лекин Мусоҳожа бу лавозимда бир ойгина ишлагач, вафот этади ва шаҳар ичидаги Мавлоно Шариф Жорий мозори ёнидаги тепачада кўмилади.¹

Шайх Худойдод Валининг машҳур авлодлари шажарасини бугунги кунда чуқур ўрганиб, таҳлил қилаётган, Ҳазратнинг номларини абадийлаштиришда катта ижобий ишларни амалга ошираётган, Ҳазратнинг ҳозирги кундаги муносиб авлодларидан, техника фанлари доктори,

¹ Катаев К. Шайх Худойдод Вали тарихи. Самарқанд, 1995, 38-бет.

профессор Сайдмақсұд Рассоқов билан ва юқорида номлари тилга олинган Шайх Худойодд Вали номли жомеъ масжидининг бош имом ҳатиби, Элёрхон Норхўжаевлар билан учрашиб, сұхбатлашиб, Ҳазрат ҳақида янги маълумотларни олдик ва Ҳазрат Шайх Худойодд Вали тарихининг очилмаган қирраларини чуқурроқ ўрганишга жазм этдик.

III Боб. Шайх Худойдод Валига авлодлар эҳтироми

1. Ҳазрат Худойдод Валининг Ғазирадаги хонақо ва мақбараси

Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Валининг муборак мақбараси Самарқанд шаҳридан икки тошлиқ масофада жойлашган тарихий Шероз тумани, ҳозирги Жомбой туманининг Ғазира мавзеъсидаги хонақоҳ мажмуасида жойлашган. Ушбу хонақоҳ маҳаллий халқ тилида “Янги хонақоҳ” номи билан ҳам аталиб келинади. Бу хонақоҳда илму толиблар, зиёратчилар ва хизматчиларга мўлжалланган мактаб, мадраса, болаҳонали хужралар, масjid, меҳмонхона, тахоратхона ва бошқа хил бинолар ҳамда атрофларида безатилган боғу-роғлар бўлиб, бугунги кунда Ҳазрат Азизоннинг мақбаралари, масжидлари янгидан қайта тикланган.

Биз 2006 йил декабр ойида Ҳазратнинг мозорларини зиёрат қилас эканмиз, бугунги кунда бу жой ҳақиқатан обод қилиниб, ажойиб зиёратгоҳга айланганлигининг, зиёратчиларнинг кети узилмай бу ерга ташриф буюришларининг гувоҳи бўлган эдик. Ҳазрат Худойдоднинг масжид-хонақоҳларига кирав эканмиз, ёғочдан халқ амалий санъати билан жимжимадор қилиб безатилган икки табақали катта дарвоза, ундан кирилгач ўнг ва чап томондаги иморатлар кейинги даврларда қурилган бўлиб, улар меҳмонхона, масжид сўфисининг хонаси кабилардан иборат. Дарвозахонадан бошланадиган йўл тўғри хонақоҳ ёнидаги қабристонга олиб боради. Ўнг томонда қадимий ҳовуз жойлашган. Бу ҳовуз ҳам тарихий бўлиб, Олим Шайхнинг “Ламаҳот”ида келтирилишича, Шайх Худойдоднинг яқин ҳалифаларидан Дарвеш Шайх (вафоти, 958/ 1551-52 йиллар) томонидан барпо этилган. Бу файзли заминга ташрифимииздан мақсад, Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Валининг нурли мозорларини зиёрат қилиш ҳамда ул зотнинг Ғазирадаги авлодлари билан учрашиш эди. Зиёрат давомида Ҳазратнинг авлодларидан Элёрхон Норхўжаев билан сұхбатда бўлдик. У кишининг айтишларича, қабристон “Вали бобо қабристони” номи билан

аталиб, тахминан 60 гектарга яқин майдондан иборат бўлиб, Ҳазрати Шайхнинг даҳма мозорлари қабристоннинг энг тепа ерида жойлашган. Даҳма ёнида отнинг ёлидан ясалган ва узун хода чўпларга осилган учта туғ ўрнатилган. Бу туғларни Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Валининг издошларидан уч машҳур Шайх тиклашган бўлиб, улардан бири “Ламаҳот” асарининг муаллифи машҳур аллома Олим Шайх Азизон эди. Даҳма квадрат шаклида пишиқ ғиштдан тикланган бўлиб, усти гумбазсимон қилиб ёпилган. Мозор устида учта мармар қабртош ҳамда даҳманинг олд деворида ҳам катта мармар тошларда арабий-форсий битиклар ёзилган. Бу ёзувларни ўрганган тарихчи олим К. Каттаевнинг фикрига кўра, чап томондаги ва пастки девордаги қабртошларнинг ёзувлари деярли бир маънодадир. Ўнг тамондаги оқ мармар тошда эса насабнома келтирилган.¹

Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Валининг хонақоҳ мажмуасини авайлаб сақланишида пиру-комил машҳур набираларидан саналган Ҳазрати Азизон Хожа Фатхулло ибн Ҳазрати Азизон Хожа Абдуллатифнинг ўз авлодларига асрлар оша вақф мулки этиб тайинланган еру-мулклари ҳақидаги вақфномалари ва хонақоҳда олиб бориладиган молиявий ишлар ҳақидаги васиятнома ҳужжатларидан, ул Ҳазратнинг ҳизматлари бениҳоя катта эканлиги кўриниб турибди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, бугунги кундаги хонақоҳ мажмуига кирувчи масжид ва бошқа бинолар Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Валининг машҳур авлодларидан бўлган Ҳазрати Абдулхайхожа судур томонидан қурилгандир. Бу ҳақда Абу Тоҳирхожанинг “Самария” асарида ҳам келтириб ўтилади.²

Бугунги кунда сақланаётган Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Вали ва ул ҳазратнинг машҳур авлодларига подшоҳ, хоким ва замонанинг фозил уламолари томонидан берилган ҳуқуқий ҳужжатларда ҳижрий 1221, милодий 1804 йили ушбу хонақоҳ мажмуини қуришлари тўғрисидаги ҳужжат ҳам

¹ Каттаев К. Шайх Худойдоди Вали тарихи. Самарқанд. 1995, 42-бет.

² Каранг: Абу Тоҳирхожа. Самария. Т.: “Камалак”, 1991, 59-бет.

борлиги ҳақида маълумотлар мавжуд деб таъкидлайди Саидмақсуд Рассоқов. Бундан маълумки, Ҳазрати Абдулхайхожа судур ушбу масканни узоқ вақтлар ичида обод бир жаннатмакон жойга ва Ғазира мавзеини гўзал бир шаҳарчага айлантириб, ўзларининг бобокалонлари руҳи-покларига бўлган хурматларини олий мақом қилиб бажарганлар. Бобокалонларнинг бундай олийжаноб анъаналарини Ҳазрати Абдулхайхожа судурнинг набираларидан Ҳазрати Исламиллоҳхожа ибн Абдулнабиҳожа давом эттирганлар. Ҳазрат Исламиллоҳхожа биноларни таъмирлаб, XIX асрнинг 2- ярмида қайта тиклаганлар ва янги бинолар қурганлар.¹

Бу қурилишда зиёратгоҳ шаънига Самарқандлик машҳур тарихнавис хаттот Муҳаммад Нуриддин ибн Муҳаммад Олим муфтий туркий ва форсий тилларда шеърий тарзда ушбу тарихни битиб, ноёб бир қўлёзма рисола ёзганлар. Бу рисолани ва Самарқанд вилояти “Маънавият ва нафис санъат тарихи” мозийгоҳининг катта илмий ходими, шарқшунос олим Аҳмадхон Облақулов томонидан таржима қилинганд ушбу сатрларни келтиришни маъқул топдик:

Ҳазрати ғавсий жаҳон, яъни, Худойдоди Вали,
Қутб ул-ақтоб эрди ҳам аҳли чилтон сарвари.
Шоҳбози гулшани асрор эрди ул азиз,
Ҳам эди айн ул-яқин меърожга соҳибтамиз.
Қабри эрди шул манан, яъни Ғазира қишлоғи,
Хонақо бунёд қилган эрди шул мадған аро
Бузилишга яқин қолди била чунд чаро,
Қилди янгилаб иморат рафиъ ул-манзалат,
Куррат ул-айн Исламиллоҳхожа неку сифат.
Тоқу равоқу хонақоҳ қилди бино,
Бу ажиб зебо мақоме бўлди соҳиб сафо.
Исламиллаҳхожа жой зи шараф қилди расо,

¹ Норкулов А. Мақбара масжид тарихи://“Жомбай тонги”, Самарқанд, 2006, 15 ноябрь, № 32-сон.

Сўйлади “Эй зи шариф”, тарихига пири хирад,
Отлари Шайх Худойдод Вали пир қўйғони,
Ота-она қўйғони Шайх Худойберди эди.
Баъд, ўн олти йил ўткариб олий бино,
Қилди уч айвони олий манзалат таждид ила.
Васфи айвонлар баён қилмоқ керакмасдур манга,
Ҳар киши кўрса онинг ҳайратга қолар жо бажо.
Қил қабули даргоҳинг ё ҳазрати Рабб ул-аъло
Хурмати Шамс ул-зухо ҳам тўрт ёри Мустафо.
Котиб, тарих айтган эрди аълам Нуриддин,
Қозигон, тасхих(таъмир) қилган, ўғли эрди Қутбиддин.¹

Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Вали масжид хонақоҳларининг курилиши тарихи билан боғлиқ бир ривоятни бизга юқорида номлари келтирилган авлодларидан Элёрхон aka сўзлаб берган эдилар. Бу ривоятда айтилишича, Шайх Худойдоднинг авлодлари орасида Ойгул Манғит номли(асл исми Азиза Солиҳа) бой-бадавлат аёл бўлиб, у кишининг кўплаб қўйма олтинлари, зебу-жавоҳирлари бўлган экан. Умрининг оҳирларида мендан сўнг фарзандларим бойлик учун талашиб, бир-бирлари билан низолашмасин, деган мақсадда бу олтинларига Нуротадан туяларга ортиб курилиш учун ноёб мармартошлар олиб келиб, мақбара курилишига сарф қилган эканлар. Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Вали мақбарасини охирги марта таъмирлаган шу аёл бўлар экан.

Ушбу зиёратгоҳ тарихи билан боғлиқ фикримиз якунида юртимизда бобокалонларимизнинг улкан бунёдкорлик ишларини давом эттирадиган, хизматлари асрлар оша келгуси авлодларга ўrnak бўладиган, умрини эзгуликка багишилаган, ҳалол ва пок, содик фарзандлар кўпайишини истаб қоламиз. Бугунги кунда ушбу Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Вали

¹ Раззоқов С. Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Вали фаолияти билан боғлиқ зиёратгоҳлар тарихи тўғрисида баъзи лавҳалар. //“Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Вали-Яссавия тариқатининг машхур намояндаси” мавзусидаги илмий –амалий анжуман материаллари. Самарканд, 2000. 119-бет.

зиёратгоҳи машҳур ислом дунёси алломалари – Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Имом Мотурудий, Баҳовуддин Нақшбанд, Абдухолик Ғиждувоний, Қосим Шайх Азизон каби бир қанча улуг зотларнинг зиёратгоҳлари каби ҳамиша обод ва мўътабар бир маскан сифатида қадрланмоқда.

2.Шўролар даврида Шайх Худойдод Вали маънавий меросига бўлган муносабат

Мустамлакачилик даврда Туркистон ўлкасида туб ерли аҳолининг тарихи, тили, дини, урф-одатлари, минг йиллар давомида шаклланиб келган миллий қадриятлари топталиб, оёқости қилинганлиги ҳеч кимга сир эмас, албатта. Асрлар давомида дунё илм-фани соҳасига бекиёс хисса қўшиб келган машҳур алломаларимиз, ислом олами тан олган ҳадисшунос олимларимиз асарлари ва улар қолдирган бебаҳо маънавий бойликларимиз йўқ қилинди. Шунга қарамай, ҳалқимиз эъзозлаб, муқаддас билиб келган зиёратгоҳлар, меъморий обидаларимизнинг кўплари сақланиб қолинди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: “Дунёдаги зўравон ва тажовузкор кучлар қайси бир ҳалқ ёки мамлакатни ўзига тобе қилиб, буйсундирмоқчи, унинг бойликларини эгалламоқчи бўлса, авваламбор, уни қуролсизлантиришга, яъни энг буюк бойлиги бўлмиш миллий қадриятлари, тарихи ва маънавиятидан жудо қилишга уринади”.¹ Мустамлака тузумининг бу каби қабиҳ ишлари Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоди Вали маънавияти ва муқаддас зиёратгоҳларини ҳам четлаб ўтмади.

Ушбу зиёратгоҳни дили пок, иймон-эътиқоди юксак ҳалқимиз томонидан эъзозланиб, асрраб-авайлаб келгуси авлодларимизга етказища меҳридарё онахонлар ҳам муносиб хисса қўшганлар. Хижрий 1293 (милодий 1874-75) йилларда Ойгул момо раҳбарлигига таъмирлаш ишлари олиб

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008, 11 -бет.

борилиб, Шайх Худойдоди Вали зиёратгоҳида янги иморатлар қурилди. Бу ишларни амалга оширишда котиб Ғиёсиддинхожа, Уста Бобомурод Ғозғоний ва бошқалар қатнашганлар.

Мустабид совет тузуми даврида юртимизга нисбатан бўлган хуружлар туфайли ушбу зиёратгоҳни ободонлаштириш ишлари секинлашиб, атрофдаги боғ-роғларни топтаб, оёқости қилиш кучайиб кетади. Ушбу воқеаларни ўз кўзи билан кўрган Солеҳхожа Абдумаликхожа ўғилларининг айтишларича, рус амалдорлари ва аскарларининг бир гурӯҳи хонақоҳ мавзеъига келиб, Саломхожанинг норозиликларига қарамай ҳовуз атрофидаги дараҳтларни кеса бошлаган эканлар. Бу пайтда хонақоҳ биноларининг бирида зикр билан банд бўлиб, ўтирган замона пиру комилларидан хисобланган Ҳазрати Абдумаликхожа Абдурауфхожа ўғиллари “Саломхон тўхтат бу ишиңгни!”-деб хитоб қилган эканлар. Иш давом эттирилиб, рус аскарларининг командири Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоди Вали мақбаралари олдига қўйилган “уч туғ” нинг бири қуббасига қараб пистолетда ўқ узишга журъат этиб, у нотавон шу пайт ўзи жон таслим қилган экан.¹

Бу ножӯя ишлар шу ҳолда тўхтатилиб, кесилган дараҳтлар ўз жойида қолиб, ҳамма аскарлар қочиб кетишган ва бошқа бу жойга қадам босишимаганлар. Ўқ узилган қубба янгиланиб, эскиси эса ўқ жойи (гильза ўрни) қолган ҳолда Абдуллатифхожа Абдумаликхожа ўғилларининг уйларида сақланган экан.

Бу каби воқеалар Оллоҳнинг назари тушган азиз зотлар макон этган жойларда тез-тез учраб турган. Миллий маънавият, маданият ва маърифатимизга хуруж қилиш ишлари авж олиб кетган. Маҳаллий халқларимиз бу муқаддас зиёратгоҳларининг кўз ўнгиларида таъмир талааб бўлишларини кўрсаларда, чорасиз қолганлар. Вақт ўтиши билан хонақоҳ мажмуасига кирган мадраса ва мактаб ҳужралари йиқилиш ҳолатига келиб қолган. Профессор С.Раззоқовнинг ёзишича, у кишига ғазирилик Худоёр ака

¹ Қаранг: Рассоков С. Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоди Вали фаолияти билан боғлиқ зиёратгоҳлар тарихидан баъзи лавҳалар:// “Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоди Вали-Яссавия тарикатининг машҳур намояндаси.” Илмий-амалий анжуман материаллари(1997. 2 май). Самарқанд, 2000, 120-бет.

Хўжанов ўз кўзлари билан кўрган ушбу воқеани сўзлаб беради; “Мадраса ва мактаб бинолари бузилиш холига келган ўша даврдаги “Ленин йўли” колхози раиси Маматқул Бозоров ноилож у биноларни бузишга розилик берганлар. Лекин бузишни бошлиш учун маҳаллий халқдан бирор киши рози бўлмаган экан. Натижада одамлар бир рус кишисига кетмон бериб, хужраларнинг бирига чиқарадилар. У киши кетмонни кўтариб томга уриши билан ўзи бир неча метр осмонга кўтарилиб, одамлар кўз олдиларида ерга қулаган экан. Бир қанча вақт ерда ётгач, ўрнидан турганича ортига қарамасдан қочиб кетган экан. Бу ҳолни кўриб турганлар ва колхоз раислари маслаҳатлашиб, Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоди Вали авлодлари ва нуроний кексаларни чақириб, зиёрат қилишиб, ўтган азиз авлиёлар ҳақларига “хатми-қуръон” ўқишиб, баъзи биноларни қайтадан тиклашган эканлар”.

Орадан йиллар ўтиб, халқимизнинг маънавияти ва миллий урф-одатларига тазийқ тобора кучайиб борди, хонақоҳ бинолари омборхоналарга айлантирилди. Масjidга ихлосмандлик қилганлар текшир-текширларга тушар, ҳар хил жазоларга дучор этилардилар. Аммо бу нохуш хуружлар авжига чикишига қарамай Абдуллатифхон Эшонбобо Абдумаликхон ўғиллари укалари Муҳаммад Собирхон Абдуҳамидхон ўғиллари билан яқин кишилари маслаҳати ва кўмагида Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоди Вали мақбара ларини таъмирлаб, ундаги авлод шажарасини қайта ёздириб, мақбара олдидаги туғларни янгилаш билан биргалиқда оталари Ҳазрат Абдумаликхожа Абдурауфхожа ўғиллари ҳамда оналари Муҳаррам пошшо Исматиллохожа қизлари қабрларига мармартош ўрнатишга мұяссар бўлган эканлар.

Маҳаллий нотавон мунофиқлардан бири туман раҳбарларига ушбу хонақоҳдаги бунёдкорлик ишлари ҳақида ҳабар беради. Олиб борилаётган ишларга жазо чорасини кўриш мақсадида келган совет амалдорларидан бири Латифхон Эшонбобо билан таъмир ишлари олиб борилаётган жойда суҳбатлашиб, у кишидан бу ишларнинг сабабини суриштирганда Латифхон Эшонбобо бобокалони, ота-онам қабрларини таъмирлаётимиз, деб жавоб

берган эканлар. Жазолаш учун келган катта амалдор(у рус бўлган) таажжууга тушиб, сиздай инсонлар кўпайсин, ишларни эҳтиёткорлик билан давом эттиринг деб, раҳматлар айтиб, бу хабарни берган мунофиқларни “Ўзингдан чиқсан балога, қайга борай давога”, деб қаттиқ койиган эканлар.¹

Сўзимиз якунида юртимизда Бобокалонларимизнинг ўлкан бунёдкорлик ишларини давом эттирган, хизматлари асрлар оша келгуси авлодларга ўrnак бўладиган, халқимизнинг бой маънавият, маданият ва маърифати ривожини юксакларга кўтарадиган, умрларини эзгуликка бағишилаган, ҳалол ва пок, содик фарзандлар кўпайишини ва уларнинг барчаларини ёмон кўзлардан ва мунофиқлар хурижидан Оллоҳнинг ўзи асрашини истаб қоламиз.

3. Мустақиллик йилларида Ҳазратга бўлган юксак эҳтиром

Мустақиллик яратган кенг имкониятлардан бири, минг йиллар давомида халқимиз онгида ўrnашган, турмуш тарзига айланган, бутун ақидаларга руҳий ва маънавий кечинмаларга бой бўлган ислом динига муносабат ўзгарди. Комиллик, етуклиқ ва бой маънавий баркамолликка даъват этувчи улуғ аждодларимизни қайтадан кашф этдик. Жумладан, И мом Бухорий, Ҳаким Термизий, Ахмад Яссавий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Баҳовуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Вали, Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоди Вали, Маҳдуми Аъзам Даҳбедий, Қосим Шайх Азизон ва бошқа ўnlаб алломаларимиз илмий мероси чуқур ўрганилмоқда ҳамда кенг тарғиб қилинмоқда.

Республикамизнинг мустақиллиги туфайли тарихий, диний ва миллий қадриятларимизни тиклашга эътибор кучайди. Натижада ўзбек халқи ўзининг асл фарзандларининг меросларидан кишиларни баҳраманд қилишга имконият туғилди. Шу қаторида Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоди Валининг тарихий фаолияти ва бой адабий меросини ўрганишга ҳамда халқимизга етказища

¹ Ушбу зиёратгоҳ тарихи билан боғлиқ воеалар С.Раззоковнинг илмий маколалари ва Шайх авлодлари билан сухбат асосида ёзилди.

катта ишлар қилинмоқда. Зеро, халқпарвар инсон Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоди Вали мероси халқчиллиги билан истиқлол ғояларини кишилар онгига сингдириш ва эрк, озодлик, юрт равнақи, тинчлиги ҳамда осойишталигини таъминлаш учун beminnat хизмат қиласи.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, жамиятимизнинг қатор соҳаларида юз бераётган ўзгаришлар, тарихимизни ёритишга тўғри ёндашиш, халқимизнинг тарихий хотираси жонланиши ҳамда инсонпарварлик ғояларини ҳаётимизга табора кенгроқ тадбиқ этилиши мустақиллигимизнинг шарофати ва шарофати сифатида ўз аксини топмоқда.

Ўтган қисқа давр мобайнида қўплаб алломаларимизнинг юбилейлари нишонланиб, уларга нисбатан юксак эҳтиром кўрсатилмоқда. 1994 ва 1996 йилларда ЮНЕСКО ташкилотининг қарори билан халқаро миқёсида Мирзо Улуғбек ва Амир Темур таваллудларининг 600 ва 660 йилларни кенг нишонланди. Мирзо Улуғбек даврига оид жуда кўплаб китоблар, Соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг Ўрта Осиё халқлари тарихида тутган ўрни ва аҳамиятига оид илмий ва бадиий асарлар яратилди.

Ана шундай улуғ алломаларимиздан бўлган Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоди Валининг ҳам юбилейлари мустақиллик йилларида бир неча бор Республика миқёсида ўтказилди.

Ҳазрат таваллудининг 535 йиллигига бағишлиб 1997 йил 2 майда, 540 йиллигига бағишлиб 2001 йил 24 августда, 545 йиллиги эса 2006 йил 17 ноябрда кенг нишонланиши сўзимизнинг исботидир. Ҳазратнинг бу каби юбилей тўйлари хоки пойлари жойлашган Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида ўтказилиб, унда Республиканинг кўпгина вилоят ва туманларидан меҳмонлар, матбуот, радио, телевидение ходимлари, олимлар, зиёлилар ва диний идора вакиллари қатнашдилар. Ҳазратнинг илмий-адабий меросларига бағишиланиб кўплаб амалий анжуманлар, ташкил этилди. Булар натижасида Ҳазратнинг ҳаёти ва фаолияти, адабий меросларига оид кўплаб янгидан-янги маълумотлар тўпланиб, рисолалар, илмий тўпламлар ва мақолалар чоп этилди.

2006 йил Самарқанд вилояти Жомбой тумани хокимлигининг қарори асосида туманда Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоди Вали таваллудининг 545 йиллик юбилейини ўтказиш бўйича қўмита тузилиб, Ҳазратнинг ҳаёти, ижодига бағишланган бир қатор тадбирлар ўтказилиб, у кишининг хонақосида катта ҳажмда ободончилик ишлари бажарилиб, у кишининг зиёратгоҳлари обод қилинди. Бу юбилей тантанасини Жомбой тумани хокими А.Норқулов кириш сўзи билан очиб берар экан, қуидаги фикрларни таъкидлади: “Истиқлол бизга берган куч-қудрат шундан иборатки, эндиликда ҳурриятга эришган Ватанимиз эркини кўз қорачигидек асраш учун масъулият ҳисси ҳар биримизнинг кўнглимида шаклланиб бормоқда. Юртимизда ўн беш йил давомида юз берган оламшумул тарихий ўзгаришлар киши кўнглини бир дунё фахр ва ифтиҳор туйғуси билан тўлдиради... Кўхна Самарқанднинг 2750 йиллиги ва юртдошимиз Шайх Худойдоди Вали таваллудининг 545 йиллик юбилейини нишонлар эканмиз, тарихимизга яна бир назар ташлаш, бобокалонларимиз руҳини шод қилишдек масъулият ҳисси ҳар биримизнинг кўнглимида шаклланиб, эзгу ишларимиз фарзандларимиз қалбига сингиб боришини таъкидлаб ўтиш лозим”¹.

Бу каби эзгу ишлар Ҳазратнинг асл ватани Карманада ҳам ўтказилиши истиқболли режаларда кўзланган.

Бугунги кунда Шайх Худойдоди Вали бобо ётган азиз тупроқни зиёрат қилиш учун нафакат мамлакатимиз балки Саудия Арабистони, Эрон, Покистон каби ислом давлатларидан ташқари Ғарб давлатларидан ҳам зиёратчилар ташриф буормоқда. Ҳазратнинг илмий-адабий мероси ЎзФА Шарқшунослик институти фондида, қолаверса, хорижий давлатлар кутубхона ва музейларида сақланмоқда.

Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоди Валининг тарихий фаолияти ва бой адабий меросини ўрганиш ҳамда халқимизга етказища айнан мустақиллик йилларида катта эътибор берилганлиги юртимиз учун, айниқса, карманаликлар учун ниҳоятда қувончли ҳолдир. Мустақиллик туфайли Шайх Худойдоди

¹ Норқулов А. Маънавий меросимизга эҳтиром://“Жомбой тонги”, 2006йил, 15 ноябр, № 32-сон.

Валининг яқиндан таниш имкониятига эга бўлдик. Ҳазратнинг адабий меросини, Ҳазрат ҳақидаги қадимий қўлёзма асарларни тадқиқ қилиб, қимматли маълумотларни халқимизга етказишида Б.Ўринбоев, Б.Валихўжаев, К.Каттаев, С.Иноятов, С.Раззоқов, О.Хайитова сингари самарқандлик ва навоийлик олимлар катта хисса қўшиб келмоқдалар. Улар Ҳазратнинг ҳаёти ва фаолиятларига оид илмий изланишлар натижасида кўплаб рисола ва мақолалар чоп эттиридилар, матбуотда кўплаб чиқишлар уюштирилар.

Ҳазрат Шайх Худойдод Вали бобомиз шарафига шоирларимиз томонидан ҳам ажойиб шеърлар ёзилиб, у кишига бўлган хурматни яна бир бор ифода этмоқда. Қуйида биз Ҳазратга бағишлиб ёзилган Жиззах вилояти Фаллаорол туманидаги II-ўрта мактаб ўқитувчиси Зайниддин Мамаризаев қаламига мансуб ушбу маснавийни келтирамиз;

Кўлим кўксимда бобо, таъзим қилиб турибман.

Боғланган кўл ечилиди, эркин, шаҳдам юрибман,

Руҳинг билан яшадим, тилга ололмай номинг,

Қутлуғ ҳоки тупроғинг, кўзга суртиб турибман,

Айтар балки шу замин, илк қадам қўйган чоғинг,

Чангалзорни даф қилиб, обод қилган чорбоғинг.

Мадраса талабаси, эдинг ўша йилларда,

Илмни меҳнат билан, қўшиб олдинг сабоғинг.

Ночорликдан минглаб халқ, тебранган у замонлар,

Тахт-тоҷ учун талашган, хонлар жабр этган тонглар.

Худойдод мурувватин, топиб мунда эл бўлган,

Масқан қурган топинган, турли элат инсонлар.

Муқаддас дастуридан, «Дил ба ёр, даст ба кор» лик.

Қатъий амал қилгандан, нима, билмаган зорлик.

Мардумлар кўнглин топган, Илм кароматидан.

Валий йўлин тутганлар, асло кўрмаган хорлик.

Маҳобатин эшитган, бенаво, бесар қолган.
Гарбу шарқлик карvonлар, бунда тушиб тин олган.
Бобо назир-ниёзларин берган бетавонларга,
Мұхтож, толиққанларга, йўл озигин ҳам солган.
Шайбонийхон, Бобурлар уни сўроклаб турган,
Не шайх, Маҳдуми Аъзамлар, эъзозлаб сухбат қурган.
Моварауннаҳрда бу тасаввуф пешвоси,
Ихтилофлар ғуборин, халқлар қалбдан сўраган.
Ўтиб неча асрлар, аҳли Самарқанд бугун,
Хидоят чароғингни, порлатганидан мамнун.
Минг шукурким, армонлар, қайта юз очганига,
Эй, бобо, руҳи покинг, юрт кўксин этар гулгун!

Умуман олганда, бугунги авлодларнинг галдаги вазифаси мана шу тадқиқотларга суюниб ҳамда ул Ҳазратга ўрин ажратилган қўлёзма асарларни ўргангандан холда Шайх Худойдод Вали яшаган давр ижтимоий, маданий, адабий муҳитини, унинг ҳаёти ва ижодини ўрганишни янги босқичга кўтариш ҳисобланади. Бу борада маҳсус кутубхона музей ва илмий марказ ташкил қилиш йулида Самарқанд вилоятида фидокорона ишлар олиб борилмоқда.

Шайх Худойдод Вали тўғрисида юқорида айтиб ўтганимиздек кўплаб рисолалар нашр эттирилмоқда. Унинг адабий бой меросини ўрганиш ва халқимизга етказиш борасида ибратли ишлар қилинмоқда. Буларнинг ҳаммаси улуғ бобомиз руҳини шод ва обод этишдаги дастлабки юмушлардир. Келгусида бу борадаги ишлар янада давом эттирилади ва Ҳазрати Азизон Шайх Худойдод Вали ҳаёти ва фаолиятлари тўғрисида мукаммал илмий-амалий ишлар қилинишига ишончимиз комил.

IV боб. Шайх Худойдод Валининг ғазалларидан намуналар

Ҳазрат Худойдод Вали туркий ва форсийда қатор ғазаллар битган ва ҳикматлар тўплаган инсондир. У кишининг авлодларидан бўлган Абдувакил Солиевнинг шахсий кутубхонасида “Моноқиби шайх Худодод Вали” китобининг (XVI аср) бир нусха қўлёзмаси сақланиб қолган. Академик Ботирхон Валихўжаев шу китоб билан танишиб, ундаги ғазалларнинг айримларини турли нашрларда чоп эттирган.¹

Биз булардан айримларни тўплаб бу китобга киритдик. Б.Валихўжаевнинг таъкидлашича, бу ғазалларда туркий ва форсий халқларнинг “оғзаки ижодида учрайдиган қўшиқлар хусусиятини кейинги даврдаги ғазал хусусиятлари билан қоришувидан майдонга келиб, баён услуби ва тилининг равонлиги, оҳангдорлиги, уни куйлашга мувофиқ бўлиб, бу эса ўз навбатида жаҳрияи сultonия услубидаги тариқат солиқларининг зикр халқалари жараёнида ва ёки яккахон ўқишга унгайдир”.²

Ҳазратнинг шеърларида хаё, севги, шодлик онлари ўз аксини топган. У ҳаётни ғам-алам ва қайғу ҳасрат билан эмас, балки баҳт-саодат, хурсандчилик билан ўтишини истайди.

Шайхнинг ғазалларининг аксариятида муножот оҳанги асосида ўзлигини танишга интилаётган инсоннинг Яратувчи – Оллоҳ таолога илтижоси ва мурожаати баёни сезилиб турди. Ғазаллар ҳам туркий, ҳам форсийда содда, равон ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда ёзилган.

Ўзбек тилидаги ғазалларидан намуналар

Менга бу танда жон, сенсиз керакмас,
Ҳаёти жовидан, сенсиз керакмас!
На қилсун ошиқнинг ишқингдан ўзга.
Нечаким бўлса жон, сенсиз керакмас!

¹ Валихўжаев Б., Ўринбоев Б. Худододи Вали. Самарқанд, 1995; Валихўжаев Б. Шайх Худодод Вали. Мулокот, 1998, 4-сон. “Самарқанд”, “Жомбой тонги”, “Зарафшон” газеталарининг Худодод Вали ҳаёти ва фаолиятига бағишлиланган 1997-2006 йиллардаги сонларидан олинди.

² Валихўжаев Б. Шайх Худодод Вали. Мулокот, 1998, 4-сон, 55-бет.

Нечаким мўъмину бўлсам мусулмон,
Менга дину имон, сенсиз керакмас!
Агар икки жаҳон хушликни берсанг.
Ҳамиша жовидон, сенсиз керакмас!
Худодод найласун пирлик ҳолинда,
Жаҳон ичра жаҳон, сенсиз керакмас!

* * * * *

Барчани тарқ айлабон, истаб сени топса бўлур,
Жумланинг ҳуббин қўйубон, ҳам сени севса бўлур!
Сенсизин нега керак, бу танда жоним бир замон,
Сен билан дунёву уқбо ҳар неким деса бўлур!
Сенсизин жаннатни қилсам хушоғи ҳам меҳнат ул.
Сен билан дўзах ичинда ҳам тоқи куйса бўлур!
Мен висолингдин умид тутқон учун ҳажр мулкида,
Боқ тутмаб васл учун ҳажр ўтига кирса бўлур!
Эй Худодод, жаҳд айла, мунда васл топмоқ учун.
Мунда кўрган ваъдадур, анда эга бўлса бўлур!

* * * * *

Мен сенинг ишқингда бас, девона бўлсам не ажаб.
Хону монимдин кечиб, бегона бўлсам не ажаб!
Ишқинг шаробини ичиб, ақлу хушум барча кетиб
Ону инимдин айрилиб, афсона бўлсам не ажиб!
Гар мен тоқи суйдум сени, бўлдим балоларга шерик,
Ох, ул сенинг дардинг билан, ҳамхона бўлсам не ажаб!
Севдум сени мен бу жаҳон ичра, vale кўрмак маҳол,
Тарқ этибон ҳам бузулуб, девона бўлсам не ажаб!
Эй Худодод, неча куйдинг бу фироқ ўтида сен,
Оқибат васлига мен ҳамсоя бўлсам не ажаб!

* * * * *

Сенинг дардингда мен дармон на қилсам,

Йиғибон барчасин сарсон, на қилсам!
Сенинг дардингда жон шукронада берсам,
Ярашур ҳам тақи қарбон, на қилсам!
Сенинг дардинг қамуқ дардға даводур,
Қамуқ дардни йиғиб бир сон на қилсам!
Сенинг дардинг ўти бирла бу күнгум,
Ризодур солибон, бирёна қилсам!
Сенинг дардингни истар бу Худодод,
Анинглан ҳар замон ҳайрон, на қилсам!

* * * * *

Холиқим севди мени, мен нега севмасман ани,
Икки олам дўстлигин ташлаб чу севдурди мени
Чунки дўслиқ давлатин топдим уландим васлиға
Юз туман минг жон била чун сотқун олғум васлини!
Нечаким васлинг тилаганда жафо тегса манга
Ул манга айни вафодур, чун топар бўлсам сени!
Мен сени сендин тилармен ўзлугумдин узулууб,
Ўзлугумдин узмайин ҳаргиз топа олмон сени.
Сун ўлар сен, эй Худодод, ўлгин ўлмасдин бурун,
Давлати боқи керак бўлса, қўй ушбу фанони!

* * * * *

Бу кўнгил ишқида бўлди бас гирифтор илкидин,
Чораси қолмай битибдур чорайи кор илкидин.
Ҳар замоне аҳли диллар кўнглини зор айлабон,
Холи қилмас ҳар замоне кўнглини зор илкидин.
Лутфиддин қилди назар, бу аҳли диллар кўнглига,
Аҳли диллар бузмади кўнглини дилдор илкидни.
Эй кўнгил ичтинг эса ишқин шаробин дамбадам,
Булғусудур шарбати васли анинг ёр илкидин.
Хажрининг ўтида куйдум баски қилдим мен тамаъ,

Васлини жони бўлубон унго дилхор илкидин.
Чехраси қилди тажалли ҳар тараф сир мулкида.
Қилди холи бу кўнгулнинг шубҳа инкор илкидин.
Сен қачон лойиқ булурсен, эй Худодод васлиға,
Токи узмассен ўзунгни жумла ағёр илкидин.

* * * * *

Ким сенинг ишқингда ўлса ёри жони кўб бўлур,
Қатраи оби зилоли баҳри бепаён бўлур.
Маърифат майдонида бўлсам агар бир лаҳзае
Икки олам кўзума чун зарраи майдон бўлур
Орзум бор ҳар замон сир мулкида бўлсам муқим,
Кўрсам они ҳар замон маслаҳатим ҳам он бўлур.
Шарбати васлинг ичиб лаъли лабинг сўрсам ҳаме
Дарди хижрон кетмага ҳам лабларинг дармон бўлур.
Чун аласт ҳамрин ичиб минсам Буроқинг васлига
Ҳам чунин мастоналардек ҳам хури ҳайрон бўлур,
Талъатидин ҳар замон қилса тажалло кўнглума,
Бу кўнгул зор ўлубон ҳар дам анга шодон эрур.
Боқмағайсан эй Худодод ул бихшитнинг сорига
Васл гулзоринг руҳунг булбули нолон бўлур.

* * * * *

Эй сенинг ишқинг манга ҳам дарду ҳам дармон эрур
Хуш висолинг шавқида ҳам айши бепоён эрур.
Ишқингиз ҳайрон қилибтур ақлу хушумни олиб,
Шавкунгиз ўтида кўнглум ҳар замон бирён эрур.
Ҳайратим асру бўлубтур олами сирда мудом
Бўлди кўнглум пора-пора ғам била ҳайрон эрур
Не қилай сенсиз манга танда жоним бўлмасун
Ғам билан бўлсам сенинглан мушкилим осон эрур
Бу Худодод ҳаддан ошти мушкили ҳажр илкида

Чора қилсанг васлингиздан сизга бас осон эрур.

Форс – тожик тилидаги ғазалларидан намуналар

Сўзи жон аз ҳад гузашту хасратам бисёр шуд,
Дарди дил аз ҳад буруну ҳам жигар афгор шуд!
Тоқатам шуд тоқ токай месўзони дилам,
Дардманд омад дилу аз роҳи ғам bemор шуд!
Оташи ишқат зи ғайрат сўхт ҳар ғайре ки буд,
Соф шуд аз ғайр акнун қобили асрор шуд!
Мо суйи Аллоҳ эй ажаб тар доманат дар мулки дил,
Хушк, гардон аз карам кан дар дилам агёр шуд!
Эй Худодод, ин худи аз сари худ овораи соз,
То тавони ту замоне маҳрами он ёр шуд.

* * * * *

Эй хаёлат ақлу хушам дир камон андохта,
Карда рўят жилвайи дарди ниҳон андохта!
Оташи шавқат фитода дар дили ҳар ошики,
Ҳар якеро тири ғам дар сари жон андохта!
Ҳар замоне тири ғамза мирасад бар жоне ман.
Чун кунам он тақе абру аз камон андохта!
Вах, чи созам чун кунам каз васли ў ёбам нишон.
Азбаройи фарқи хижрон дар миён андохта!
Эй Худодод, ар сўзат, оташи ишқат чи бок,
Кулли шай яржъ дар инсу жон андохта!

* * * * *

Эй хаёлат ақлу хушам дар гумон андохта,
Суи ошиқ чашми ту тир аз камон андохта.
Мехри ту жонсўзу тунду ишқи ту бас дилгудоз
Ошиқорро дар навозиш тарки жои андохта.
Ишқи ту бар гўшаи дил меҳрибониҳо намуд

Шуришу кўшиш дар ин дил бас ниҳон андохта
Нотавон савдои ишқат чун фитода дар дилам,
Оташи шавқат дар ин дил бегумон андохта.
Эй Худодод фикр кун ҳам бар сари ғавғои ишқ
Дар миёни халқ фикрат хуш ба жон андохта.

* * * * *

Не маро бе ту қарору не маро ороми жон
Не маро ҳам тоқату не ҳам маро сабри ниҳон.
Рўй ту гашта ниҳону бўи ту монда валек
Ваҳ хаёлат мар маро беҳ аз висоли дигарон.
Бе туам рузвон набояд бе туам жаннат чи кор
Бе туам хур shedi ховар дар масал чун соябон
Бе туам афсина бошад ин ҳама олам фусус
Ин ҳама олам ба ман ҳайрону ман ҳайрони он
Чанд ноли эй Худодод дар ғами ҳижрони ў
Сабр кун бо дарди ҳижрону маёвар бар чабон.

Хулоса

Ватанимиз тарихи фақат давлатлар, салтанатларнинг вужудга келиши ҳамда уларнинг емирилиши тарихидангина иборат бўлмай, балки у аждодларимизнинг буюк бунёдкорлик тарихи ҳамdir.

Кўхна Кармана Буюк Ипак йўли устида жойлашган Туроннинг қадимий шаҳарларидан биридир. Мустабид тузум асоратлари туфайли Кармананинг тарихи, бу ердаги қадимий обидалар, бу заминда туғилиб, вояга етган машҳур алломаларнинг ҳаётини ўрганиш у ёқда турсин, ҳатто улар ҳақида бирор сўз ҳам айта олмас эдик. Хурматли Президентимизнинг “Ўз тарихини билмайдиган, кечаги кунини унугтган миллатнинг келажаги йўк”,¹ деган иборалари айни хақиқатdir. Истиқлол туфайли эса бу қадимий шаҳарларимизнинг асл тарихи, бу ерда яшаган ва Туркистон илм-фани ва маданияти ривожига юксак хисса қўшган зотларимизнинг ҳаёти ва ижодига бағишлиб тадқиқотлар олиб бориш учун кенг имкониятлар яратилди.

Кармананинг ривожланиши, унинг ижтимоий-маданий ҳаёти ва машҳур шахслари тўғрисида Ўрта Осиё ва Яқин Шарқда ёзилган энг мўътабар асарларда қимматли маълумотлар мавжуд бўлиб, айниқса араб сайёҳларининг VII-IX асрларда ёзилган қатор асарларида Кармана номи тилга олинади.

XI-XVI асрларда Карманадан кўплаб адиблар мутасаввуфлар, дин пешволари яшаб ўтишган.Хожа Сулаймон Карминагий, Мавлоно Ориф Деггароний, Хожа Хусрав, Шайх Худойдоди Вали ва Қосим Шайх Азизон кабилар бунинг ёрқин далилидир.Уларнинг бой маънавий мероси Ўрта Осиё халқлари маданиятининг нодир дурдонаси ҳисобланади. Бу даврда Кармана Туркистон минтақасининг ижтимоий билимлар ривожланган масканларидан бирига айланди.

XV аср охири ва XVI асрнинг биринчи ярмида Ўрта Осиё ижтимоий-маданий ҳаётга катта ижобий таъсир кўрсатган тасаввуфдаги Яссавия тариқатининг йирик намояндаси, карманалик мутасаввуф шоир Ҳазрати

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008, 4 -бет.

Азизон Шайх Худойдоди Валининг ҳамюртимиз бўлганлиги билан ҳар қанча фаҳрлансанак арзийди. У зот халқпарвар, адолатпарвар инсон сифатида оддий меҳнаткаш аҳоли орасида катта обрў-эътибор қозонган. Халқнинг баҳтсаодати, тинчлиги учун доимо курашиб келган, ҳокиму султонларни адолатга чорлаган. Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоди Вали олтмиш бир йил яшаб, умрининг болалик ва ўсмирлик йилларини Кармана атрофларида ўтказади. Тариқат соҳасидаги фаолиятларидан ташқари ўзбек ва форс-тожик тилларида ғазал, ҳикмат ҳамда фардлар битган. Тасаввуф адабиётидаги Яссавия сулукининг асосчиси Аҳмад Яссавийдан ўrnак олиб, ҳақиқий бойликмаънавий бойлик деб ҳисоблади. Ҳазрат Худойдод Вали инсонларни реал ҳаётнинг ноз-неъматларидан фойдаланишга ундиндилар ва ҳалол меҳнат қилишга, билим олишга чақирдилар.

Ҳозирги кунда бобокалонимиз Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоди Валининг бой адабий меросларини тўлигича ўрганиш, улардан юртдошларимизни баҳраманд қилиш, бу ноёб дурдоналарни келгуси авлодларимизга етказишда қуйидаги ишларни бажариш лозим:

- Ҳазратнинг хорижий давлатлар кутубхоналарида сақланаётган нодир қўлёзма асарлари нусҳаларини юртимизга қайтариш ва уларни тўплаш;
- Ҳазрат шеърларининг тўлиқ тўпламини “Девони хикматлари” тарзида чоп этиш;
- Ҳазратнинг илмий-адабий мерослари саналган қўлёзма асарларини таржима қилиш ва китобларини чоп этиш;
- Ҳазрат яшаган даврларда машҳур саналган Яссавия, Нақшбандия, Кубровия, Қодирия тариқатларига тегишли қимматбаҳо асарлар тўпланган, илм аҳли шуғулланадиган илмий марказларни ташкил қилиш;
- Ҳазратнинг илмий-адабий меросларини халқ таълими ва олий ўқув юртлари дастурларига киритиб ўрганилишини ташкил қилиш;
- тарихий хужжатлар ва асарларда келтирилган Ҳазратнинг номлари билан боғлиқ хонақоҳлар, мавзеълар, манзилларда Бузрукворнинг номларини агадийлаштириш лозим бўлади.

Ҳазратнинг киндик қони тўкилган Кармана заминидаги юртдошларига у кишини яқиндан таништириш энг долзарб вазифадир. Ҳазрати Азизон Шайх Худойод Вали Кармана заминида туғилган ўнлаб валиуллоҳлардан, машҳур паҳлавон ва олижаноб инсонлардан биридирки, кўплаб табаррук қўлёзмалар иймонда баркамол бу зотни мадҳ этган. Ул зот тарихий Миёнқол ва Самарқанд вилоятларининг ўзига хос боғловчи чорраҳаси бўлмиш Кармана осмонида порлаган ёрқин юлдузлардан биридир.

Хурматли китобхон! Шундай қилиб дунё мусулмон оламига яхши таниш бўлган карманалик машойихлардан бири Ҳазрати Азизон Шайх Худойод Вали ҳақидаги суҳбатимиз ҳам ўз интиҳосига етди. Аслида эса ул зот ҳақида қанча кўп гапирсак ҳам кам. Биз рисола ҳажми тақозоси ўлароқ суханни муҳтасар қилдик. Ушбу лавҳалар бутун умрларини Оллоҳ йўлига тикиб, башар аҳлини ростлигу покликка, касб эгаллашу маърифатга чорлаш, Ҳақ йўлига ҳидоят қилиб келган мўътабар зот кечмишларидан бир қатрадир. Улар сизнинг руҳиятингизга нур, танингизги қувват бахш этади, деган умиддамиз. Муаллифлар зукко ўқувчиларнинг китоб хусусидаги беғараз мулоҳазаларини мамнуният билан қабул этади ва ҳақларига дуо қиласи. Зероки, Шайх Саъдий айтганидек: “Кимда ким сўзни сўзга зам қилур, жигар қонидан бир қатрасин кам қилур”.

Мақсадимиз эса азиз навоийликларни, айниқса, Худойод Вали таваллуд топган замин-Кармана аҳлини бу кўп қиррали улуғ аллома фаолиятининг оз бўлса-да, бир қисмидан ҳабардор этиш. Шоядки, вилоятимиз ва Кармана туман хокимлиги, бу муқаддас замин аҳли юртдошимизнинг хотирасини абадийлаштиришни ўйлаб, у кишининг руҳларини шод этсалар, деган ишонч ва умиддамиз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБАЛАР ВА АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008.
2. Каримов И.А. Ҳавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.: 10-т. “Ўзбекистон”, 2002.
3. Абу Тохирхўжа. Самария. Т.: “Камалак”, 1991.
4. Булдиева С. Нурота. Эссе. Т.: “Шарқ”, 2003.
5. Валихўжаев Б., Ўринбоев Б. Худойдод Вали. Самарқанд, 1995.
6. Валихўжаев Б. Шайх Худойдод Вали.// “Мулоқот”, 1998, №4-сон.

7. Дўстқораев Б. Яссавий ким эди. Т.: А. Қодирий нашриёти. 1994.
8. Йулдошев Н. Бухоро авлиёлари тарихи. Бухоро, 1988.
9. Йўлдошев Б. Ҳам орифона, ҳам ибратона. //“Зарафшон”, Самарқанд, 2006, 15 ноябрь.
10. Иноятов С.И. Соҳибқирон ва темурийлар назари тушган диёр. Т.: “Шарқ”, 2002.
11. Иноятов С.И., Ҳайитова О. Кармана тарих қўзгусида. Т.: “Шарқ” 2006 .
12. Каттаев К. Худойдод Вали тарихи. Самарқанд, 1995.
13. Каттаев К. Шайх Худойдод Вали ва тариқатлар. //“Самарқанд”, 2006, №48-сон.
14. Каттаев К. Ривоят ва ҳақиқат.// “Жомбой тонги”, Самарқанд, 2006, 15 ноябрь, №32-сон.


15. Муҳаммад Носириддин ал-Ханафи ал-Ҳасани ал-Бухорий. “Тухфат аз-заирин”, перевод-Х. Тураева. Т. 2003.
16. Наршахий. Бухоро тарихи. Т.: “Камалак”, 1991.
17. РаззоқовС., ЎринбоевБ. Ҳазрат Азизон Шайх Худойдод Вали ҳаёт йўли, илмий адабий- мероси (қисқа лавҳалар) Самарқанд, 2001.
18. Ражабов Қ., Исмоилов М. Шайх Худойдод.// Ўзбекистон миллий Энциклопедияси. Т. 9. Т.: ЎзМЭ нашриёти, 2005. 680-681-бетлар.
19. Садриддин Салим Бухорий. Икки юз етмиш етти пир. Бухоро. 2006.
20. Сулаймон Боқирғоний. Боқирғон китоби. Т.: “Ёзувчи”, 1991.
21. Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд. Т.: “Маънавият”, 2000.

22. Фахруддин Али Сафий. Раشاхоту айн ил-ҳаёт. Т.: Абу Али Ибн Сино нашриёти, 2004.
 23. Ҳайитова О. Карманалик буюк сиймолар ва муқаддас қадамжолар. Т.: “Янги аср авлоди”, 2004.
 24. Ҳофиз Таниш ал-Бухорий. Абдулланома. Т.: “Шарқ”, 2000.
 25. Хамиджон Хомидий. Тасаввуф алломалари. Т.: “Шарқ”, 2004.
 26. Хожа Исматиллоҳ. Марказий Осиёда ислом маданияти. Т.: “Шарқ” 2005.
 27. Ҳусайнин ас-Саражсий. Маноқиби Саъдийа. Бухоро, 2002.
 28. Ҳасанхўжа Нисорий. “Музаккир ул-ахбоб”. Форсчадан И smoилжон Бекжон таржимаси. Т.: А. Қодирий нашриёти. 1993.
 29. Ҳасанов Н., Султонов У. Муҳаммад Олим Сиддиқий ва унинг “Ламаҳот” асари ҳақида// Имом ал-Бухорий сабоклари. 2006, 3-сон.
-
30. Ҳазрати Азизон Шайх Худойдоди Вали-Яссавия тариқатининг машҳур намояндаси. Илмий-амалий анжуман материаллари(1997, 2 май). Самарқанд, 2000.
 31. Шайх Худойдод Вали ижодининг маънавий-маърифий қадриятларини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамияти мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари (2006, 17 ноябрь). Самарқанд, 2006.
 32. Шарафуддин Роқимий. Тарихи Томм. Т.: “Маънавият”, 1998.

МУНДАРИЖА

Сўз боши	3
<u>IБоб. Шайх Ҳудойдод Вали–Кармана фарзанди</u>	
1. Шайх таваллуд топган маскан.....	8
2. Бир номдаги икки аллома ёхуд Шайх Ҳудойдодлар тўғрисида.....	15
3. Қадимги қўлёзма асарлар ва тарихий ҳужжатларда Шайх Ҳудойдод Вали тавсифи	18
4. Шайх Ҳудойдод Валининг ҳаёти ва фаолияти.....	26
5. Ҳудойдод Вали фаолиятида диний бағрикенглик муносабатлари..	31
6. Ҳазратнинг Яссавия тариқатидаги силсиласи	37
<u>IIБоб. Шайх Ҳудойдод Вали мероси ва авлодлари шажараси</u>	
1. Шайх Ҳудойдод Валининг адабий меъросида тасаввуф ғояларининг ёритилиши.....	43
2. Шайх Ҳудойдод Валининг адабий меъроси тарбия мактабидир.....	49
3. Каромат кўрсатишга дахлдорлик.....	55
4. Шайх Ҳудойдод Вали ва замона ҳукмдорлари.....	60
5. Шайх Ҳудойдод Валининг авлодлари шажараси	66
<u>III Боб. Шайх Ҳудойдод Валига авлодлар эҳтироми</u>	
1. Ҳазрат Ҳудойдод Валининг Ғазирадаги хонақо ва мақбараси	71
2. Шўролар даврида Шайх Ҳудойдод Вали маънавий меъросига бўлган муносабат	75
3. Мустақиллик йилларида Ҳазратга бўлган юксак эҳтиром	78
<u>IV Боб. Ҳудойдод Вали ғазалларидан намуналар</u>	
1. Ўзбек тилидаги ғазалларидан намуналар.....	83
2. Форс – тожик тилидаги ғазалларидан намуналар.....	87
Хулоса	89
Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар.....	93

Иноятов Сулаймон Иноятович, тарих фанлари доктори, профессор. Бухоро шаҳрида туғилган. Бухоро давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетини битирган. 1961-1995 йиллар давомида БухДУ кафедра мудири, декан, проректор лавозимларида ишлаган. 1995-2000 йилларда Навоий давлат кончилик институтида биринчи проректор, 2000-2004 йилларда Республика маънавият-маърифат маркази Навоий вилоят бўлимини бошқарган. 2004 йилдан бугунгача Навоий давлат педагогика институтида кафедра мудири лавозимида ишлаб келмоқда. Унинг “Амир Темур работи Маликда”, “Соҳибқирон ва темурийлар назари тушган диёр”, “Кармана тарих кўзгусида” каби 20 дан ортиқ монография, рисолалари, 300 га яқин мақолалари чоп этилган.



Қандахоров Анваржон Ҳасанович, Навоий вилоятининг Хатирчи туманида туғилган. 2002-2006 йилларда Навоий давлат педагогика институти тарих факультети бакалаврият босқичини тугатиб, 2006-2008 йилларда институтнинг тарих мутахассислиги бўйича магистратурани тамомлаган. Ватан тарихига, хусусан, Кармана тарихига оид ҳамда ёшлар мавзуларига бағишилаб республика, вилоят газета ва журналларида ҳамда илмий тўпламларда 30 дан ортиқ мақолалари эълон қилинган. “Карманалик йирик Шайх +- ва етук аллома”, “Ўлкамиз тарихини ўрганиши-миллий маънавиятимиз тикланишининг асоси сифатида”, “Кармана осмонида порлаган юлдуз”, “Ёшларнинг шаклланишида миллий гоянинг ўрни” каби мақолалари шулар жумласидандир.

Ҳозирги вақтда Навоий давлат педагогика институти “Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари” кафедраси тадқиқотчisi.